



566

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ


ТАФАККУР 4/2019








VATANIY VAZIFA


 ЭКЗ
№


 Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келган.

 Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

 Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

 Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур.

 ...улуғ аллома, XX аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: “Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”.

 Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган маросимдаги нутқидан олинди.



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят

Собиржон ЁҚУБОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Султонмурод ОЛИМ
(бўлим мудир)

Нодира ОФОҚ
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)

Насрулло ЭРГАШ
(мухбир-муҳаррир)

Наргиза УСМОНОВА
(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБӨЙ

Дилмурод ҚУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Маtbуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

@ tafakkurtahririyati@mail.ru


Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2019 йил 9 декабрь кўни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма табок. 734-бўртма. Нашр алади 927 нуска.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Замон сукутни кечирмайди. Адиб Жўра ФОЗИЛ билан суҳбат.....4



ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Абдурахим ЭРКАЕВ. Янгиланиш эҳтиёжи.....14

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Раҳмон ҚЎЧҚОР. Сулаймоннинг ўлимини кутаётган девлар.....20

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Забихулла СОИПОВ. Тарих тафтишга муҳтожми?.....28

РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Нодира ОФОҚ. Тил қайғуси.....34

ТАРАҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ. Очиқ эшиклар таомили....40

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Асл санъатни шахслар яратади. *Ўзбекистон халқ рассоми Алишер МИРЗО билан суҳбат*.....44



Алишер МИРЗО. "Инак йўли"

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Сирожиддин РАУФ. Даврон эврилса... ..52

ДУНЁНИНГ СИРЛАРИ


Жасур ИСҲОҚОВ. Лев Толстойнинг ёзув столи. *Ҳикоя*.....56

ЕТТИ ИҚЛИМ МУЖДАСИ

Султонмурод ОЛИМ. Сокин дарё, соҳир дарё. *Сафарнома*.....64

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Азиз НОРҚУЛ. Тескари аксиома.....70



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Абдулла УЛУҒОВ. Тазарру фасли.....74

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Жамшид ЖЎРАЕВ. Якто кутблар.....82

Сирожжон БЕРДИҚУЛОВ. Ўнглар ким? Сўлллар-чи?.....83

Дилнавоз ТОЖИБОЕВА. Қалам қиличдан қудратли.....85

Шерзод ҲАЗРАТҚУЛОВ. Замон – ўқи-ганники.....86

Турсунбой СУЛТОНОВ, Роҳатой ҲАЛИМ-МЕТОВА. Берунийнинг Ибн Синога ўн саволи.....87

Давронбек МАҚСУДОВ. Зулқарнайн пайғамбар бўлганми?.....89


Рустам ИБРОҲИМОВ. Замону маконни танламас офат.....91

Жаҳонгир МАМАТҚОСИМОВ. Саҳна юраги...92

Сайфиддин АНОРҚУЛОВ. Шаҳарсозлик: ғарбона ва шарқона ёндашув.....93

Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....95

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



ZAMON SUKUTNI KECHIRMAVDI

Адиб Жўра ФОЗИЛ билан суҳбат

– Жўра ака, ўтган йиллар мобайнида журналимизда бир неча ҳикоя ва таржимангиз босилди. Лекин таҳририятга йўллаганларингиз орасида чиққанидан чиқмагани кўпроқдир. Ижодкор одамнинг кўнгли нозик келади – бундай ҳолда ғанимга айланмаса ҳам, таҳририят аҳлидан ранжиб юриши турган гап...

– “Тафаккур”дан ҳам, “тафаккур”чилардан ҳам кўнглим қолгани йўқ. Бошловчи, ҳаваскор қаламкаш бўлганимда бошқа гап эди...

Қораламаларининг газета-журналга қабул қилиниш-қилинмаслиги, танқидга учраши ёки мақталиши ёзувчи учун одатий

хол. Бунга фожиа деб қараш тўғри эмас. Чунки ҳар бир нашрнинг ички тартиб-қоидалари бўладики, ўзини билган таҳририят улардан асло чекинмайди. Бундай тартибот кўпчилик мириқиб танқид қиладиган айрим туман газеталарида ҳам бор. “Тафаккур”дан қайтган ҳикоялар масаласига келсак, “Бугун олдингда бир эшик ёпилса, эртага иккитаси очилгусидир”, дейдилар. Қайтарилган ҳикояларнинг аксари бошқа нашрлар, китобларда чоп этилди. Албатта, “Тафаккур”да босилгани бўлакча эди...

Буларни қўйиб, адабиёт ҳақида гаплашсак. Фашистлар қатл этган буюк шоир Федерико Гарсиа Лорка бундай ёзади: *“Энг ғамгин қувонч – шоир бўлиш қувончидир. Бошқаси ҳисоб эмас, ҳатто ўлим ҳам!”* Бу сўзлар хаёлимда тез-тез айланади, тобора оҳорли мазмун касб этади. Уларда бадий ижоднинг машаққати, фожиаси, бахту шодлиги жуда аниқ ифода этилганидан ларзага тушаман. Лорка яна бундай дейди: *“Бадий ижод шундайин бир дарахтки, унинг мевалари ғамдан иборатдир”*. Шоир кўкракни захга бериб чекиладиган арзон-гаров оҳ-воҳни назарда тутаётгани йўқ, албатта. Аҳли қаламнинг инсоният келажаги, озодлик тантанаси учун чекиши лозим бўлган ойдин ғам ҳақида сўзлаётир.

Шу ҳақда ўйларканман, ҳазрат Навоийнинг “Шам ва парвона” асари ёдга келади. Бу миниатюр қиссадан чиқадиган ҳисса оддий ва шафқатсиз: парвоналар ўзини шамга уриб, бирин-кетин ҳалок бўлади, бошқалари бу фожиани кўриб турса-да, хулоса чиқармай, ўзини аланга домига отади. Навоий демокчики, парвона олов тафтини ҳис этмагунча, ўзидан олдин жизғанақ бўлган ҳамқавмининг ҳол-аҳволини тушунолмайди. Ахир, ўзи ёнмаган бировнинг ёнганини қандай ҳис этсин? Аммо таскин-ибрат ҳам бор бунда: парвона алангада ёниб кул бўлди, лекин у бахтсиз эмас. Ёнса-да, мақсадига етди – олов тафти нима эканини билди! Ҳар гал ўқиганимда, аҳволи руҳиямга қараб асардан янги-янги маъно топаман... Ҳа, инсон боласи билишга, ўрганишга, яратишга чанқоқ. Адабиёт ва ёзувчи шам ва парвонага ўхшайди. Ижодкор ҳам сўзга жон-жаҳди билан интилади, пировардида аланга домига тушганини билмай қолади...

Унинг меҳнатини менсимай, ёзганларини бир варақлаб чиқиб, қайтариб юзига отадиган “ношир”лар, “муҳаррир”лар; ўқиса-да, ўқмайдиган “китобхон”лар буни тушунмайди. Чунки улар парвона ҳолига ҳам, ёзувчи ҳолига ҳам тушмайди. Шамнинг нима экани эса уларни асло қизиқтирмайди...

– Кўзингиз тушгандир, журналимизда профессор Дилмурод Қуроновиқ марказ – провинция мавзусида мақола-си эълон қилинди. Олим интернет замонида икки ўртадаги қадимий айирма барҳам топаётганини урғуласса ҳам, мулоҳазаларида “музофот барибир музофот-да, пойтахтда яшаб ижод қилганга нима етсин” қабиллидаги ўкинч кучли-дек. Аслида, қалам аҳлига марказдан бошқа жойларда ҳам эҳтиёж бор. Лекин қайси ижодкор четда қолиб кетишни хоҳлайди дейсиз! Туман-қишлоқларда эса адабиётга муносабат ўзига яраша: ҳазми енги, маший, насиҳатнамо шеър-ҳикоялар кўпроқ ўқилади. Бора-бора шу талабга мослашиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Бошқа ёқдан қарасак, музофот деганимиз ижодкор халқида кучлироқ бўладиган иззат-нафс талабига қулайроқдек. Яъни бу ёқда иккинчи, ўнинчи, ҳеч ким... бўлган одам у ёқда пешқадам саналиши ҳам мумкин...

– Интернет замонида пойтахт – музофот ўртасидаги фарқнинг йўқолаётгани бор гап. Аммо мен шарт-шароит ҳақиқий адабиёт яратилишида ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ўйламайман. Негаки, музофотда юзага чиқолмай қолиб кетган истеъдодлар ҳам, пойтахтда яшаб ўзининг бирор сатрини китобхонга етказа олмай ўтиб кетган қаламкашлар ҳам йўқ эмас. Бу – долзарб масаланинг бир томони. Иккинчи ва ҳал қилувчи томони шундаки, Оллоҳ истеъдод берган мардум жон-жаҳди билан ҳаракат қилмас, бу йўлда ҳаёт-мамот жангига кирмас экан, сояда қолиб кетаверади. Ҳар қандай натижа, аввало, ҳаракатлар йиғиндиси-дир. Бадиий ижод қонуниятлари шу қадар шафқатсизки, у бўшанглик, фаолиятсизликни, замон эса сукутни кечирмайди. Музофотда истиқомат қилаётган ижодкор ҳам “истеъдоднинг 99 фоизи қаттиқ меҳнат” деган ақидага оғишмай амал қилса, кўп ўқиб-изланса, марказдаги сафдоши эришган ютуқларни қўлга киритишига ишончим комил.

Бу гапларим ярим асрлик ижодий фаолиятимдан келиб чиққан сабоқ, ҳаётини тажрибадир. Чеккада яшовчи ижодкор сифатида пойтахт – музофот қаршилиги синдромини енгиб ўтишга интилдим. Ҳикоя, қисса, романларим, таржималарим китобхонлар қўлига бориб етди. Қолгани вақт, китобхон, адабиётшунос ва танқидчилар ҳукмига ҳавола. Дарвоқе, китобхонлардан онда-сонда илиқ

сўзлар битилган мактублар олиб тураман. Энди бу музофотдаги ёзувчининг ғамгин шодлиги, ёз ёмғиридай бир гап-да...

Шоир Константин Бальмонт ўтган аср бошларида Эдгар По-нинг ҳикоялар тўпламига ёзган сўзбошисида бундай дейди: “Ҳар бир мамлакатнинг адабий муҳити ари уясига ўхшайди”. Бу тагдор сўзларни ҳар ким ўзича тушуниши, изоҳлаши табиий. Аммо ари уясига қўл суққан одамнинг қай аҳволга тушиши маълум. Техника тараққиёти пойтахт ва музофот ўртасидаги фарқни кескин камайтирган бўлса-да, адабий муҳитлар ўртасидаги тафовут барибир катта. Музофотда санъат асарига талабнинг ҳаминқадарлиги ва унинг ижодий такомилга таъсири, юсак парвоз, ижодкорнинг иззат-нафси... тўғрисидаги хавотирлар – ўша биз тилга олаётган улкан муз тоғи каби йирик муаммонинг қирралари, холос. Аслида, муаммою ечим ёзувчининг ўзига келиб тақалади. Кўп ўқиган, жаҳон мумтоз адабиётидан тузуккина хабардор бўлган ижодкор гирдобга тушиб қолмайди, тушиб қолганида ҳам ундан чиқиш йўлини топади.

Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас, дейишади. Бу – ижодкорга ҳам тааллуқли гап. Бундай “аскар”лар ҳамма жойда учрайди. Шапалоқдек китоб битиб, дарҳол эътирофу имтиёз кутиш нораво. Агар ёзилган асар ҳақиқий адабиёт мулки бўлса, улар сизни ўзи қидириб топади. Фақат вақт масаласида кафолат йўқ, чунки эътироф кўзингиз очиқлигида келадими ёки кейин – буниси ёлғиз Оллоҳга аён.

Агар мени адабиётнинг музофотдаги пиёда аскари дейишса, хурсанд бўламан. Зеро, ҳар қандай муҳораба тақдирини генераллар эмас, оддий аскарлар ҳал этади. Улар қўмондонлик қўналғаларида эмас, жангнинг олдинги сафида туриб кўкрагини ўққа қалқон қилади. Бандаи ожиз учун аллақандай пойгаю мусобақалар эмас, балки ёзилган, чоп этилган, китобхон қўлига бориб етган асар муҳимдир. Ижодкорнинг адабиётдаги ўрнини ҳозир бизда қабул қилинганидек турфа танловлару адабиёт корчалонлари эмас, вақт ва китобхон белгилайди. Ўйлаб кўринг, XX асрда шўро мафкурачилари томонидан кўтар-кўтар қилинган қай бир асар XXI асрга ўта олди? Уларни ҳозир ким ўқияпти? Менимча, вақтнинг шафқатсиз жазоси ва баҳоси мана шу...

“Пойтахтдаги жўшқин ҳаёт” чеккадаги ижодкорларга аллақандай бахт, имтиёз сифатида кўз-кўз қилинади. Эҳтимол, шундай-

дир. Лекин мен бошқача фикрдаман: ҳақиқий санъат асари ғала-ғовур, гавжумлик ичида кўнгилхушлиқдан эмас, танҳоликда дарддан яралади. Тараллабедод ҳаёт ёзувчига тин олиш, кузатиш-ўрганиш учун керак. Аммо бундай турмуш тарзи уни кўпроқ чалғитади. Қалам аҳли кўзлаган мақсадига ёзиш хаёли бутун борлигини чулғаб олгандагина етишади. Бу жиҳатдан одамни, хусусан, ижодкорни чалғитадиган моддий неъматлар музофотда бир оз камроқ, ёлғиз қолиш имконияти эса кўпроқдир...

Чеккадаги ёзувчини турмуш икир-чикирлари ботқоғига ботиб кетишдан асрайдиган, синашта омил – мумтоз адабиёт мутолааси. Сўз даҳолари асари Тошкентда ўқиладими, Бухоро ё Ромитандами – нима фарқи бор? Аслида, таъсир дегани замон ё маконга эмас, ўқувчининг руҳий қувватига боғлиқ эмасми?

Машрабдек “Дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни ковлама” дея илтижо қилган, ҳар бир мисрасидан нолаю афғон, қон томиб турган улуғ шоирни чеккада ижод қилган дейиш мумкинми? Муқимий, Фурқат, Завқий кабиларни-чи? Бухорода бир муддат қалам тебратган Айний, Чўлпон, Фитрат, Икромийни “провинциал” дейиш тўғрими?

Русларда “Россия сильна провинцией” (“Россия музофот билан кучлидир”) деган ибора бор. Москвадан олисда ижод этган Михаил Шолохов, Виктор Астафьев, Валентин Распутин, Фёдор Абрамов, Василий Белов каби сўз усталари адабиётда юксак чўққиларни забт этди...

Журналингизда ўн йиллар бурун чоп этилган бир ҳикоямда шундай кульминацион эпизод бор: кўп йиллар йўлка четида ўтириб ноёб китобини сота олмаган чол охири тоқати тоқ бўлиб, зиёлинамо бир кишини тўхтатади: “Бўтам, шу китобни сиз олақолинг, шундоқ текинга”. Зиёлинамо унга жаҳл билан ўшқиради: “Ҳой, мияси айниган чол! Мен китоб ўқимайман! Мен китоб ёзаман!” Назаримда, бу фожиа ҳозир янада чуқурлашган. Ўзгалардан бирор сатр ўқимай, ўз “асари”га маҳлиё қаламкашлар урчиб ётибди.

Марказ, музофот... балки у қадар аҳамиятли масала эмасдир. Аммо пойтахтда, узоқ-яқин вилоятларда китобдан йироқ шоир, ёзувчи, адабиётшунос, санъаткор, ўқитувчи, катта-кичик раҳбару ҳокимлар кўпайса кўпаймоқдаки, камаймаётир. Бу фожиага эса бефарқ бўлиш мумкин эмас.

– Узоқ йиллар туман газетасига раҳбарлик қилдингиз; ҳудудий нашрларнинг йўналиши, уларга қўйиладиган талаблар сизга яхши маълум. Яшириб нима қилдик, аксарии “хўш-лаббай”чиларни рағбатлантирадиган, аҳли қаламнинг қанотини синдирадиган жой у. Лекин сиз бадиий ижоддан тўхтаганингиз йўқ. Ҳикояларингиз, китобларингизни пешма-пеш ўқиб турибмиз. Қутлуғ 70 ёш остонасида айтинг-чи, ўтган йилларда топган ва йўқотганларингиз нисбати қандай?

– Нимасини айтасиз... топганларимнинг юки йўқотганларимникидан оғирроқ! Қарамлик, “хўш-лаббай”чилик қусурлари пойтахтда ҳам бор. “...ижод аҳлининг қанотини синдирадиган жой” деган фикрга қўшилмайман. Аксинча, қаламни чархлайдиган жой деган бўлур эдим! Туман газетаси камчиликлари, савиясига оид қусурларни тан олган ҳолда, шуни таъкидламоқчиманки, қаламни синдириш ҳам, уни чархлаш ҳам ҳар бир қаламкашнинг ўзига боғлиқ. 10-15 минг нусхада чоп этилаётган, маъно-мазмунни салмоқдор ҳудудий газеталар бор. Жумладан, мен муҳаррирлик қилган “Ромитаннома” газетаси ўтган асрнинг 80-йилларида ўн минг ададда босиларди. Кейинги йигирма йилда қоғоз ва босмаҳона хизматлари нархи кескин ошиб кетгани туфайли адади хийла озайди. Даромад камайгач, аввал ўн беш чоғли одам ишлаган жамоадаги ижодий ходимлар сони икки-учтага тушиб қолди.

“Хўш-лаббай”чилик газетамизда камроқ бўлган, деб ўйлайман. Аслида бу муаммони бир зарб билан ҳал этиш мушкул. Чунки иқтисодий жиҳатдан газетани бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам муассисдир. Муассис эса эркин фикр, танқидга ҳамма вақт тоқат қилавермайди – газетчилар “қўл-оёғини боғлайдиган” омиллардан бири ана шу. Бундай шароитда ижод қилиш, ҳамма ўқийдиган газета чиқариш осон эмас, албатта. Ярим асрдан кўпроқ умрим ўтган соҳанинг камчиликларини яшириш учун бундай деяётганим йўқ. Зеро, туман матбуотидаги камчиликларни ҳамма кўриб турибди.

Бошдан кечирганларимни “йўқотиш” деб билмайман. Булар – ҳаёт мактабининг бир-бирига сира ўхшамаган сабоқлари. Кўпчилик ҳамкасбларим газета иши ёзувчини чарчатади, уни асосий мақсаддан чалғитади, деб ҳисоблайди. Мен бу фикрга

буткул қаршиман. Газета иши – ёзувчилик сари энг яқин йўл. Марказий газеталарда ижодий ходимлар сони кўп, турли бўлимлар шаклланган, ихтисослашув бор. Шу боис баъзи ходимлар ҳафталаб бир сатр қораламайди. Туман газетасида эса, айниқса, ҳозирги вазиятда ходимлар сони бармоқ билан санарли. Табиийки, ҳар куни турли жанр ва мавзуларда ёзишга тўғри келади. Боз устига, одамлар билан жонли мулоқот, сафарлар ижодкор қаламини чархлайди, чиниқтиради. Топқирлик, тезкорликка ўргатади. Қолаверса, газетада ишлаш битмас-туганмас ҳаётий материал манбаидир. Бўлажак ёзувчи бундай бебаҳо хазинани яна қаердан топа оларди?

Газетада ишлаган йилларим Қизилқум чўллари, Амударё соҳиллари, Газли кенгликларига неча маротаба сафар қилдим. Ўша ёқларда ҳафталаб қолиб кетган кезларим ҳам бўлди. Шуларнинг ҳосиласи ўлароқ, туман газетаси журналистлари ҳаётига бағишланган “Тирамоҳ армонлари” романи ҳамда “Барқут мавсум” қиссаси қоғозга тушди. Улар марказий нашриётларда китоб ҳолида чоп этилди. “Барқут мавсум” қиссаси асосида тайёрланган радиоспектакль Ўзбекистон радиоси фондида сақланаётир.

Бадиий ижоддан тўхтаб қолиш – ижодкор учун, айниқса, вилоятда истиқомат қилувчи ёзувчи учун хатарли, ҳатто ҳалокатлидир. Шу тарзда ижодини, бутун умрини барбод берганлар қанча! Тўхтаб қолмаганимнинг асосий сабабларидан бири – газета ишининг тезкор оқимидир. Ҳар кун нимадир ёзиш кераклиги журналист-ёзувчини доим яхши “форма”да сақлайди. Тўғри, газета иши ёзувчининг кўп вақти, кучини олади. Лекин ёзувчи бўлишга бел боғлаган мардум бадиий асар ёзишга вақт ҳам, куч ҳам топа олиши керак. Ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида қишнинг узун кечалари, ёзнинг салқин саҳарлари, баҳор ва кузнинг илиқ тунлари доим ўз ихтиёримда бўлган. Марҳум Эркин Воҳидов айтганидек, “Сен бору мен бор, қалам бор, ўртада бегона йўқ...” Яна яқшанба, байрам кунлари албатта қалам тебратардим. Очиғи, турмуш, хизмат, бола-чақа ташвишларидан ёзувчини ҳеч ким озод этолмайди. Мабодо озод этса ҳам, бунинг охири хайрли бўлмайди.

Яна бир гапни айтмасам бўлмас: катта нашрларнинг айрим ходимлари туман газеталарини назар-писанд қилмайди, уларга “қашшоқ қариндош” деб қарайди. Балки катта-кичик жур-

налистлар, муҳаррирлар бўлар, лекин газетанинг катта-кичиги бўлмайди. Чамаси қирқ йиллар бурун бир шифокор дўстим айтганди: “Катта” газетада ишловчилар кичкина иш қилса ҳам, катта бўлиб кўринади. Сиз ишлаётган кичик газетада катта иш бажарилса-да, кичикдек туюлади”. Дўстимнинг фикри тўғри эканига ўтган йиллар мобайнида қатъий ишонч ҳосил қилдим. Туман газеталарида истеъдод даражаси ҳар хил юзлаб ходимлар ишлаган, ишляпти. Уларнинг ҳаммасини бир қаричда ўлчаш тўғри эмас. Савияси жиҳатдан марказий нашрларда фаолият юрита оладиганлари ҳам бор. Айтиш чоқда, орамизда ҳатто туман газетасига нолайиқ кимсалар талайгина.

Йўқотганларим... топганларимдан хийла камроқ, чамаси. Ўзим истаган-орзу қилгандек профессионал журналист ва ёзувчи бўлиб етишдим. Уйли-жойли бўлдим. Жамиятда ўрин топдим. Йўқотганларим – ёшлик, соғлиқ, кимларгадир бўлган ишонч... Аммо инсоннинг ҳаётдаги энг оғир йўқотиши – ота-онасидан ажралиш экан. Буни жуда кеч англаб етдим. Ҳаётда энг содиқ, энг кечиримли, энг бардошли дўст ота-она экан. Бозор иқтисодиёти инсоний муносабатларга таъсир этган бир вақтда бировнинг озори, юкини кўтарадиган дўст қолмади ҳисоб...

– Кейинги йилларда газета-журнал кўпайиб кетди. Деярли ҳар бир шаҳар-туманда муаллимларнинг ўз наشري, ёшларнинг ўз наشري, балиқчи, солиқчи, олиқчиларнинг... ўз наشري; етмаганига – хусусийлари. Майли, газета-журнал чиқариш, бир жиҳати, иқтисодий масала. Эплаган қандини урсин. Лекин шунча харажат, шунча овозгарчилик... жамият ҳаётига, маънавиятимизга нима беради? Туман газеталари шунчаки бирор қарор ижроси учун чиқадими ёки одамларга амалий манфаати ҳам борми? Сарф-харажати қандай қопланади, билмадим-у, аммо деҳқон-фермеру тадбиркорларнинг шийпон ё идораларида ҳатто таҳи бузилмаган даста-даста газеталарни кўрганим бор...

– Газета-журналларнинг кўпайиб кетиши ёмонлик аломати эмас. Балки дуруст ҳамдир. Чунки ҳар бир нашрнинг ўз ўқувчиси борми, ҳарқалай, мутолаа малакаси шаклланади. Айтиш чоқда, жиддий муаммолар-да кўп. Дейлик, ахборот, таҳлил, ғоялар аниқ-равшан, тезкор бўлмаса, қоғоз нашрлар интернет билан

рақобатлаша олмайди. Бу ёқда мажбурий обуна балоси... Кераксиз газета-журнал муассислар газийқи, ошна-оғайни, қариндош-уруғ ёрдамида обуначига тикштирилади. Бу хил нашрлар аксар ҳолда енгилгина танқидга ҳам дош беролмайди. Айниқса, хусусий газета-журналларнинг муқовасини “юлдуз” ва “юлдузчалар”нинг ажабтовур суратлари эгаллаган. Табиийки, ўша “қаҳрамонлар” бунинг ҳақини тўлаб қўйган бўлади.

Гап яна ўз-ўзидан туман газеталарига келиб тақалади. Уларнинг сони камайгани ҳам, кўпайгани ҳам йўқ. Янглишмасам, ҳар бир туманда ҳокимлик муассислигида биттагина газета чиқарилади. Мабодо, қайсидир ҳудудда яна битта-иккитаси чоп этилаётган бўлса, бунинг туман газетасига дахли йўқ. Айримлари “обуна пойгаси”да ҳолдан тойиб аллақачон ёпилиб ҳам кетди.

Қарийб олтмиш йилдан буён туман газеталарини буткул ёпиш керак, деган гапни эшитаман. Шу хил нашрда бирор кун ишламаганимда ҳам, эҳтимол, бошқача фикрни илгари сурган бўлардим: ҳар бир ҳудуднинг ўз газетаси бўлиши керак. Айтинг-чи, кичик бўлса-да, алоҳида маъмурий ҳудуд бўлган туманнинг 30 йиллик тарихини яна 30 йилдан сўнг қаердан топасиз? Ахир, у бошқарув органлари баённомаларида ёзиб қолдирилмайди-ку. Маҳаллий тарих озми-кўпми туман газеталари саҳифаларига муҳрланади.

Босма нашрларнинг бирламчи муаммоси – маблағ, яъни сарф-харажатни қоплаб, яхшигина фойда олиб, нашрнинг ривожини таъминлаш. Иқтисодий муаммолар гирдобига тушиб қолган журналист, бош муҳаррир ва ношир ўқувчига кўп нарса беролмайди.

– “Тирилиш” романида ғалати эпизод бор: бош қаҳрамон хаёлан иккига бўлиниб, ўз-ўзини шафқатсиз сўроқ қилади. “Кеча ва кундуз”да ҳам терговчи Мирёқуб айбланувчи Мирёқубни аёвсиз “маҳкама”га тортади. “Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт / Қийнайди ўзидан ўтган қусурлар. / Кимгадир айтилмай қолган бир раҳмат, / Кимдандир сўралмай қолган узрлар...” деган сатрларда ҳам шу руҳ пойдор. Ҳар биримизда ўз-ўзимизга бериладиган саволлар бисёр-у, уларни бошқалар эшитиб қолишдан чўчиймиз. Жавобларини, инчунин... Сизчи, суҳбатимиз сўнгида шу хил саволлардан бирортасини очиқлай оласизми? Жавобни-чи?

– Дмитрий Нехлюдовнинг тирилиш йўли – жуда оғир, зиддиятли. Бу – инсон онгидаги инқилобдир. Инқилоб жамият-дами, инсон онг-шууридами содир бўлар экан, оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайди; кўпдан-кўп фожиаларга доялик қилган инқилоблар кам эмас. Қалбнинг тирилиши эса мураккаб, кўпинча амалга ошиши даргумон бўлган ҳодиса. Инсонни ўзгартириш – коинотни ўзгартириш билан баробар, дейишди. “Тирилиш”ни такрор-такрор ўқиб, шу хил оғир кечинмалар ичида қолганман...

Мен ҳам ҳар бир банда сингари, айниқса, ижодкор сифатида ўз-ўзимни танқиду тафтиш қилишга мойилман. Ўзим билан ёлғиз қолишдан, шафқатсиз саволлар беришдан чўчимайман. Донолар “Ўзинг билан ёлғиз қолишдан кўрқсанг, омма орасида ҳам ёлғиз бўлиб қолаверасан”, дейди. Дейлик, “Ота-онамнинг меҳнати, ишончини оқлай олдимми?” деган савол мени кўп қийнайди.

Бедор ўйлар ичида “Ёзганларим янаги асрда ўқиладими, йўқми?” дейман. Бу – мен ўз-ўзимга берадиган, уни очиқ айтишдан тортинмайдиган саволлардан бири.

Ҳозир адабиёт, журналистика ва бошқа соҳаларда маҳаллийчилик, гуруҳбозлик кучайиб кетгандек. Бирор машҳур ёзувчи ёки олим вафот этса, марҳум ҳақида таъзияномани албатта унинг юртдоши битади. Ахир, шоир ёки олимнинг ижоди биргина вилоят эмас, бутун мамлакат мулки-ку! Ёлғиз қолганда, шу хил саволларга дуч келаман. Андак мутойиба билан айтсам, бир хавотирим бор: рихлат чоғи етганда, қайси юртдошим марсия ёзади? Ҳозирдан унинг кўнглини овлашим керакмикан?..

Ўзимга берадиган саволларимни бировдан яширмайман. Аммо бу ҳолни табиатимдаги қусурлардан бири деб ҳисоблайман. Бунинг учун умрим давомида кўп азият чекдим, талай яхшиликлардан мосуво бўлдим. Начора, инсон камчиликларини ўзи кўриб, бартараф этиши ёлғиз ўзига оғир экан.

Нодира ОФОҚ суҳбатлашди.



Абдурахим ЭРКАЕВ



YANGILANISH EHTIYOJI

yoxud

milliy g'oya xususida mushohada

Миллий ғоя халқнинг стратегик мақсадлари, олий манфаатлари, таъбир жоиз бўлса, тарихий даъвосини ифодалаши; миллатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий аҳволи, истиқболда турган долзарб вазифалари билан узвий боғлангани сабабли муттасил ривожланишда бўлмоғи лозим. У тўғри белгиланиши учун миллий манфаатлар чуқур ва ҳар томонлама тўғри англаниши керак. Акс ҳолда ё миллатчилик ва шовинизмга йўналган тажовузкор ғояга айланади, ё утопик-ғайриҳаётий мазмун касб этади. Пировардида

эса нигилизм, миллий манфаатлар ва қадриятларга беписандлик илдиз отади. Демак, у мавҳум идеалларни эмас, халқнинг равшан маслагини ифодаламоғи даркор.

Миллий ғоянинг шиор кўринишидаги ифодаси ўзгариб туриши мумкин, лекин у шаклидан қатъи назар, умумий мақсад йўлида жамиятнинг ҳар бир аъзосини сарфарбар этиши лозим. Инчунин, юксак марраларга ҳалол меҳнат ва ташаббускорлик орқали эришиш мумкинлиги, ҳар бир кишининг жамиятдаги мавқеи фақат ўзига боғлиқлигига ишонтириши керак. Масалан,

“америкача орзу” замирида ҳар бир инсон АҚШда фаолият юритиб, меҳнатсеварлиги ва қонунга итоатгўйлиги орқали давлатманд бўлиши, “ўзини ўзи яратиши” мумкин деган инонч ётади.

Миллий ғоя, шунингдек, жамият жипслиги, бирдамлигини таъминлаши зарур. Мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиб, ижтимоий табақаланиш кучаяётган, кўп-партиявийлик қарор топиб, улар ўртасида сиёсий ва мафкуравий кураш авж олаётган шароитда у жамиятни бирлаштирувчи кучга айланади.

Миллий ғоя бир неча сўз ёки таъсирчан шиор-жумлада ифодалангани маъқул. Буюк француз инқилоби намояндалари уни уч сўзга жо айлаб, олға сурганлар: “Озодлик. Тенглик. Биродарлик”.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бизда ҳам халқни бирлаштирувчи ва сафарбар этувчи миллий ғояни шакллантиришга эътибор қаратилди. Дастлаб Биринчи Президент Ислом Каримов “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” шиорини ўртага ташлади. Халққа маъқул келган ушбу шиор аҳолини ислохотларга сафарбар этишда ижобий роль ўйнади. Ижтимоий фикрда тахминан шундай ишонч қарор топди: “Мустақилликка эришдик. Энди пахта, олтин, нефть, газ каби бойликларимиз ўзимизга қолади. Биз фаровон яшаймиз. Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлади”. Бу ҳол халқнинг мустақил ва муносиб, тўқ-тўқис яшаш орзусига мос эди. Лекин мустақил тараққиёт қандай бўлиши лозимлигини турли ижтимоий гуруҳлар ҳар хил тушунарди. Мамлакатда Ғарб либерализми хайрихоҳларидан тортиб ислом республикаси тарафдорларигача бор эди. 1992 йилдаёқ сиёсий барқарорлик, миллий жипсликка раҳна солувчи кучлар майдонга чиқди. Шунда яна бир шиор пайдо бўлди: “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”.

Ички ва ташқи аҳволни ҳисобга олиб, стратегик мақсадларни ифодаловчи “Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос йўли бўлиши лозим”, “Буюк келажакни ўз кўлимиз билан яратамиз” каби шиорлар ўртага



ташлаб турилди. “Ўзгаларнинг тажрибаси ва моделини кўр-кўрона қўллаб бўлмайдимиз, чунки бизда халқнинг менталитети, урф-одатлари, турмуш шароити, мамлакатнинг табиий ва ижтимоий хусусиятлари бошқа халқларникидан фарқ қилади” қабилидаги фикрлар олға сурилди. Асосий урғу жамият ва мамлакат тараққиётига қаратилди, аммо жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фуқаро олдига қўйиладиган мақсад-вазифалар мавҳумлигича қолди. Фақат “ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун” экани таъкидланди. Мазкур шиорларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий аҳамиятини юқори баҳолаган ҳолда таъкидлаш жоизки, улар оддий инсонга аниқ мўлжал ва мақсадни кўрсатиб бера олмади.

2000-йиллар бошига келиб жамият ва инсон манфаатларини муштарак ифодаловчи янги шиор олға сурилди: “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт”. Унинг асосий тушунча ва тамойиллари (юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий шериклик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик) аниқланди ва мустақилликни мустаҳкамлаш, ислохотларни жадаллаштиришда катта аҳамият касб этди. Бироқ бу шиор жамият ва инсон тараққиётининг аниқ вазифалари билан етарлича боғланмай, маърифий даражада қолиб кетди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида объектив ва субъектив сабабларга кўра таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан соҳалари ходимларининг меҳнати етарлича рағбатлантирилмади. Шу боис юксак малакали мутахассисларнинг бир қисми бошқа соҳаларга ўтиб кетди, айримлари чет элларга равона бўлди. “Ақллар сизиши” таълим-тарбия, илм-фан, бадиий ижод соҳаларига салбий таъсир кўрсатди. Ишсизлик муаммоси эса меҳнат миграциясининг кучайиши, одам савдоси каби иллатлар пайдо бўлишига олиб келди. Буларнинг барчаси тарбиявий ишлар самарадорлигини сусайтирди, одамларнинг миллий ғояга ишончини пасайтирди.

2000 йилда қабул қилинган миллий ғоя концепциясидаги мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни обод дёрга айлантириб, жаҳоннинг мутараққий давлатлари қаторига олиб чиқиш, одамлар турмушини эркин ва фаровон этиш, баркамол авлодни тарбиялаш мўлжаллари, ифодаси бир оз мавҳум эканига қарамай, дастлабки йилларда ижтимоий фаолликни оширишда сезиларли аҳамият касб этди. Лекин миллий ғоя концепцияси ислохотларнинг тадрижий вазифалари билан боғланмай қолганидан унга узоқ муддатли ҳаётий жўшқинлик, амалий таъсирчанлик бағишламади, китобий шиор бўлиб қолаверди. Унинг тамойиллари ва тушунчалари таълим тизимида изчил ўқитилдию, аммо мавзуларнинг таълим бўғинларида такрорланмай, теранлашиб, ривожланиб боришига эътибор қаратилмади. Шу тариқа миллий ғоянинг одамлар, айниқса, ёш авлод онгига таъсири аста-секин сусая борди, одамлар уни на ислохотларнинг амалий вазифалари билан, на ўз фаолияти ва шахсий ҳаёти билан боғлай олди. Концепция жамиятда юз

бераётган ўзгаришлар ва замон даъватларидан ортда қола бошлади.

Ижтимоий онгда бугун ҳам ғоявий-мафкуравий ноаниқлик унсурлари кўпайиб, ёшларнинг қадриятлар тизими, интеллектуал даражасига салбий таъсир кўрсатаётир. Реал оламдан узилиб, ўзи яратиб олган виртуал маконда, хаёлот оламида яшаётган, компьютер ва замонавий электрон алоқа воситалари бандисига айланиб қолган ёшлар сони ортиб бораётир. Улар онгини манипуляция қилиш, турли хавфли ўйинларга жалб этиш, руҳиятини издан чиқариб, ўз жонига қасд қилишгача олиб бориш, турли сиёсий ва террористик гуруҳлар сафига тортишга уриниш жиддий таҳдидга айланди.

Миллий ғоянинг янги концепциясида шу сингари хатарлар ҳисобга олинмиши, уни муваффақиятли рўёбга чиқариш учун ижтимоий-маънавий муҳитни барқарор ва соғлом сақлашга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш, жамиятнинг ҳар бир жабҳасида миллий брендларни яратиш ҳамда юксак турмуш сифатини таъминлаш лозим. Кўп миллатли Ўзбекистон халқини миллий ғоя атрофида бирлаштириш, ёт нуқтаи назарларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун замонавий технологиялардан ҳам самарали фойдаланмоқ даркор.

Стратегик олий мақсадга, табиийки, тўсиқ ва қийинчиликларни босқичма-босқич енгиб ўтиш, зарур ҳолларда тактик усулу воситаларни ўзгартириб, янгиларини қўллаш орқали эришилади. Оралиқ мақсад-вазифалар, ҳар бир тарихий давр ёки муайян соҳалар бўйича дастурлар, йўл хариталари тузилади.

Таъкидлаш жоизки, тўлақонли миллий тикланиш учун ўн йиллик ўтиш даври кам-

лик қилади. Чунки одамларнинг қарашлари, психологияси, тафаккури бу муддат ичида анча-мунча ўзгарса-да, тубдан янгиланиб қолмайди. Онг инерцияси кўп соҳаларда сақланиб қолади. Мамлакатимизда мазкур муддат мобайнида бозор инфратузилмаси ва нодавлат мулк шакллари ҳали мустаҳкамланмаган, улар билан боғлиқ янгича иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар шаклланиб улгурмаган эди. Бундай муносабатларга тўлиқ киришиб кетиш, уларни ривожлантириш учун етарли даражада тажриба ва кўникма керак. Қолаверса, мустақил ҳаётини бозор муносабатлари ва рақобат шароитида бошлаган авлоднинг халқ хўжалигидаги, жамиятдаги салмоғи катта авлодниқидан кам бўлмаслиги лозим. У янги қадриятлар, тутумлар асосида тарбия топгани туфайли замонавий иқтисодиёт ва ҳаёт талабларига тезроқ мослашади. Бундан ташқари, бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ислохотларни барча соҳаларда чуқурлаштиришга ҳам ўн йиллик муддат камлик қилади. Мулкнинг нодавлат шакллари, янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар оёққа мустаҳкам туриши учун камида 25 йил керак. Юртимиздаги миллий тикланиш жараёни ҳам чорак асрга чўзилди...

Миллий ғоянинг ифодаси янги концепцияда ўзгартирилиши ҳам, эски шаклда сақлаб қолиниши ҳам мумкин. Агар ўзгартирилса, “Эркин инсон юксалиши орқали – жамият тараққиётига”, “Жамият тараққиёти орқали – эркин инсон юксалишига”, “Инсон муваффақияти ва жамият равақининг негизи – ҳалол меҳнат, инновацион ташаббускорлик ва миллий жипслиқдир”, “Инсон ва жамият юксалиши уч устунга – меҳнат, янгиликка интилиш ҳамда умуммиллий

жипсликка таянади” тарзида ёхуд бошқа жозибали ибораларда ифодалангани маъқул. Муҳими, жамият ва инсон манфаатларига бирдек устунлик берилиши албатта акс этиши лозим.

Миллий ғоя қандай шиорда ифодаланмасин, оралиқ мақсадлар ислохотлар ва таълим-тарбия вазифалари билан узвий боғланиши керак. Ана шунда у амалий-маънавий сафарбар этувчи кучга, ижтимоий мўлжалга айланади.

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда беш устувор йўналиш бўйича ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтишни бошлаб берди. Стратегияни миллий ғоянинг ҳозирги босқичдаги жорий вазифалари мажмуи дейиш ўринли. Миллий юксалиш босқичида ғоя Ўзбекистонни мутараққий давлатлар сафига кўшиш мақсадини; жумладан, мамлакатни 2030 йилда – 50 нафар, таълим соҳасида – 30 нафар ривожланган мамлакатлар сафига олиб чиқишни кўзлайди

Жамият тараққиёти ва ислохотлар тадрийжий кечганидек, миллий ғояни ҳаётга татбиқ этиш ҳам босқичма-босқич рўй беради. Бу эса турли усул-воситаларни қўллаш, миллий дастурларни татбиқ этиш, узлуксиз маърифий-мафкуравий тадбирлар ўтказиш, миллий брендларни кенг тарғиб қилиш, ҳар бир кишига ўз салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш имкониятини яратиш орқали амалга оширилади.

Миллий ғоя шиор шаклида мухтасар ифодаланса-да, унинг асосий тамойиллари концепцияда батафсил баён этилмоғи лозим. Оддий халққа уларнинг содда шарҳи кифоя. Лекин мутахассислар учун асосий тушунча ва тамойиллар мазмун-мақсади кенгроқ очиб берилиши керак. Ундан маънавият-маърифат тарғиботчилари, ОАВ, таълим, маданият ва илм-фан ходимлари,

зиёлилар, раҳбарлар, давлат бошқаруви ходимлари ҳам фойдаланади.

Янги концепцияда миллий ғоянинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ: меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, эркинлик ва масъулият, янгилликларга (инновацияга) интилиш, толерантлик ва мафқуравий хилма-хиллик, ижтимоий адолат, ижтимоий шериклик, миллий жипслик, халқаро муносабатларда очиқлик, яхши қўшничилик, тенгҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” тамойилининг татбиқ этилаётгани; халқ қабулхоналари, давлат раҳбарининг виртуал қабулхонаси ҳамда ижтимоий тармоқ орқали аҳоли муаммолари ўрганилиб, имкон даражасида ечилаётгани; давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилинаётгани – миллий ғояда акс этган мақсадларнинг илк рўёбидир.

Амалдаги концепцияда акс этган Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби тушунчаларни қолдириш ёки янгилаш ҳам, олиб ташлаш ҳам мумкин. Олиб ташланса, ҳеч нарса йўқотилмайди. Зеро, улар мазмунини янги лойиҳа асосий тамойиллари шарҳида берса бўлади.

Ҳозирга қадар миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка алоҳида ўрин берилди. Бу ижобий ҳол, албатта. Лекин, бизнингча, улар ўрнига толерантлик тамойилини киритиб, унинг намоён бўлиш шаклларига изоҳ берган маъқулроқ. Чунки толерантлик кенг маъноли истилоҳ бўлиб, у диний эътиқоддан ташқари мафқуравий плюрализм, миллий-маданий, лисоний ва бошқа ижтимоий-аксиологик хилма-хилликка ижобий муносабатни англатади.

Янги концепцияда миллий ғоя асосий тамойилларига қисқа изоҳ бериш унинг сави-

ясини оширади. Шарҳ воситасида миллий ғояни ислохотлар жараёни билан теранроқ ва аниқроқ боғлаш мумкин. Қолаверса, бу орқали асосий тамойиллар мазмунини бирёқлама ёки янглиш талқин қилиш олди олинади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунда ижтимоий шериклик тушунчаси тўлиқ қамраб олинмаган. Унда асосан давлат институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга оид меъёрлар акс этган ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат идоралари ўртасидаги муносабатлар бошқа алоҳида қонун орқали тартибга солиниши қайд этилган.

Бинобарин, қонунда ижтимоий шериклик субъектлари сифатида, бир томондан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (махалла ва ҚФЙ), нодавлат-нотижорат ташкилотлар; иккинчи томондан, давлат ҳокимияти органлари эътироф этилган. Масалага бу хил ёндашув чаладир.

Гап шундаки, ижтимоий шерикликнинг бошқа субъектлари ҳам бор. Бу борада биринчи навбатда муайян мулкка нисбатан ҳуқуқий мақоми турлича бўлган мулкдор ва унинг ёлланма ишчи-ходимларини кўрсатиш жоиз. Ўтмишда – XIX аср ва XX аср бошида улар ўртасидаги муносабатлар синфий қарама-қаршилик ва курашга асосланган. Бу турли инқилоб, қўзғолон ва оммавий норозиликларга олиб келган. Ҳозир ҳам ижтимоий зиддият тўлиқ барҳам топгани йўқ. Аммо аксар корхона-ташкилотларда ижтимоий шерикликка интилиш кучли. Мулкдор (унинг номидан, одатда корхона маъмурияти) ва ишчи-ходимлар (улар номидан касаба ташкилоти ёки ваколатли гуруҳ) ўртасида жамоавий келишув имзоланади. Шартномада инқироз ҳолатларидан биргаликда чиқиш йўллари, даромад ёки харажатни бўлиш механизми аниқ кўрса-

тилади. Сирасини айтганда, ижтимоий шериклик мулкдор ва ишчи-хизматчиларнинг корхона тақдири учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишидир.

Миллий ғоянинг янги концепциясига ҳам ижтимоий шериклик тўғрисида қуйидаги фикрни киритиш мумкин: “Ижтимоий шериклик тўрт йўналишда: мулкдор ва ёлланма ишчи-ходимлар; давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари; давлат ҳокимияти ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари муносабатларида ҳамда давлат-хусусий мулк шерикчилигида намоён бўлади”.

Худди шундай қисқа сатрда бошқа тусунча ва тамойилларга изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Янги концепция пухта ишлаб чиқилмоғи, таълим-тарбия борасида амалга оширилаётган давлат дастурлари, партиялар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳужжатлари ҳамда ижтимоий-маънавий масалаларни тартибга солувчи қонунлар унга зид келмаслиги керак. Таъбир жоиз бўлса, миллий ғоя юқорида санаб ўтилганлар учун ўзига хос ижтимоий-аксиологик ва илмий-методологик мўлжал ва мезон вазифасини бажаради. Миллий ғоя жамият тараққиётининг барча йўналишла-

ри учун йўлчи юлдуз, бош концептуал ғоя мақомидадирки, у таълим-тарбия, мафкура, ижтимоий муносабатлар учун мезон бўлмас экан, турли хатолар юз беради.

Нега тасаввуф доирасида олға сурилган ўта жозибали “комил инсон” ғояси амалий натижа бермади? Жавоб оддий: унинг нафс ва ҳирсга қарши курашиш талаби жамият тараққиёти билан боғланмаган эди. Қашшоқларнинг қорнини тўйдиролмайдиган, устини бутлолмайдиган жамият комил инсонни тарбиялай олмайди. Айни чоқда, моддий фаровонлик ҳам ўз-ўзидан комил инсонни вужудга келтирмайди. Бунинг учун иқтисодий юксалиш қаторида самарали таълим-тарбия ва маънавий-маърафий тизим зарур.

Биз XXI асрда – ахборот-коммуникация технологиялари тез суръатда ривожланаётган, ягона ахборот макони шаклланган, “ахборот портлашлари”нинг таъсири ўта кучайган, одамзод реал ва виртуал воқелик ўртасидаги чегараларни фарқлай олмай қолаётган шароитда яшамоқдамиз. Бинобарин, янги концепцияда замонамизнинг ана шундай мураккаб хусусиятлари ҳамда глобаллашувнинг зиддиятли тенденциялари ҳисобга олинмоғи лозим.



Раҳмон Қўчқор



SULAYMONNING O'LIMINI KUTAYOTGAN DEVLAR

Одамзод ҳаёти мазмунини ташкил қилувчи икки бирбутун: дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги мувозанат ҳар қандай жамиятнинг келажагига дахлдор жиддий мезон ҳисобланади. Ушбу мувозанатнинг йўқолиши дунё мамлакатларини жаҳолату тўс-тўполон гирдобига тортган ва ҳамон тортаётир. Ўрта асрлар Европасида ҳукм сурган, ваҳшиёна жазолар ва қийноқлар тимсолига айланган инквизиция бунинг яққол мисолидир. Жордано Бруно, Николай Коперник каби мутафаккирлар жамият ҳаётида дин ва дунёвийлик ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви туфайли қурбон бўлгани маълум.

“Сўнги жадид” номини олган забардаст олим Бегали Қосимов “Миллий уйғониш” китобида Туркистонни мустамлакага айлантирган чор Русиясининг ўлка халқларига

нисбатан риёкор сиёсатини фош этувчи кўплаб маълумотларни келтиради. Жумладан: “Исмоилбек (Гаспринский) фикрича, Русия мусулмонлари учун бугун биринчи масала маърифатдир... Лекин миллатнинг саводи ўз тилида чиқмоғи керак. Миллий тарбия, муқаддас ғоялар авлоднинг онгу тафаккурига она тилида сингмоғи лозим. “Сут билан кирган” деган иборада гап кўп.

Бу фикрни Русия ҳукумати, рус зиёлилари қандай қабул қилдилар? 1882 йилдаёқ мазкур мавзуга бағишланган йиғилиш чақирилди. Йиғилиш 30 августда Тошкентда ўқитувчилар семинариясида ўтказилди. Ушбу семинариянинг директори машҳур миссионер Н.Остроумов эди. Йиғилишда генерал-губернатор А.Абрамов ваколати билан келган ўлка юқори маъмурияти, олий руҳонийлар, семинария талабаларининг

ота-оналари иштирок этдилар. Йиғилишда семинариянинг тарих ва география ўқитувчиси М.Муропиев маъруза қилди. Маърузанинг мавзуси: “Ғайрирус мусулмонлар маорифига қандай бош принциплар асос қилиб олинмоғи лозим?”

Нотиқ ўз сўзини асосан И.Гаспринский фикрларини рад этишга қаратади: “Агарда биз таклиф қилинган лойиҳани (мусулмонларнинг ўз тилларида, анъанавий ўқув воситалари асосида ўқитиш – Б.Қ.) қабул этсак, шу пайтгача мудраб ётган мусулмон мутаассиблигини тирилтирган ва бу билан қўйнимизда илон асраган бўламыз”.

“Шундай қилиб, – деб хулосалайди ўз фикрини маърузачи, – мусулмонларимиз маорифи учун асос қилиб олинishi шарт бўлган биринчи бош принцип уларни руслаштиришдир”, “иккинчи принцип... исломни бузиш, прозелитизмдан воз кечиш, қисқача айтганда, ёт мусулмонларимизнинг, умуман, диний жиҳатларини бузишдир” (*Какие главные принципы должны быть в основе образования русских инородцев-мусульман // “Туркестанский сборник”. Том 361. Стр.138*).

Б.Қосимов изоҳ беради: “Рус шовинизми “инородец” (ғайрижинс, ғайриинсоний) тушунчасини яратди. З.Валидий қайд этишича, бу соҳанинг “бош мутахассиси” Муропиев эди. Унга кўра, “инородец” мусулмонлар, яъни туркистонликлар учун маориф ташкил этишда маъно йўқ. Уларнинг қисмати Америкадаги қизилтанлилар билан бир...” (*Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент, “Маънавият”, 2002. 19-20-бетлар*). Дарҳақиқат, жуда кўп тарихий, бадий манбалар Муропиев эълон қилган принциплар тизимли ва қатъий тарзда ҳаётга жорий этилганидан – ўлкада руслаштириш, исломни бузиш, ўлка аҳолисининг диний тушунчаларини издан чиқариш ҳаракатлари фаол олиб борил-

ганидан далолат беради. Шундоқ ҳам уч хонлик даврида жаҳолат домида яшаган ўлка аҳолиси истилочиларнинг тизимли ҳаракатлари натижасида ҳам дунёвий, ҳам диний маърифатдан бебаҳра ту-

тилди; неча-неча авлод онги ва тафаккури шу асосда шаклланди. Аҳолининг маиший, маданий-маънавий ҳаётини эса ўша – қолоқ онг ва занжирдаги тафаккур белгилади.

“Меҳробдан чаён”да тасвирланишича, бир замонлар “қуббати исломи дин” сифатида эъзозланган Бухорода мадраса талабаси бўлмиш Абдурахмон кечалари бойваччалар кўнглини олиш учун бошига соч тақиб, “бачча” ролини ўйнайди. Қандай жирканч... “Жувонбоз” ҳикоясининг баччабоз қаҳрамонлари эса “худого шукр, мусулмонмиз” дея ўзини алқайди. Ғафур Ғулومнинг ўспирин Қоравойини киссавурликка ўргатувчи салт эшоннинг ўзини покдомону балоғардон қилиб кўрсатишини; Шум бола “бобо” деб чақирса, “бобо эмас, ҳожи бобо дегин, ҳароми” дея жеркишни унутмайдиган “тақводор” кимсанинг масжид биқинидаги хужрада оғуфурушлик билан шуғулланишини чинакам ислом эътиқоди ва ахлоқи билан бир муқояса қилайлик! Ёхуд Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси, “Ўғри”, “Бемор”, “Майиз емаган хотин” сингари ҳикояларида қаламга олинган жаҳолат кўлами, чорасизлик фожиаси-чи? Буларнинг бари миллат ва мамлакат тушиб қолган, тўғрироғи, атай туширилган жарнинг тубсизлигидан сўзлайди.

Афсуски, халқимиз пешонасига битган тарихнинг ундан кейинги 70 йилида ҳам,



айниқса, виждон эркинлиги, диний маърифатдан баҳрамандлик бундан беҳроқ бўлгани йўқ. Халқ озодлиги, миллатлар ҳамда динлараро тенглик, эътиқод эркинлигини байроқ қилиб кўтарган большевиклар ўз ҳукмронлигининг дастлабки кунидан бошлабоқ айнан ўша қадриятларни аёвсиз топтади. Дин соқжамият учун зарарли сарқит, душман ҳодиса деб уқтирилди; художўйлар эса қолоқ ва жоҳил деб баҳоланадиган, қадамда мазахланадиган бўлди. Ушбу ҳодисалар кўлами ва даҳшати Игорь Буничнинг “Партиянинг олтинлари” номли китобида атрофлича, чуқур акс этган (*Бунич И. Партиянинг олтинлари. Тошкент, “Маънавият”, 2016*).

Шўро ҳукуматининг риёкорлиги, вазият тақозо қилса, ҳар не иккиюзламачилиги бебурдликка тайёрлиги динга, диндорларга муносабатда ҳам намоён бўлди. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида – мамлакат хавф остида турган пайтда диндорлар ва даҳрийлар, давлат ва диний ташкилотларни қарама-қарши қўйиш нақадар хатарли эканини ҳукумат яхши билар эди. Қолаверса, кўпчилик диний уюшмалар, диндорлар фашизмга қарши курашнинг биринчи кунлариданоқ ўз инсоний бурчларини амалда намойиш қила бошладиларки, буни сезмаслик ва ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди. Шу боис тугатиб юборилган православ черкови патриархлиги 1943 йилда қайта тикланди. Худди ўша йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил этилди, Бухорода Мирараб мадрасаси иш бошлади, мусулмонларга ҳаж қилишга руҳсат берилди.

Ўша кезлар Ўзбекистон халқи номидан фронтга – жангчиларга йўлланган хатларда ҳам уларнинг диний туйғуларига алоҳида эътибор қаратилиб, душман унинг имон-эътиқодига, улуғлар мазорига тажовуз қилаётгани, покдомон қизу жувонлари иффа-

тига раҳна солишга шайлангани, демакки, уни беомон қириш мусулмон кишининг муқаддас бурчи эканини эслатишга зўр берилган эди...

Аммо миллионлаб диндорларнинг ҳам жувонмарг умри эвазига ғалаба қўлга киритилгач, сиёсат яна эски ўзанга қайтди. Айниқса, 1960-йилларга келиб вазият ўта жиддийлаша борди, турғунлик даврида эса диний бирлашмаларни рўйхатга олиш, диндорларнинг конституцион ҳуқуқлардан фойдаланиши ниҳоят даражада чеклаб қўйилди. Масжид ёки ибодатхонани очиш масаласи ҳам бевосита Москвада ҳал қилинди. Йигирма беш йил (1961-1986) мобайнида мамлакатда мусулмон диний уюшмаларнинг сони 1546 тага камайиб кетди (*“Наука и религия” журнали, 1987, 11-сон*).

1983-1989 йиллар оралиғида республика раҳбарияти, айниқса, Ўзбекистон ССР КП Марказқўмининг мафкура соҳасидаги котибу котибалари томонидан тепага ёқиш учун амалга оширилган ишлар нафақат қонунсизлигию ғайриинсонийлиги билан, балки мантиққа зид ва ақлга ётлиги билан ҳам одамни сескантиради. Ахир, Наврўздек уч минг йиллик тарихга эга табиат байрамини ислом билан боғлаш, Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларида одамларни ибодат майдонларидан қувғин қилиш, рўза кунлари давлат идораларининг катта-кичик хизматчиларини ёппасига сув ичишга мажбур этиш, ота-онасининг жанозасида қатнашгани учун коммунист раҳбарларни ишдан ҳайдаш сингари бедодликларни бошқа қандай баҳолаш мумкин?! Юзлаб комсомолларнинг водий бозорларига сафарбар этилиб, уларнинг ўз она ва опалари бошидаги оқ рўмолларни “дин сарқити” сифатида юлиб олиб, ёқиб юборганини унутиб бўладими?! Ёки “нима учун мусулмон, христиан ва яҳудийлар алоҳида қабристонга дафн этилиши керак? Ахир, ҳаётда бирга яша-

ган омма ўлганидан кейин ҳам бир жойда ётиши керак эмасми?” деган иддао билан интернационал қабристонлар жорий этишдек тарихда мисли кўрилмаган ҳаракат айнан бизда бошланганига нима дейсиз (мазкур ҳаётий ҳодисалар “Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар” видеофильми ҳамда “Ўртоқ Бойкенжаев” бадий фильмида қизиқарли талқин этилган)?!

Яна бир мулоҳаза: эски мактаблар, масжиду мадрасалар хурофот ўчоғига айланган, кейинроқ эса шулар-да ёпилган ва бузилган, уламолар қувғин қилинган, ноёб илмий-маърифий китоблар ёқиб, кўмиб юборилган ёхуд ташиб кетилган, имон-эътиқод ҳар жойда таъқиб остига олинган маконда ким диний маърифат тарқатиш билан шуғулланадию бу ҳаракат қанчалик самара беради?

Аслида, инсон боласи фақат моддият билан чекланиши мумкин эмас. Унинг руҳияти, қалби ва онги ҳам ўзига мудом озуқа талаб қилади. Афсуски, зикр этилган даврларда одамларнинг руҳий-руҳоний эҳтиёжлари бирёқлама, чала-чулпа ва ҳатто бузилган тушунчалар ҳисобидан қондирилди, бу ҳол диний маърифатдан кўра жаҳолат ва бидъатнинг, кўрқорилик ва омилиқнинг кучайишига сабаб бўлди. Одамларнинг дину диёнат тўғрисидаги тасаввурлари ниҳоятда саёз, аксар бирёқлама, кўпроқ афсонаю чўпчаксифат ҳикоятлар асосида шаклланди, ғирт бидъатдан иборат даққи қарашларга диний қадрият ниқоби кийдирилди. Дейлик, мотам маросимлари шу қадар бузилиб кетдики, бир вилоятда ҳовлида айюҳаннос солиб йиғлаб қолаётган хотин-халаж тобутнинг устидан пул сочса, бошқа вилоятда таъзия билдириш учун келганки одамнинг қўлига нон ва пул солинган тугун тутқазилди. Айрилиққа учраган хонадон эгалари чеккароқ жойларда юзлаб, катта шаҳарларда эса минглаб одамларни қайта-қайта чорлаб

“уч”, “пайшанба”, “қирқ”, “эллик икки”, “йил” оши беришни ўзининг муслмонлик бурчи деб биладиган бўлди. “Суннат тўйи” ўтказмоқчи бўлганлар энг аввал тўй дастурхонига тортиладиган спиртли ичимликлар миқдори ҳақида ўйлади. Муқаддас қадамжолар аввал харобага, кейин ширк амаллар ўчоғига айланиб қолди. Авлиёларга нисбат берилган қабр, кўҳна дарахт ёки булоқлар минглаб одамлар назр-ниёз атайдиган, атрофидаги емакхоналарда ош-овқат пишириб, ейишдан олдин чойнакка қуйилган спиртли ичимликни “илоё, зиёратларимиз, назр-ниёзларимиз Худо даргоҳида қабул бўлсин” дея “ихлос” қилинадиган жойлар тусини олди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошига қадар юртимиздаги вазият, таассуфки, ана шундай эди...

Қақраган ерга бирдан келган сел баҳра бериш баробарида ўша ернинг бағрини ўйиб, бузиб ҳам кетади. Бинобарин, маърифатдан Мосуво этилган жамиятга диний эркинлик жорий қилиниши ижобий ўзгаришлар билан бирга бузғунчи оқимларнинг селдай кириб келишига ҳам баҳона бўлади.

1991 йил 14 июнда, ҳали шўро мафкура-си ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Бу – динга муносабат масаласи давр контекстида ўткирлашганидан далолат беради. Афсуски, берилган имкониятлар суиистеъмол қилинди. Жумладан, масжид очиш иши кампаниябозликка айланиб кетиши оқибатида қисқа вақтда уларнинг сони 89 тадан 5 минггагача етди. Хужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаган, малакали имомлар билан таъминланмаган, зарур шароитлар бўлмасдан туриб фаолият юритгани боис турли дин “пешво”лари уларнинг аксариятини ўз уяларига айлантиришга ҳаракат қилдилар.

Воҳа вилоятларига ўша пайтда биродаркушлик урушини бошдан кечираётган

Тожикистондан, водий вилоятларига эса кўшни Қирғизистоннинг ўз ҳолига ташлаб қўйилган шаҳарларидан имомликка даъвогар кимсалар келиб, масжид ва “хужра”ларга жойлашдилар. Чала-чулпа диний маълумотга эга ажнабийлар молиявий ёрдам кўрсатиш баҳонасида республика ҳудудидаги диний ташкилотлар раҳбарлигини ўз қўлига олиб, бузғунчилик, тескари ташвиқот билан шуғулланишга киришди. Узоқ-яқиндаги мусулмон давлатларда яшовчи собиқ ватандошлар ажратган хайрия маблағлари ҳисобига қурилган айрим масжидларда ибодатдан кўра экстремистик ташвиқотлар авж олди, Оллоҳ ёди бир ёнда қолиб, жиҳодга даъватлар янграй бошлади. Диний фундаментализм ва халқаро экстремизмнинг авж олиш хавфи туғилди.

Аввал кўпроқ пойтахт Тошкент ва водий, кейинчалик эса бошқа вилоятларда пайдо бўлган хужраларда экстремистик ғояларни одамлар, биринчи навбатда, ёшлар онгига сингдириш учун самарали-таъсирчан методларга асосланган ҳолда машғулотлар олиб борилди. Яширин хужралар, уларнинг домлалари ва “толиби илмлар”нинг моддий таъминотини олис-яқин хориждаги унча-мунча содда одам тагига етолмайдиган “руҳоний” марказлар ва ўзимиздаги “савобталаб” сармоядорлар – ҳукумат алмашса, ёғлироқ амаллар тегиб қолишидан умидвор мансабпарастрлар ўз зиммасига олган эди.

Биз хужралардаги ўқитиш, ўзига оғдириш усулларини бекорга ғоят самарали, таъсирчан демадик. Зеро, уларда давлат таълим муассасалариникидан фарқланадиган қуйидаги ҳолатлар мавжуд эди:

1) хужрага жалб этилганлар “билим ва тажриба” учун пул тўламаслигига қўшимча равишда озиқ-овқат, керак бўлса, кийим-бош билан ҳам текин таъминланган (бу усул ўтган асрнинг 90-йиллари бошида –

республикада озиқ-овқат ва кийим-кечак танқислиги вужудга келган, одамлар зарурий маҳсулотлар билан талон асосида, минимал даражада таъминланаётган бир вазиятда ўзига қанчалик жалб этганини тасаввур қилиш қийин эмас);

2) давлат мактаблари, ОЎЮларда битта ўқитувчи бир фандан бир ҳафтада бир-икки соат машғулот олиб борса, хужраларда бир ёки икки нафар “устоз” беш нафаргина тингловчига ҳар куни камида тўрт-беш соатдан таълим берган – унинг нафақат ақлига, балки руҳиятига ҳам жуда яқиндан, юзма-юз ўтириб таъсир қилиш имконига эга бўлган;

3) хужрага жалб этилганлар адабиёт, ўқув материаллари, варақа ва бошқалар билан текин таъминланган, бу манбалар 2-3 йилда эмас, нари борса 3-4 ойда пухта ўзлаштириб олинадиган ҳажм ва мазмунда тузилган;

4) хужрадагиларнинг нафақат ўзи, балки оиласидагиларга ҳам кўмак кўрсатиш орқали уларнинг хушёрлиги ўғирланган.

Ўрни келганда айтиб ўтсам: мамлакатимиз ОАВда, кўплаб китоб, рисоаларда турли норасмий оқим ва ҳаракатларга қўшилиб кетган ёшларга аксар ҳолларда ёппасига оми, ғўр, саводи ҳаминқадар, содда ва ишонувчан, ҳатто гўл деб таъриф-тавсиф бериш одат тусига кириб қолган. Мазкур ғоявий-мафкуравий курашнинг айрим жабҳаларини қўлдан бой бераётганимиз, муҳолифларимиз фаолияти самаралироқ бўлишининг туб илдизида айна шу ҳол – душман томон куч ва имкониятларига етарли баҳо бермаётганимиздек жиддий қусурлар ётибди. Аслида эса экстремистик оқим ва ҳаракатлар ичида бўлғуси аъзоларнинг бутун ҳаёти, характер ва темпераменти, қизиқишлари ва билим доираси, имон-эътиқод масаласига муносабати, моддий-маънавий эҳтиёжлари, орзу-армонларини пухта ўрганадиган билимдон мутахассислар,

кучли психологлар фаолият олиб боради. Улар тўпланган маълумотларга таянган ҳолда бўлғуси “ўлжалар”нинг ҳар бирига индивидуал ёндашади ва йўл-йўриқ ишлаб чиқади. Яъни: кимнинг орзулари амалга ошмай турибди, бунда давлат идоралари ёки жамиятдаги мавжуд ҳолатнинг таъсири нечоғли; ким ҳатто отасига қарши туриб бўлса-да, “эътиқод” ҳимоясига чиқа олади; ким ҳар қандай тазйиқ ва қийноқларда ҳам гуруҳ аъзоларини, унинг раҳбарларини сотмайди – ўлимга, жиҳодга тик бора олади... мана шу каби суриштирувлар сафга янги аъзолар танланишида албатта инobatга олинади. Билим ва фикрлаш қуввати ҳаминқадар, табиатан заиф, тўртта одамга гапни ўтказолмайдиган, озгина мушкулотдан гангиб ўзини йўқотиб қўядиган кишилар бу гуруҳларни қизиқтирмайди. Бугина эмас, “хужра”га лойиқ кўрилган, ўзлари оғиз солган кишининг истиқболига айнан ким чиқиши, у билан дастлабки ишловни ким олиб боришигача пухта ўйланади. Содда қилиб айтганда, талабага унинг яқин курсдоши, олимга илмдоши, савдогарга бозордоши, хунармандга касбдоши рўбарў қилинади.

Хужрадаги дарслар фақат назария, манбаларни ўрганиш билан чекланиб қолмай, тиқиштириладиган ғояларнинг ҳаёт билан боғланишига жидду жаҳд кўрсатилади. Яъни чинакам мусулмонлар яшайдиган жамият аслида қандай бўлиши уқтирилар экан, таълим олувчининг нигоҳи ҳаётдаги ўта салбий ҳолатларга, нуқсонларга қаратилади. Бундай ҳолатлар эса, афсуски, жамиятда ҳар қадамда учрайди. Масалан, улар кўча-кўйда, жамоат транспортида очиқ-сочиқ юрган, ҳашаматли тўйларда танасини кўз-кўз қилиб ўртани бўшатмай ўйинга (рақсга эмас!) тушаётган қиз-жувонларни кўрсатиб, аччиқ саволларни қалаштирадилар: “Шулар мусулмон миллатими, исломий жамиятда шунга йўл қўйиладими, Яратган

аёлни шунга буюрадими, буларнинг эри, ака-укаси борми, агар бўлса, энди уларнинг исломий ҳукми нима бўлади?!” ва ҳоказо.

Шу тариқа тузоққа илинган “ўлжа”нинг нигоҳи ўзга “масъалаю масойиллар” томон бурилади. Одам ўзи яшаётган жамиятга ётлашиб, ич-ичдан замондошларига нисбатан душманлик, улар қилиб юрган кори амалга қарши нафрат ҳисси билан тўлиб боради. Қарабсизки, ҳужраларда уч-тўрт йил обдон шундай “таълим-тарбия олган”, дейлик, ёш адабиётшунос олимнинг кўзига “ажойиб кунларнинг бирида” тик боқиб сўралади: “Бошлаб қўйган илмий ишингизнинг мавзуси нима эди? “Замонавий модерн адабиётининг стилистик жиҳатлари”миди? Биродар, бир кун келиб Оллоҳнинг ҳузурига борганингизда Яратган Эгам сиздан яшаганинг ҳаётда қандай иш қилиб келдинг, деб сўраса, нима деб жавоб берасиз? Ўша илмий ишингизнинг номини айтасизми?..”

Худди шу янглиғ саволлар талабанинг ҳам, хунарманду савдогарнинг ҳам, аёлу эракнинг ҳам олдига кўндаланг қўйиладу “энг тўғри жавоб”ни топишда (жиҳодга даъват йўли билан) “халис кўмаклашиб” юборилади...

Ана шундай куч ва имкониятларга эга бўлган экстремистик оқимларнинг ҳаракат доираси тобора кенгайиб, хатарли тус олаётгани борасида ислом дунёсининг энг йирик уламолари ҳам жиддий ташвиш билан бонг урмоқдалар. Улардан бири – Ал-Азҳар университети шайхи, номи 2013 йилги “Дунёнинг энг таъсирли 500 мусулмони” рўйхати аввалида қайд этилган Аҳмад Тоййиб ҳазратларидир. Олим 2015 йил февраль ойида Макка шаҳрида бўлиб ўтган “Террорга қарши кураш ва ислом” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида, жумладан, қуйидагиларни уқтирган эди: “Ҳурматли уламолар! Биз араб ва мусулмонларни мўлжал қилган ва уларни батамом бошқа

шаклга келтиришни ҳамда ўз мамлакатларида уларни пароканда қилишни хоҳлаётган катта-катта халқаро режаларга тўқнаш келиб турганимизни яхши биласизлар. Ва яна исломга хайрихоҳ бўлмаганлар билан қўлма-қўл ва елкама-елка ҳамкор бўлиб турган, дунёни янгича мустамлака қилиш орзусида бўлган кимсалар қаршисида турганимизни ҳам биласиз.

Шуни ҳам унутмаслигимиз лозимки, янгича мустамлака қилиш йўлида фойдаланилаётган ягона восита ўтган асрда амалда қўлланган айни воситанинг ўзидир. У ҳам бўлса, уларнинг “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” деган ваҳшиёна шиорларидир. Уларнинг мазкур шиорлари бу сафар мазҳаблар ва тоифалар ўртасидаги ихтилоф, кескинлик ўчоғини келтириб чиқаришга асосланади. Минг афсуски, шу сафар ҳам бу умматни хоҳлаганларига ўйнатишди ва хоҳлаганларича макр-ҳийла, хиёнат ҳамда четдан туриб бошқаришни амалга оширишди. Бу маккор ўйин натижасида Ироқ бой берилди, Сурия ўт ичида қолди, Яман парчаланди, Ливия эса барбод бўлди. Яна улар кўз остиларига олган, Оллоҳнинг ўзигина биладиган қанчадан-қанча мўлжал ва режалари бор” (*Дунё уламолари мурожаати. Тошкент, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2016. 61-64-бетлар*).

Бу гаплар бир томонда Саудия Арабистони бошлиқ аҳолисининг асосий қисми сунний, иккинчи ёқда эса Эрон бошлиқ шиа мазҳабига мансуб мамлакатлар ўртасида кўзгатирилган ўта хавфли зиддиятлар ва шу асосда араб дунёсида тобора авж олаётган биродаркушлик урушларини ёдга солади. Бу мамлакатлар шу ихтилофдан манфаатдор бўлган йирик давлатлардан бир-бирини отиш учун энг замонавий, қирғин кучи оширилган ажал қуролларини тобора кўпроқ, бир неча юз миллиардлаб доллар эвазига сотиб олаётир...

Ўрни келганда муштарийлар эътиборини яна бир тарихий параллелга қаратсак. Улуғ рус адиби Фёдор Достоевский “Бесы” (“Жинлар”) романида она юрти Россия худудига четдан кириб келаётган, юзаки қараганда гўё халқ бахти учун курашни олиий мақсад деб эълон қилган, аслида эса бепоён ўлка худудини улкан тажриба – социалистик ғояларнинг синов майдонига айлантирмоқни кўзлаган одам қиёфасидаги жинларнинг асл башарасини очиб беради. Асар қаҳрамонларининг аксари Германияда ўқиб, хатарли ғоялар билан қуролланиб қайтган нигилистлардир. Улар инсоният бахтли, фаровон ва озод яшашини таъминлаш учун жамиятларни таг-туғи билан қўпориб ташлаш, бошқарувчиларни аёвсиз қириш, ўтмиш билан боғлиқ жамики қадриятларни остин-устун қилиш, халқлар, миллатлар дунёқарашини тубдан ўзгартириш даъвосини илгари сурадилар. Улар назарида ҳар жиҳатдан қоқоқ, Европа цивилизациясидан узилиб қолган, бой-зодагонлари томонидан таланаётган Россия эса тажриба майдони сифатида танланиши керак...

Шуниси ҳайратланарлики, бу ваҳший ғоянинг бош тарғиботчиси Пётр Верховенский тили билан айтганда, “бор-йўғи юз миллион одамнинг бошини узиш керак бўлади, холос!” дея иш бошлаган “жинлар” қўллаган усуллардан бугунги ислом дунёсидаги диний экстремистик гуруҳлар ҳам деярли ўзгаришсиз фойдаланмоқда. Хориж “сабоғи” ва йўл-йўриғини олган “жинлар”нинг ҳар бири беш кишидан иборат ҳалқа тарзида яширин фаолият олиб борган бўлса, бутун дунёни халифалик бошқарувига бахт ва иқболга дохил этишини даъво қиладиган ҳизбчилар ҳам ҳар бири беш кишилик ҳужралар тизимини ташкил этди. Айни “ҳалқа”ларда обдон ишлов берилган беш кишининг ҳар бири кейин “устоз” сифатида ўзи ҳам алоҳида бешликни йиғади

ва бу жараён то “муқаддас уруш”га ишора бўлгунга қадар кенгайиб бораверади. Бамисоли маддалаб борадиган саратон ўсимтаси янглиғ...

Ф.Достоевский шахси ва ижодини, ғоя ҳамда қарашларини В.Ленин ҳам, унинг издошлари ҳам хушламагани маълум. Бунинг бош сабаби шуки, улугъ ёзувчи асарларида инсониятга оғоҳлик қўнғироғи сифатида янграган чақириқлар марксистик ғояларга мутлақо зид эди. Таъбир жоиз бўлса, адиб асарлари Германиядаги сиёсий ва ҳарбий доираларнинг таъсирига тушган, Русия империясида “инқилобий ҳаракат”ни вужудга келтириш ва биродарқушлик оловини ёқиш учун ўша мамлакат молия гуруҳларидан аллақанча сармоя олиб турган Лениннинг фаолиятини фош этар эди.

Айнан Ленин туғилган 1870 йилда ёзила бошлаган, улугъ ёзувчининг башоратича, тез оёққа туриб Россияни ёппа босиб келаётган сиёсий жинлар тажовузидан оғоҳлантириш мақсадида битилган бу асарнинг аҳамияти ҳеч қачон сусаймайди. Зеро, бугун дунёни бўлиб олишга янги уринишлар авж олган даврда турли халқлар, жумладан, ўзбек ёшларини ўз “бағри”га чорлаётган, Ер юзининг турли минтақаларида ташкил этилган мафкуравий марказларда уларни ўз ватани, дини ва миллатига душманлик руҳида тарбиялаётган кучлар илгари сураётган қуйидаги каби ғоялар бундан 150 йил аввал П.Верховенский томонидан хуштаъм коньяк сипқорганча айтилган бояги фикрдан (“борйўғи юз миллион одамнинг бошини узиш керак бўлади, холос!”) деярли фарқ қилмайди: “Инсонлар табиатан урушни ёмон кўрсалар ҳам ва ўзаро муаммоларни тинчлик

воситалари билан ечишга уринсалар ҳам, ўзлари ёмон кўрган нарсага мажбур қилинишлари аниқдир. Шунинг учун ҳам инсонлар бу урушлардан узоқлашишга қанчалар ҳаракат қилишса ҳам улар ўртасида уруш бўлиши муқаррар. Улар урушни тўхтатишга қодир эмаслар...

Миллатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамда давлатлараро тинчлик, гарчи унга интилиш чиройли иш бўлса ҳам, лекин уни доимий шаклда рўёбга чиқаришнинг имкони йўқ, балки уруш бўлиши муқаррар, Шунинг учун бирор инсоннинг урушларни ман қилиш ҳақида фикрлаши хатодир” (бу ҳақда *ба-тафсил қаранг: О.Аббосхўжаев, Н.Умарова, Р.Қўчқоров. Мафкура полигонларидаги олишув. Тошкент, “Академия” нашриёти, 2007. 58-75 бетлар).*

Телекўрсатувларни эътибор билан кузатганда, ноқонуний гуруҳларнинг жиноий ҳаракатлари учун қўлга олиниб, қилмишига яраша жазога тортилган аъзолари унча-мунча зиёли одамдан қолишмайдиган даражада мантиқли, аниқ фикрлаши, мулоҳазаларини ҳар жиҳатдан тўғри ифода этиши билан ажралиб туришини сезмаслик мумкин эмас. Демак, уларни нуқул оми ва ғўр деб ўйлаш, бизнингча, ўта бирёқламалик, масалага масъулиятсиз ёндашувдир. Тан олайлиқки, экстремистик ташкилотлар биз ўйлаганчалик гўл кишилар билан узоққа боролмай, ўзини ўзи осонгина фош қилган, сафларини бу қадар кенгайтира олмаган бўлар эди. Шундай экан, биз ғоявий мухолифларимиз – замона жинларининг куч ва имкониятларини тўлиқ ҳисобга олиб ҳаракат қилсаккина, кўзлаган мақсадимизга эриша оламиз.



TARIX TAFTISHGA MUNTOJMI?

2017 йилда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолияти қайта ташкил этилди. Унинг низомида мазкур даврни тизимли ўрганишни ташкил этиш, ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги кунини баҳолашда тарихийлик ва объективлик принципларига асосланиш, бирёқлама ёндашув ва догматизмга йўл қўймаслик каби тамойиллар қайд этилди. Шунингдек, кенгаш ҳузурида мамлакатнинг энг янги тарихи масалаларига оид хориждаги илмий тадқиқотларни танқидий таҳлил қилиш сектори ташкил этилиб, унга чет эл илмий ва ўқув адабиётларида Ўзбекистон тарихини сохталаштириш, бузиб кўрсатиш фактлари-

ни аниқлаш ва муносабат билдиришни тизимли равишда амалга ошириш вазифаси юкланди.

Албатта, мазкур кенгашнинг жамоатчилик фикрини яқдиллаштириш, умуман, давлат ва жамият муносабатларида алроҳида ўрни бор. Айни вақтда Фанлар академияси ҳузурида фаолият юритаётган кенгаш 2012-2017 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 1996-2012 йилларда эса Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида марказ ўлароқ иш олиб борган. Марказ 2011 йилда "Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида", "Ўзбекистон шўро мустамлака-

чилиги даврида” ва “Мустақил Ўзбекистон тарихи” деб номланган 2000 саҳифа, уч жилддан иборат салмоқли тўпламни тайёрлаб чоп этди.

Хўш, ўтган давр мобайнида миллат тақдири билан боғлиқ тарихий жараёнларни чуқур илмий тадқиқ этиш ва холисона ёритишга эришилдими?

Сирасини айтганда, ижтимоий-гуманитар фанлар маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришнинг асосий воситаларидан бўлиб, бу борада тарих ва уни ўрганиш методологиясини тайин этиш, айниқса, ўта муҳим. Негаки, халқ кечмишини баҳолашдаги холислик; ўтмишнинг “оқ доғлари”, яъни зиддиятли ва баҳсли масалалар муҳокамасида бирёқламаликдан воз кечиш миллий ўзликни англаш ва халқ хотирасини сайқаллашда муҳим омил бўла олади. Чунончи, жадидчилик ва “босмачилик” ҳаракатлари, “Хужум” кампанияси, Туркистон легиони, пахта яккаҳоқимлиги, қулоқлаштириш, ГКЧП каби мозий воқеаликлари – тарихимизнинг табибини кутиб ётган “оқ доғлар”идир.

Зиддиятли нуқталарга эътибор қаратмаслик ёки уларни хаспўшлаш натижасида ўтмишдаги ҳал қилувчи ҳодисалар жумбоқлигича қолиб кетиши, пировардида эса жамоатчилик орасида ғоявий парокандалик юзага келиши мумкин. Ўзбекистон тарихининг кўплаб саҳифаларини қайта ёзиш, бунинг учун эса уни ҳужжатлар асосида теран ва холис тадқиқ этиш фурсати аллақачон келди. Бу борада баҳс лардан чўчимаслик, зарурат туғилса, ҳақиқатни жамоавий тарзда рўёбга чиқаришга уринмоқ даркор.

Биз Ўзбекистоннинг энг янги тарихини битишда ўзига хос тадқиқот мактабини яратиш ҳамда унинг доимий методологик йўриқномаси сифатида муҳим уч омил – манбашунослик, мунаққидлик ва мурса маданиятини шакллантиришни тақлиф этамиз. Янги тадқиқотларда, бизнингча, талқин масаласи бирламчи аҳамият касб этади. Зеро, талқин

орқали ҳар қандай ҳодисани мафқуравий жиҳатдан исталган ўзанга буриш мумкин. Шу боис олим муайян воқеа-ҳодисани ёритишдан олдин тарихий манба қайси мафқурага таянганини аниқлаб олиши даркор. Энди зикр



этанамиз уч омилга муфассалроқ тўхталсак.

Манбашунослик. Бизнингча, манбаларни расмий, норасмий (муҳолифат), фаоллар тақдим этган маълумотлар ва илмий-назарий рисоалар тарзида тўрт гуруҳга таснифлаган маъқул. Кўпинча биринчи гуруҳ манбаларда мавжуд мафқура доирасидаги қуруқ фактлар, иккинчисида – ҳоқимиятга интилиш ва бирёқламалик, учинчисида – ҳиссиёт ва эҳтирос, тўртинчисида эса мавҳум, лекин теран назарий ёндашув етакчилик қилади. Тарих тадқиқотчилари манбаларга шу тасниф асосида ёндашсалар, мавзуни ҳаққоний ва холис ёритиш имкони кенгайди.

Улкан билим ва маълумотлар хирмонида манбаларнинг “гуруч”ини “курмаги”дан ажратиб олиш олимдан қўшимча малака талаб этади; пухта илмий-услубий ва методологик ёндашувгина сарғайган саҳифаларга айланаётган тарих ҳақиқатиға жон бағишлаши мумкин. Демак, ўтмиш воқелигига оид асл ҳақиқат турли манбаларни қиёсий ўрганиш, таҳлил ва синтез, масаланинг туб илдизига етиш орқалигина юзага чиқади. Бунда халқаро миқёсда тан олинган методологик тажриба ва услубларни чўчимасдан дадил қўллаш керак. Масалан, француз олими Марк Блок “Тарихчининг аъмоли” номли асарида илгари сурган назарий ва методологик ёндашувларни олайлик (*Marc Bloch. Chapter 1, History, Men, and*

Time, The Historian's Craft with introduction by Peter Burke, 1992. pp.20-47). Унинг фикрича, тарихнинг муайян ҳодисасини уни юзага келтирган сабаблардан воқиф бўлмай туриб тўғри баҳолаб бўлмайди; аини чокда ўтмишнинг ҳаққоний манзараси бугуннинг воқеаларини теран кузатиш ва оқилона қарор чиқаришга ёрдам беради.

Тарихчи олим, шунингдек, замон ва макон оша ғойибона саёҳат қила олишга қодир кенг тафаккур соҳиби бўлмоғи даркор. Мозий ҳақиқатини ҳолисона ёритишда сиёсатшунослик, социология, диншунослик, маданиятшунослик, психология, ҳуқуқ, иқтисод каби турли фанлар бўйича чуқур билим ҳам, турли тиллардан бохабарлик ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Мунаққидлик. Манбаларни ўрганишда тилшунослик малакаси ҳам керак бўлади. Чунки илм-фаннинг исталган соҳасида таржима ва тилшуносликка зарурат бор. Ўрганилаётган ҳужжат ҳамда ўша тарихий давр тилини таққослаш орқали далилларнинг нечоғли ишончли экани аниқланади. Қолаверса, истифода этилган мақол, матал, нақл, коса тагида нимкоса тарзидаги иборалар муаррихнинг руҳий ҳолатидан воқиф бўлиш ва жўяли хулосалар чиқаришда асқотиши мумкин.

Марк Блок – тадқиқ этилаётган жамият кишиларини ўз замонасининг вакили ўлароқ баҳолаш тарафдори. У қадимги, янги ва энг янги давр кишисига ягона йўл-йўриқ ва бир хил мезон асосида ёндашиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди; шунингдек, ўтмиш одамлари онгу шуурини борлигича, бирбутунликда қайта гавдалантиришни ёқлайди.

Мураса маданияти. Ватан тарихини қайта тафтиш қилиш, янги талқинга ҳам мамлакат ичидаги, ҳам ташидаги кенг жамоатчиликни ишонтира билиш осон эмас, албатта. Бағрикенглик халқимизга хос азалий фазилат экани маълум – тарихий фактлар талқинида илмий баҳс ва мураса маданиятини руҳиятимиздаги шу нуқтага таянган

ҳолда қарор топтирмақ лозим. Фикри ожизимизча, тарихга тўғри баҳо бермоқ учун ўтмишнинг таҳликали, долғали ҳодисаларини хайрихоҳлик ила қабул қилмоқ даркор. Яъни мавжуд фактлар – холислик ва ҳаққонийликдан чекинмаган ҳолда – ўрта йўл (васатия) ва мураса тамойилида ёритилиши; тарихий ҳақиқатга тик қарай олиш жасорат экани ҳам унутилмаслиги зарур.

Мозий воқеаларини талқин этишда мафкуравий-сиёсий омилларни ҳам ёдда тутмоқ керак. Негаки, ўтмиш ҳодисаларини ҳаддан зиёд бўрттириш Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан муносабатларига таъсир кўрсатиши мумкин. Қайд этиш ортиқча эмас: тарихнинг миллий давлатчилик мафкураси асосида талқин этилиши оқибатида ҳозирда Яқин Шарқ, Узоқ Шарқ, Жанубий Осиё ва МДХ мамлакатларида таранг ва кескин муносабат юзага келган. Демак, тарихий талқин халқлар ва миллатлар орасига адоват уруғини сочиб қўймаслиги лозим. Мураса маданияти эса миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни сақлаш, муҳим хорижий ҳамкорлар билан узоқ муддатли ишончли мулоқотни давом эттиришга хизмат қилади.

“Шайтон этагидан тутганлар”

Кейс стади – Туркистон легиони. Юқорида тавсифланган тадқиқот методологиясини ҳануз тизимли ўрганиб, узил-кесил сиёсий баҳо берилмаган воқелик – Туркистон легиони мавзусига жорий қилиб кўрсак.

Вали Қаюмхон (1904, Тошкент – 1993, Дюссельдорф, Германия), Рўзи Назар (1917, Марғилон – 2015, Сиде, Туркия) ва Боймирза Ҳайит (1916, Наманган – 2006, Кёльн, Германия) легион фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнаган шахслардир. Улар Иккинчи жаҳон урушида олмонларга асир тушиб, Ҳитлер Германияси томонидан тузилган Туркистон легионига қўшилган. Мазкур уч шахс фаолиятига ўзбекистонлик мутахассислар томонидан аксар ижобий

баҳо берилган. Масалан, Боймирза Ҳайит манбаларда “таниқли ўзбек олими”, “маърифатпарвар ватандошимиз”, “хориждаги ўзбек диаспорасининг таниқли вакили” дея таърифланган (*Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон мухторияти). Институт истории АН РУ. Тошкент, “Тошкент ислом университети”, 2006. Стр.23*). Рўзи Назар эса бир манбада “ўзбек диаспорасининг Америкадаги фахри” дейилади (*Туркистон-Америка Ассоциациясининг асосчиларидан бири Рўзи Назар бугун 95 ёшга тўлди. 21.01.2012. <http://vatandosh.uz/2012/01/21>*).

ВВС ўзбек хизмати томонидан 2017 йилда тайёрланган “Туркистон легиони: тарихнинг ўқилмаган варақлари” номли дастурда мазкур шахслар фаолияти атрофлича таҳлил этилгану, мавзуга бевосита алоқадор бир мақолада эса уларнинг номи негадир тилга олинмаган (*Зиёев Ҳ. II жаҳон уруши ва ўзбеклар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2003 йил 25-сон*). Эҳтимол, муаллиф баҳсли мавзуни четлаб ўтишни маъқул кўргандир.

Вали Қаюмхон 1921 йилда Абдурауф Фитрат ташаббуси билан Германияга ўқишга жўнатилган ёш туркистонликлардан бири бўлиб, таҳсил тугагач, ватанга қайтмайди. Берлин университетиде ўқиб юрган кезлари Босиб олинган шарқий худудлар вазирлигининг бош советшунос олими, профессор Герхард фон Менде тавсиясига биноан Туркистон масаласига оид докторлик диссертациясини ёзади. В.Қаюмхон 1942 йил май ойида бўлиб ўтган Адлон конференциясида ҳам иштирок этади. Олмон ҳукумати томонидан уруш ва урушдан кейинги муштарак шарқий стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманда Европа давлатлари ва Туркияда кўним топган Ўрта Осиё ва Кавказ муслмон эмигрантлари қатнашган (*Мамулиа Г., Абуталыбоев Р. Страна огней: в борьбе за свободу и независимость. Политическая история*

азербайджанской эмиграции 1920-1945 гг. Париж–Баку, CBS Polygraphic Production, 2014).

Босиб олинган шарқий худудлар бўйича вазир (Ostministerium) Альфред Розенберг Нюрнберг судида Вали Қаюмхон ва Туркистон легиони ҳақида бундай кўрсатма берган: “Дунёнинг турли чеккаларидан келган муҳожирларни тўплаш ниҳоятда хатарли эди. Фюрер бу режани таажуб билан тинглади... Биз Қаюмхонни Шарқий вазирликка тарғибот-ташвиқот мақсадида ёллаган эдик. Энди вазирлик уни эмигрантларни тўплаш учун Парижга жўнатаётир...”

Туркистон легионининг янги байроғи яратилди, ярим ой олиб ташланиб, ўрнига камон ва ёй қўйилди. Фюрерга кўрсатганимда, у ушбу рамз ва тарҳларга эътироз билдирмади” (*Nazi Conspiracy and Aggression Volume IV Office of the United States Chief Counsel for Prosecution of Axis Criminality Washington, DC: United States Government Printing Office, 1946 <https://avalon.law.yale.edu/imt/1520-ps.asp>*).

Издошлари орасида “тошкентлик зодагон” лақабини орттирган Қаюмхон пировардида “фиску фасод ва мурасасиз тортишувлар боис Германия тарафининг ишончини йўқотади” (*қ.: Чувее С. Проклятые солдаты. Предатели на стороне III рейха. “Эксмо”, 2004*).

Рўзи Назар 2009 йили “Америка манзаралари” кўрсатувида Туркистон легионининг мақсади ва маслағи ҳақида ҳикоя қилиб берган (*Уруш хотиралари / Memories of War. “Америка овози”, 2009 йил 25 май*). Унга кўра, урушда асир тушган ўзбек, қозок, қирғиз, туркман ва тожиклардан 9 та рота ташкил этилади. Роталардан биринчисига Рўзи Назар командир этиб тайинланади. “Мустафо Чўқай Туркистон бирлиги ва мустақиллиги ғояси учун курашди. Ана шу ғоя бизга байроқ бўлди... Биз “агар шайтон Московга қарши курашса, унинг ортидан эргашамиз” деганмиз”, деб ҳикоя қилади у.

Боймирза Ҳайит ўз мақолаларида шўрлар зулмини қоралаб, Туркистон ўлкасида ҳур жамият барпо этиш орзусини тараннум этади (*Turkistan: a case for national independence. Institute of Muslim Minority Affairs. Journal Volume 1, Issue 1, 1979. pp. 38-50*). У кўплаб асирлар айнан Туркистон легионига кириш орқали омон қолганини қайд этади. Легион ҳақида гап кетганда, албатта Мустафо Чўқай (1890, Сирдарё – 1941, Берлин) номи ҳам зикр этилади.

Айрим манбаларда эса мазкур тўрт шахс шўро мафқураси нуқтаи назаридан “аксилбольшевик”, “хоин” ва “ватангадо” дейилади. Янги манбалар улар орасида жиддий келишмовчиликлар бўлганига ҳам ишора этади (*Enver Altayli. A Dark Path to Freedom: Rusi Nazar, from the Red Army to the CIA. Translated by David Barchard Hurst & Company, London, 2017*).

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари дунё юзини кўрган манбалардан фарқли ўлароқ Туркия, АҚШ, Германия ва бошқа Ғарб мамлакатларида чоп этилган китобларда Туркистон легиони намояндаларига танқидий баҳо берилган. Масалан, АҚШнинг номдор “The Wall Street Journal” газетаси журналисти, Пулицер мукофоти совриндори Айен Жонсон “Мюнхен масжиди: нацистлар, Марказий разведка бошқармаси ва Ғарбда мусулмон биродарларининг илдиз отиши” номли китобининг бир бобини Вали Қаюмхон, Рўзи Назар ва Боймирза Ҳайитга бағишлаган (*Ian Johnson, A Mosque in Munich: Nazis, the CIA, and the Rise of the Muslim Brotherhood in the West. 2011*). Қайд этилишича, Рўзи Назар Герхард фон Менде ва SS бошқармаси билан ҳамкорлик қилади, урушдан кейин эса Марказий разведка бошқармасига ёлланади. 1955 йилда Совет Иттифоқидан Саудия Арабистонига борган ҳожилар орасида саботаж қилишга уринади. Туркиялик Анвар Олтойли қаламига мансуб “Ruzi Nazar: CIA'nin Türk Casusu” номли китобда баён этилишича, 1979 йилда Эронда гаровга олинган АҚШ

фуқароларини озод қилиш бўйича “Арго” операциясига Рўзи Назар кураторлик қилган.

Олмон тилида чоп этилган манбаларга кўра, Совет Иттифоқининг бир миллиондан зиёд вакиллари Германия жанговар ҳаракатларида иштирок этган. Бу эса Шарқий фронтга сафарбар этилганларнинг чорак қисми демакдир. Улар сафида ўртаосиёликлар 110-180 минг нафарни ташкил қилган. 1941 йил кузда асир тушган 100 минг туркистонликдан атиги олти минги қишдан омон чиққан. Хатна қилинган боис уларнинг аксари яҳудий деган гумонда суд ва терговсиз отиб ташланган. Польшанинг Ченстохова шаҳрида ўттиз минг ўртаосиёлик асирдан икки минги жон сақлаб қолган.

Нацистлар ҳукумати СССР ҳудудини (жумладан, Туркистонни) 7 та норусийзабон қисмга бўлиш режасини эълон қилган, лекин уларга сиёсий суверенитет бериш кўзда тутилмаган, яъни ягона олмон сиёсий гегемонлигини сақлаб қолиш мақсад қилинган. Урушда фақат ҳарбий воситалар билан ғолиб бўлиш имконсиз деб ҳисоблаган вазир А.Розенберг аҳоли ишончини қозонган ҳолда маҳаллий миллатлар яшайдиган ҳудудлар бўйлаб қалқон яратишни таклиф этган (*Alexiev A. Soviet Nationalities in German Wartime Strategy, 1941-1945. RAND August 1982 R-2772-NA. p.8*).

Бельгиялик тадқиқотчи Бруно де Кордиер мусулмонларни “Рейхнинг фидойилари” деб атади (*Bruno De Cordier. The Fedayeen of the Reich: Muslims, Islam and Collaborationism during World War II. China and Eurasia Forum Quarterly. Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program. Volume 8, No. 1. 2010. pp. 23-46*).

Фин тадқиқотчиси Симо Микконэн эса Вашингтон “совуқ уруш” эндигина бошланган 1950-йилларда ГФР ва АҚШдаги совет эмигрантларидан психологик уруш қуроли сифатида фойдаланган, деб ҳисоблайди (*Mikkonen S. Exploiting the Exiles: Soviet Émigrés in U.S. Cold War Strategy. Journal*

of Cold War Studies 14:2 (Spring 2012): 98-127). Бу қарашни АҚШнинг ўзида сўнгги йилларда махфийлик тамғаси олиб ташланиб оммалаштирилган архив ҳужжатлари каталоглари ҳам тасдиқламоқда (<http://digitalarchive.wilsoncenter.org>).

Уруш айна қизиган 1943 йилда Иосиф Сталин фармони билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасининг таъсис этилиши аслида 1942 йилда Германияда Туркистон озодлиги ҳаракати билан боғлиқ бирлашмаларнинг тузилиши ва ўша давр матбуотида авж олаётган мафқуравий курашларга ўзига хос жавоб эди. Боз устига ўша кезлар СССРнинг шундоққина биқинида – жанубий сарҳадларда Бухоронинг Афғонистонда бошпана топган собиқ амири Саид Олимхонни ҳам Рейхнинг аксилшўролар курашига қўшиш бўйича музокаралар олиб борилаётган эди...

Дастлабки тадқиқотларимиз Туркистон легиони борасида аксар Ғарб олимларининг фикри собиқ Иттифоқ даврида берилган баҳо билан муштарак эканидан далолат бермоқда. Тарихий муқояса учун Усманийлар салтанатига қарши курашда Британия империяси хуррият ваъдаси ила араблардан фойдаланганини эслаш мумкин. Фашист Германияси ҳам собиқ СССРга қарши курашда рус бўлмаган миллат вакилларидан узоқ муддатли стратегик мақсадларда вақтинча фойдаланган.

Умуман, мамлакатимизда яқин ўтмишда содир бўлган ва бугун рўй бераётган воқеалар моҳиятини англаш учун жаҳондаги ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва мафқуравий жараёнларни инобатга олиш талаб этилади. Шунга кўра, Туркистон легионига дахлдор масалаларни ҳам Ғарб мамлакатлари ва Совет Иттифоқининг II жаҳон уруши ва ундан кейинги “совуқ уруш” даври ҳарбий-сиёсий стратегияси қисми сифатида тадқиқ этмоқ лозим.

Туркистон легиони каби қалтис мавзуга мурожаат этишдан кўзланган мақсад

зинҳор бировни айблаш эмас, билъакс, тарих ҳақиқати ва ҳақиқат тарихини англашга уринишдир.

Ғоявий беллашувга тайёрми?

Бугун хорижлик тадқиқотчилар томонидан юртимиз тарихининг турли даврларига оид мақола ва рисоалар босма ҳамда электрон шаклда дунё бўйлаб тарқатилмоқда. Хўш, тарихчиларимиз ана шундай плюралистик муҳит, ғоялар беллашувга тайёрми? Фикрлар жангида холис ёндашув ва кучли аргумент билангина ғолиб бўлиш мумкин. Мозийнинг бошқа даврлари каби энг янги тарих ҳам даққи қарашлар, доғмалардан холи бўлиши лозим. Тарихий ҳақиқатни қарор топтиришда эса муқобил манбаларнинг ҳам муҳим ўрни бор.

Тарихчи олим Бахтиёр Олимжонов фикрига кўра, Ўзбекистон тарихчилиги узоқ йиллардан бери давлатчилик тамойили нуқтаи назарига бўйсундирилди (“Ўзбекистонда тарих фани: ўтмиши ва ҳозирги аҳволи. Ўзбекистонда замонавий тарих мавжудми?” <https://uzanalytics.com>). Ҳа, холисаниллоҳ айтганда, Ўзбекистон тарихчилиги мактаби жаҳондаги шу хил мактаблардан анча ортда. Танқид ва муқобил талқинга нисбатан тоқат тўлиқ шакланмагани, хорижий тилларни билмаганликдан келиб чиққан маҳдудлик, ташқи дунёдан иҳоталаниш, нодир манбаларга асосланган тадқиқот ҳамда сўровномаларни ўтказиш йўлидаги бюрократик ғов ва сарсонгарчиликлар, фикр ва нашр эркинликлари... – мана, биз энг аввал ечим топишимиз керак бўлган муаммолар.

“Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”, дейилади Ўзбекистон Бош қомусида. Ушбу конституциявий кафолат тарих борасида янги ёндашув ва талқинларга йўл очмоғи лозим.



Нодира ОФОҚ

TIL QAYG'USI



“Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча!” Абдурауф Фитратнинг машхур “Тилимиз” мақоласи шундай бошланади. Ажабо! Энг бой ва лекин энг бахтсиз... Фитрат бу фаройиб аксилмувозанатнинг сирини очиб ҳам берган. Унингча, ўша даврда “туркча” аталган бугунги ўзбек тилининг бой экани уч асосга кўради: луғат, сўз яшаш имкониятининг кўламдорлиги ҳамда лисоний қоидалар мукамаллиги. Бахтсизлиги эса – бошқа тиллар, жумладан, араб-форс босими остида қолганидандир. Жадид бобомиз давом этиб ёзадики, форс тили ҳам неча замонлар “араб бўғуви”да бўлган, аммо бир силкиниш билан ўзини қутқарган. Бу силкиниш – оламшумул “Шоҳнома” муаллифининг майдонга чиқиши эди. Фитрат ўқинадики, туркчамиз бора-бора форсий тепкулари остида эзилмиш...

“Тилимиз”да ўқиймиз: *“Эронда арабча ҳоким бўлган бир замонда ёзилган “Шоҳнома”да арабча сўзлар йўқ даражада оздир... Лекин бизнинг бахтсиз туркчамиз бир*

Фирдавсийни етиштира олмамиш”. Фитрат қадим туркий сўзларни “тирилтириш”, ёзма ва оғзаки нутқдаги ажнабий сўзларни ўшалар билан алмаштириш, она тили имкониятлари асосида янгиларини яшаш ташаббускори бўлган. Маълум бўладик, Фитрат тил даража-мавқеини, истиқболини кўпроқ ўз имкониятларига таянган соф тил ва бадий адабиёт билан боғлиқ ҳолда, маънавият сатҳларида кўради. Бу – жадид маърифат-парварларининг умумий нуқтаи назаридир. Бугунги зиёлиларимиз зеҳниятида ҳам шу хил қараш устундек.

Бизнинг чин Фирдавсийимиз бўлмиш Алишер Навоий жадидлардан беш аср илгари туркий тил ҳимоясига чиққан, унинг имкониятларини “Муҳокамат ул-луғатайн”да назарий асослаб, бадий асарлари билан амалда кўрсатиб берган. Шоири замонни она тилида ижод қилишга ҳам, икки тил муҳокамасига ҳам ундаган сабаб, шубҳасиз, туркийнинг ўз мавқеини бошқа лисонларга бериб қўйгани эди.

Тил қайғуси яқин ўтмишимиз – шўро даврида ҳам кун тартибидан тушмади. “*Она тилим ўлмайди!*” деган ҳайқирик ишончдан кўпроқ хавотир ва умид ҳиссини ўзида жо этганди. Халқ руҳини, асрий қадриятлар бардавомлигини она тили тимсолида кўрган миллатпарвар зиёлиларнинг умумий дарди эди бу. Улар гоҳо некбинликнинг қирмизи пардаларини суриб, ҳақиқатнинг юзига тик қарадилар. Шундай чоқларда хомхаёлларга берилмасдан, аччиқ иқрор ила “*Она тилим... сен йўқолган кунинг, шубҳасиз, Мен ҳам тўти бўлиб қоламан*” дея ёздилар.

Бу йил ўзбек тили давлат тили мақомини олганига 30 йил тўлди. Лекин ҳамон она тилимиз мавқеи ва истиқболини ўйласак, хотиримизга битмаган очиқ яра суврати келади. Йўқса, шу кунларда имло дарди яна кўзгалармиди? Ҳукумат алоҳида қарор қабул қилармиди? Махсус-махсус анжуманлар ташкил этилармиди? Нега тилимиз ҳали-ҳануз “энг бой ва энг бахтсиз”? Жамиятимизда ҳаёт-мамонт қадар долзарб масалалар оз эмас-ку. Унда яна нега тил, нега яна имло?

Тарих шаҳодатига ишонсак, туркий тил миллоддан илгари ҳам мавжуд бўлган. Ривоятлар эса унинг ибтидосини “Одами соний” аталган Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Ёфас – Абуттурк номи билан боғлайди. Демак, бизнинг боботилимиз ёши инсониятнинг жаҳон тўфонидан кейин бошланган янги тарихи билан тенг. Кечмиш асрларда у табғач балосига дош берди, арабу форс ҳайбати қаршисига қойим тура олди, ўрис зуғумидан омон чикди. Йўқолиб-йитиб кетмай, бизнинг забонимизда-да сандувоч каби сайраб турибди. Лекин хавотир негадир замонлар бўйи у билан ёнма-ён яшаб келди.

Ҳа, тарихдаги турфа балолар тилимизни буткул маҳв эта олмади. Қандай яхши! Бунинг сабаби не, деймиз ва яна Фитратдан ўқиймиз: “*Негаким бойдир*”. Фақат шугинами? Дунёдан бохабар бўлиш осонлашган бизнинг асрда бу жавоб бир оз қониқтирмайдигандек одамни. Чунки айрим фактлар тил бой бўлгани учунгина яшаб қолиши мумкинлиги-

ни шубҳа остига кўяди. Бир мисол: нуфуси 100 мингга етар-етмас эскимослар билан тил бойлиги борасида ҳатто жаҳоншумул англизу французлар ҳам рақобатлаша олмас; камсонли бу элатда, дейлик, фақат қорни ифодалайдиган йигирмадан ортиқ сўз бор экан. Шу нодирлиги билан эскимос тили бугун йўқолиш хавфи остида турибди. Демак, бошқа сабаблар ҳам бор.

Асли, ибтидоси бўлган ҳар бир нарса-ҳодисанинг интиҳоси бор – ҳар не мавжудоту махлуқот шу қонуният ҳукмидадир. Одам, ҳайвонот, наботот туғилади ва ўлади; тоғлар емирилиб текисликка айланади; денгизлар қуриydi. Инсоний туйғулар ҳам шундай. Куни келиб юлдузлар ва қуёш ҳам осмондан сидириб олинади... Бинобарин, тиллар ҳам туғилади ва ўлади. Тилшунослиқдаги “ўлик тиллар” деган атама шундан далолат. Инсоният Ерда яшай бошлагандан бери қанча тил ўлиб кетган!

Хўш, тил барҳаётлигининг аниқ мезони, сабаблари борми? Олимлар фикрича, булар – энг аввал миллий мустақиллик ва давлат тили мақомидир. Дейлик, жаҳон харитасида Исроил давлати пайдо бўлиши билан ўлик тиллар сафига ўтиб кетган иврит тили қайта тирилди. Кузатувларга кўра, мустақил давлати бўлмаган халқларда (масалан, татар ва уйғурлар) тил ҳам, миллат ҳам йўқолиб кетиши эҳтимоли катта. Шукрки, бу тарафдан кўнглимиз тўқ.

Хўш, унда тил яшовчанлиги бошқа яна қайси омилга, дейлик, фойдаланувчилар сонига ҳам боғлиқми? Бир жиҳатдан, ҳа. Чунки тил аввало алоқа-аралашув, мулоқот воситасидир. Сўзловчилар сони қанча кўп бўлса, тилнинг яшаб қолиш эҳтимоли шунча оша-



ди. Мутахассисларга кўра, келажакда хитой ва ҳинд тиллари энг кенг тарқалган тилларга айланади. Бу ўша халқлар нуфусига боғлиқ эмас, деб кўринг-чи! Ҳиндларнинг кўпчилиги ўқиш-ёзишни билмайди – бу маълумот оғзаки сўзлашув ҳам тилнинг яшаб қолиб, кенг тарқалишига сабаб бўла олишини кўрсатади. Шукрки, ўнта, юзта, мингта фойдаланувчиси бўлган тиллар дунёсида ўзбек тилида 50 милёнга яқин киши сўзлайди.

Яна бир аксилфакт: баъзан фойдаланувчиси кам бўлган тиллар қолиб, фойдаланувчиси кўп бўлган айримлари йўқолиб кетиш арафасида экан. Бунга нима дейсиз? Гап шундаки, ўша кўп сонли фойдаланувчилар асосан ёши катталар бўлиб, тил авлоддан авлодга ўтмас; ёшлар ўз ички қувватини тўла воқелантириш, шу орқали моддий-маънавий эҳтиёжларни қондиришга имкон берадиган тилларни ўрганишни маъқул кўрар экан. Бундан тил яшовчанлиги фойдаланувчиларнинг сонидан ташқари ёш тоифасига ҳам боғлиқ экани аён бўлмоқда. Бу жиҳатдан-да нолийдиган жойимиз йўқ.

Юқоридагилар қаторида ёзувга эгалик, интернет тилига айлана олганлик кабилар ҳам тил ҳаёти бардавомлиги, жаҳоний мавқеининг омили саналади.

Зоҳиран қараганда, тилга дохил энг асосий шартлар жиҳатдан ўзбек тилини бемалол бахтли, умрбоқий тиллар рўйхатига киритиш мумкин. Аммо...

Бу дунёнинг балоси яширин равишлари ҳам кўп экан. Қиличпошшо бувим ҳалим ва қуръонхон аёл эди; раҳматли айтардики: “Эришишдан кўра сақлаб қолиш мушкул. Бошладан кўра давомати қийин”. Ушбуларни ёзатуриб ўша содда фалсафа эсимга тушиб кетди. Тил барҳаётлигининг асосий кафолати – мустақил давлат, дейдиган бўлсак, унутмайликки, миллий истиқлол бирор халққа абадулабадга хатлаб берилган эмас. Мозийда шахслар-ку шахслар, эркини бой бериб, Ер юзидан буткул супурилиб кетган қудратли салтанатлар қанча-қанча! Мустақилликни сақлаб қолиш доимий огоҳлик

ва курашни, оқилона сиёсатни талаб қилади. Бунда энг муҳим ҳалқа – ҳукумат ва халқ истак-иродасининг уйғунлиги, шу иккисининг амалда бир-бирини қўллаб-қувватлашидир. Ҳурриятини қўлдан бериб қўядиган зехни синиқ ўзбек энди йўғ-у, лекин шундай хатар ҳамиша мавжуд бўлиб қолаверади...

Профессор Бахтиёр Менглиевнинг ёзишича, “Давлат тили мақоми тил ва унинг соҳиблари учун жуда улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, тарихий, ҳуқуқий аҳамиятга эга. У – миллий яхлитликни ва бардавомликни таъминловчи асосий восита. Бироқ унинг ўзигина тилнинг яшаб қолиши учун етарли эмас”.

Яна бир хавотирли манзара бундай: кўпчилик одамлар рўзғори бут бўлиши, оила куриб бола-чақа орттириш, элга аралашиб юриш, яқинларини йўқлаш, уй куриш, тўй қилиши истайди. Буларнинг барига эса даст-моя керак. Ушбу тоифанинг соғ-саломат, бадастир ва хотиржам, орзу-ҳавасда яшашдан бошқа тилаги бўлмайди. Ўзбек тилида имло қоидалари асосида ёзиладими ёки хатолар билан ёзиладими – унга фарқи йўқ; муҳими – етказилмоқчи бўлган мазмунни тўғри англагани. Бу тоифа – муҳтарам олимлар қай алифбони жорий қилса, ўшани ўрганиб савод чиқаради; янгиси чиқса қайта ўрганади. Тил – ўша кўпчилик учун онги ва қалбида кечганларини ифода этиш, алоқа-аралашув воситаси, ўзини ифода этиш шакли, холос. У “маънавият мавжуд бўлишининг биринчи шarti – одамнинг жисмоний мавжудлигидир” деган илмий ҳақиқатни англамаслиги мумкин, лекин оч товўқнинг тушига дон кириши, бўш қоп тик турмаслигини ҳаётий тажрибадан билади. Ўша тоифа ўз юртида ишлаб керакли дастмояни тополмай қолса, иш излаб бошқа ўлкаларга кетади. Мажбурликдан чала-чулпа бўлса-да, албатта, иш берувчининг тилида гапиради. Ўз фикри, талаби, норозилиги, миннатдорлигини атрофидагиларга етказиши керак-ку. Тил билмаса, ҳақини олдириб қўйиши мумкин... Сираси, маълум вазиятларда тил ҳаёт-мамот масаласига

айланади. Ва ахийри у турмуш жангчиси сарсонлигу машаққатлардан сабоқ чиқариб, боласига ўзи албатта керакли деб билган тилни ўргатишга ҳаракат қилади. Аслида, ўзингники қаторида яна бир-икки тилни билиш қандай яхши! Лекин гап бошқа ёқда.

“Тилимиз”да ёзилишича, Фитратнинг ҳамкасабаларидан бири адабий тилни шакллантиришга оид суҳбат асносида араб-форс сўзларини ҳимоя қилиб *“...биз билим битикларимиздан (илмий китобларимиз) илмий сўзларни чиқариб, арабчилар сўзини киргуза олмаймиз”* деган экан. Ана холос! Ўн аср нари-берисидаги узоқ даврларда туркий тилни битиб-йўқолиб кетишдан асраб қолган халоскорлар – ўша “аробчилар”, яъни минг-милёнлик оддий меҳнаткаш халқ эмасми? Ахир, илмий ва бадий асарлар араб-форс тилида яратилиб, азим-азим салтанатлар ўша тилда иш юритган даврларда минг-милёнлаб оддий халқ даққи-қўпол деб камситилган ўз туркийсида гапириб юраверган; кўшиқлару дostonларни шу тилда куйлаб, топишмоғу чўпчакларни болаларига шу тилда айтаверган-ку!.. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас.

Бизни қизиқтиргани шуки, ўша “аробчилар”нинг ҳам аксари бугун иш излаб бўлак юртларга кетяпти! Бошқа тилда гапиряпти.

Боласини ҳам ўзга тилли мактабларда ўқитяпти. Гоҳо эса ўғил-қизи ажнабий халқ боласи билан турмуш қурапти...

Шу тахлит она тилимизда гапирадиганлар сони камайиб, мулоқот доираси секинлик билан тораймаяптими? Тилимиз бой берилмаяптими? Фақат миллий руҳ, анъана ва ғурур шарафланган шиорлар ризқ топиш илинжида ўзга тил муҳитида яшаётганларнинг қулоғига кирадими? Ахир, уларнинг ҳаммаси ҳам олим, шоир ёки зиёли эмас-ку. Уларнинг аксари учун тил тирикчилик, тириклик шартларидан бири-ку.

Бир замонлар айрим ўзбек йигитлари армиядан бошқа миллат қизларига уйланиб келарди. Ўша янгаларнинг аксари ҳозир бип-бинойи ўзбекка айланиб кетган. Бугун

гардиш тескари айланмаяптими?.. Мана, сизга аниқ факт: расмий маълумотга кўра, 2018 йилда 25 минг нафар ўзбек Россия фуқаролигини олган.

Одамларни тил бобида – юртдами, ташқаридами, фарқи йўқ – “севасан”, “гапирасан”, “бехато ёзасан” қабилида мажбурлаб бўладими? Бу усул-услуг натижа берадими?

Тўғри, тескари ҳолат ҳам бор: Ўзбекистон бугун геосиёсий ўрни, табиий бойликлари билан, қолаверса, катта бозор сифатида дунёни ўзига жалб қилаётир. Миллий мустақиллик, хусусан, сўнгги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар боис пойтахту вилоятларимизда хорижий инвесторлар, фирма-корхоналар сони ошмоқда. Лекин ўша кордонлар биз билан қайси тилда сўзлашяпти? Аниқ рақам келтиролмасман, лекин кўрган-билганларимга кўра айтишим мумкин: биз уллар билган тилда ёки таржимон воситасида мулоқот қиляпмиз. “Бу қанақаси, бошқа мамлакатларга борсак, биз улларнинг тилини ўрганамиз, ўшаларнинг тилида гапирамиз-ку”, дея кўнглимиз оғриши аниқ. Лекин гап кимнинг кимга ҳожатмандлигида – тан оламизми-олмаймизми, ҳақиқат шу!

“Аробачи”лар тилни асрлардан асрларга олиб ўтишди-ку-я, олимун ёзувчиларимиз-чи? Донишманд Фитрат ўкинади: *“...дунёнинг энг буюк ҳакими бўлган Ибн Сино туркдир. Иккинчи Арасту аталган Форобий туркдир. Араб тилини мангулик тирғузиб келган Жавҳарий туркдир. “Ваҳдати вужуд” фалсафасининг имомларидан бўлган Жалолиддин Румий туркдир. Форсий адабиётнинг “пайғамбар”ларидан бўлган Низомий дахи туркдир. Шу ерларда отлари ёзилган кимсалар-да ёлғиз турки улусини эмас, бутун дунёнинг улуг кишилариндан эрурлар. Икки турк улуси бунларнинг асарларидан осигланолмай қолмиш, балки ўзларини ҳам яхшигина таниёлмай қолмишдир. Бунлар ўз битикларини туркча ёзсалар эди, бугун турк улусининг ҳоли, эҳтимолки, бошқа турли бўлур эди”*. Начора! Бу ҳам аччиқ ҳақиқат: бир замон

аллома боболаримиз ёзган китобларни энди таржимада ўқиймиз...

Таассуфки, бугунимиз ҳам мақтанарли эмас. Ҳукумат аzza-базза эъозлаб, маошларини пайдар-пай ошириб турган қанча академигу қанча фан докторларимиз бор. Ҳар йили “фалонта монография чиқардик, фалонта олим тайёрладик”, деб ҳисобот беришади. Хўш, фан оламида янгилик дея тақдим қилинган нечта диссертациямизга хорижликлар қизиқиш билдириб, аслият ёки таржимада ўқиб чиқди? Махсус изланиш олиб борилса, қаноатланарли жавоб олишимиз маҳол. Бугун бот-бот айтилаётгани каби ўзбек тили интернет тилига айлантилганда ҳам, дунё биздан таржима қилиб олишга эҳтиёж сезадиган нимамиз бор?

Оламшумул кашфиётларни, дунёга чиқишни, майли, қўятурайлик. Биргина миллий тил тўғрисидаги қонун, имло масаласида зиёлию олим деганларимиз халқнинг кўз ўнгида неча марта бевурд бўлди? Улар имло ўзгартиришнинг “тарихий аҳамияти”дан ташқари руҳий-психологик жиҳатлари ҳам борлигини билмайдиларми? Дейлик, ўзини буюк миллатпарвар санаганлар не бир даъволарда “н” ва “sh” муҳокамасида ёқа йиртишаётган паллада мактаб ўқитувчиси шу миллатнинг 6-7 яшар боласига улар шоша-пиша жорий қилган алифбони ўргатаётган бўлади. Бир муддат ўтиб муаллим бечора-ку, “ундоқ эмас, мана бундоқ” деб қайта ўргатар, лекин кечагина саводи чиққан боланинг руҳиятига қандай таъсир қиларкан бу? Катталар-чи? Улар руҳий босимдан эминдирлар, деб бўладими? Дейлик, саҳифага бир кўз югуртириб керакли жумлани топиб оладиган олим бошқа имлода шу ишга қанча вақт сарфлайди? Бу унинг руҳиятига, иш унумдорлигига, фикрлашига қандай таъсир қилади? Психологлар хулосасига кўра, ўзга тил муҳитига тушиб қолган одамда ижодий фикрлаш қобиляти сусаяр экан; балки янгиланган ёзув ҳам одамга шундай таъсир кўрсатар? Миллатнинг жаҳоний, тарихий манфаатлари наҳот унинг оддий вакилла-

ри тақдири, тирикчилиги, руҳиятига қарама-қарши бўлса? Ўша манфаатлар инсон ҳақида қайғуриш, инсон қалбини авайлашдан бошланмайдими? Дейлик, алифбони пухта тайёрлаб, кейин жорий қилсак; ўтиш даврини 30 ёки 50 йил қилиб белгиласак, биров бизни уришадими?

Миллий тил қайғусидаги ўйлар ҳаёти дунёнинг иқрор келтириш жуда оғир бўлган яна бир ҳақиқатини эсга солди: турмуши бундайроқ одам ғайриихтиёрий равишда ўзининг бошқалардан кам эмаслигини исботлашга уринади. Боёқиш чирана-чирана умри ўтиб кетганини сезмай қолади. Аслида нимани, кимга, нима учун исботламоқчи – ўзи ҳам билмайди. Иқрор этайлик, кези келса халқ сифатида ҳам шундаймиз. Ўша психология дабдабали тўйлар, ҳашаматли уйлар шаклида воқеликка айланмоқда. “Маънавиятли, шавкатли халқмиз; ҳеч кимдан кам эмасмиз”, “тилимиз бой ва гўзал” дейиш билан ўзимизни алдаймиз. Бизнинг бу тахлит фахрланишларимизга шиддатли тараққиёт йўлидан кетаётганлар қайрилиб ҳам қараётгани йўқ. Гап кўп, умр оз, дейди халқ. Зўр бўлсак, дунё ўз-ўзидан тан олади. Эътироф ва эҳтиромга ҳеч кимни мажбурлаб бўлмайди, муносиб бўлиш лозим – шу, холос. Нафсиларини айтганда, ҳурматга, ўрганишга лойиқ деб билганлар ана ўшанда бизга ўз тилимизда гапирадилар. Мисол десаңгиз, мана: дунё нигоҳи ҳиндлар юрти ва тилига ривожланган тиббиёти, хитойларга тезкор ва арзон ишлаб чиқариши туфайли ҳам қаратилмоқда-ку...

Ўзимизга савол берайлик: нуфузли жаҳон тиллари бугунги иқтидорига тилу имло талашиб ёқа йиртишлар эвазига; кўпчилик эл ўз тирикчилиги билан бўлгани ҳолда, фақат ҳукумат ва мутахассис тоифанинг саъй-ҳаракати билан эришганмикан? Тилининг олам аро мавқеини сўзларни “меники, сеники”га ажратиш, талаффуз-имло қоидаларини бузганларни жаримага тортиш ёки ижтимоий тармоқдаги “челленж”лар орқали юксалтирганмикан?

Ким нима деса дер, биз "йўқ" деймиз. Тилнинг фойдаланувчиси бутун эл бўлатуриб, уни асраш ва жаҳоний ўрнини тайин этиш айрим кишилар масъулиятида бўлиши мантиқдан ҳам, адолатдан ҳам эмас. Миллий тил бутун элнинг она тилига онгли муносабатидан тортиб, мамлакатнинг ҳарбий, иқтисодий, интеллектуал салоҳиятию демографик сиёсатгача бўлган уйғун-муштарак омиллар негизда халқаро минбарга кўтарилади.

Тил нуфузи ҳақида сўз кетганда, Навоий, Бобур, Қодирий каби миллат шарифларини байроқ қилгувчилар, айтайлик-чи, қай биримиз Шекспирни ўқиш учун инглиз тилини ўрганамиз? Ёки қай биримиз боламизга Дантени ўқиши учун итальян тилини ўргатамиз? Йўқ, фарзандларимизни бирор тилга йўналтирган бўлсак, аввало нонини топиб есин деганмиз.

Ҳа, тил масаласи аввало яшаш учун кураш масаласидир.

Глобаллашган дунёда кимки одамдек яшаш, юксалишга асқотадиган илм, интеллектуал ва юксак ишлаб чиқариш, ҳарбий қудрат соҳиби бўлса, ўшанинг тили ҳукм юргизади. Ўшанинг тилини билишга интиладилар.

Қизиқки, шу омиллар тилнинг фақат халқаро эмас, ҳатто мамлакат ичкарисидаги мавқе-эътиборига ҳам таъсир кўрса тади. Шундай бўлмаганда, биз катта-кичик идораларимизда бугун ҳам она тилимизда гуноҳкор банда мисоли қисилиб-қимтиниб, уялиб гапирмасдик. Иш қоғозларимиз икки тилда бўлмасди. Болаларимизни ўзга тилли мактабларга бермасдик. Дўкон-расталаримизга, бозору қўрғонларимизга, эшиттириш-кўрсатувларимизга ажнабийча ном қўймасдик. Олифталик билан "Мы открылись!", "I love Tashkent!" демасдик... Ахир, ўзимиз айтиб қўйибмиз-ку: "Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин" деб.

Тилимизни умрбоқий этмоқ, мамлакат ва дунё миқёсида мавқеини кўтармоқ фақат тилшунос олиму шоир-ёзувчилар ёки ҳукуматнинггина вазифаси эмас. Тилимиз иззат-эътибори ҳар бир фуқаронинг шахсий

манфаатни умум манфаатнинг бир қисми ўлароқ англаши, хўжақўрсинчиликдан воз кечиб, виждонан фаолият юритиши билан-да чамбарчас боғлиқ. Зиёлиларимиз давлат тили билан боғлиқ тарихий ҳодисадаги хизматларини писанда қилиш, ўрин-даража талашишни тўхтатиб, аввало муҳимни но-муҳимдан ажратиб олмоғи, ёшларни ҳам, бутун халқни ҳам ўз атрофида бирлаштирмоғи лозим. Англамаганларга тил қайғуси бутун элнинг умумий қайғуси эканини англатиб, ишонтириш ҳам ўшаларнинг зиммасидадир.

Шу англаш-англатишдан сўнг... мамлакат пешволари шундай сиёсат юргизсаларки, миллат боласи ризқ излаб ҳар ерларда улоқиб юрмай, худо берган истеъдод ва қуввати ортидан ота юртида рисоладагидек яшай олса...

Иқтисодчиси кордону тадбиркор бўлса. Мамлакатни бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда, жадал тараққий эттириб, бўлак юртлардан келганларни ҳам ишли қилса...


Сиёсатчиси бировнинг ҳақи иккинчи бировнинг ҳақиға раҳна солмайдиган адолатли жамият учун курашса...

Олими диплому маош дардида эмас, жамият ва одамлар дардига даво бўладиган кашфиётлар йўлида излансаю жаҳонни ўзига қаратса...

Маънавият дарғалари ҳисоботу статистика кетидан чопмай, ўз дастурини "одамийлик йўлидан оғишмай яшашимиз учун мен нима қилишим мумкин?" деган мазмунга мувофиқ тузса...

Шоир у ёзувчиси сохта некбинлик ва маддоҳликдан ҳазар қилса, қаламини тиланчилик билан мукофоту ёрлиқлар тамасида юргизмасдан, ўқувчисини тилнинг руҳий қудрат бергувчи бир мўъжиза эканига ишонтирса...

Мухтасар айтганда, каттаю кичик ўзи, оиласи, яқинлари ва ундан кейин элу юрт қайғусида саъй-ҳаракатда бўлса... Ўшанда "Дунёнинг энг бой, энг бахтли тили қайси тилдир?" деган саволга "Ўзбек тили!" деб дадил жавоб берса бўлади.



Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ

OCHIQ ESHIKLAR TAOMILI

Ўзбекистонда 7300 дан ортиқ меъморий ва археологик обида бўлиб, 200 дан зиёд тарихий ёдгорлик ЮНЕСКОнинг маданий мерос рўйхатига киритилган. Бинобарин, муқаддас қадамжолар, хушманзара ва баҳаво масканларимиз ҳам бисёр. Юртимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириш мумкин, албатта, лекин бунинг учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш лозим бўлади.

Ҳар қандай катта иш яхши ният ва кичик қадамлардан бошланади. Туризмни мамлакатга даромад келтирувчи асосий соҳалардан бирига айлантириш учун дастлаб Ўзбекистонни саёҳатбоп давлат сифатида дунёга танитмоқ даркор. Дейлик, Жиззахнинг Бахмал тумани табиати шу қадар мафтункорки, у “Ўзбекистон Швейцарияси” деб аталади. Бу хил оромижон гўшалар юртимизда оз эмас, лекин уларга сайёҳларни

жалб этиш бўйича йирик лойиҳалар ҳали йўлга қўйилгани йўқ.

Хўш, нега тарихий қадамжо ва табиат масканларимизни тўлақонли тарғиб эта олмаймиз? Балки аҳолининг ишбилармонлик даражаси, халқ таъбири билан айтганда, “пулни пулга уриш” қобилияти, бизнес ва туристик компанияларни ташкил этиш салоҳияти талаб даражасига кўтарилмагандир?

Вилньос шаҳри марказий боғида ҳар ер-ҳар ерда атрофи кичик рангли тошчалар билан ўралган мўъжаз ёдгорликсифат белгилар бор. Уларни емакхона столида, боғдаги ўриндиқлар атрофида, яна кўп жойларда учратиш мумкин. Улар сайёҳлар эътиборини тортиши табиий. Маълум бўлишича, бу белгилар литвалик буюк бастакор хотирасига қўйилган бўлиб, санъаткорнинг бир вақтлар қайси столда қаҳва ичиб, қайси йўлақда кезганидан хабар берар экан.

Буюк миллатдошлар хотирасини эъозлаш бўлса, шунча бўлар-да. Айни чоқда, бу – сайёҳларнинг мамлакатга қизиқишини ортиради, тасаввурини кенгайтиради, йўлини беихтиёр санъаткор уй-музейига буриб юборади...

Диёримизда ҳам жаҳон тамаддуни равнақиға улкан ҳисса қўшган не-не буюк аждодларимиз яшаб ўтган. Уларнинг номи-ни абадийлаштириш, меросини ўрганиш борасида анча ишлар қилдик. Қарангки, улар ҳатто иқтисодиёту туризм равнақи учун ҳам хизмат қилиши мумкин экан. Бу ёғи энди биз – авлодларга боғлиқ.

Туризм ва унга оид тушунчалар истеъмолга кирганига кўп бўлган эмас. Дам олиш ва ўрганиш учун ўз юрти ёки ўзга мамлакатларга саёҳат маъносини англатадиган истилоҳ сайр, сафар маъносидаги французча "tourisme", "tour" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, илк бор фаранг адиби Мари-Анри Стендаль томонидан қўлланди. У 1837 йили қадрдон дўсти, ёзувчи, тарихий ёдгорликлар бўйича бош нозир Проспер Мериме билан Франция бўйлаб саёҳат қилиб, халқнинг турмуш тарзи, меъморий обидаларга оид тўплаган маълумотлари асосида асар ёзди. "Туризм" атамаси "Сайёҳ кундаликлари" (1838) номли шу асар шарофатидан оммалашиб кетади.

Бироқ бу – туризм XIX асрда пайдо бўлган, дегани эмас. Аслида сайёҳликнинг илдизлари узоқ тарихга эга. Одамлар қадим-қадимдан зиёрат, тижорат, таҳсил ёки малака ошириш; хориж мамлакатлари, тили, дини, маданиятини ўрганиш; қариндош-уруғдан хабар олиш мақсадларида саёҳат қилгани маълум.

Ҳозирги замон туризми XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида шакллангач, хизмат кўрсатиш, меҳмонхона маданияти ривожланиб, саёҳатлар маълум мақсадга йўналтирилади. Жаҳон бўйлаб меҳмонхона ва кўнгилочар масканлар барпо этилади.

Соғломлаштириш, тиббиёт, спорт, экологик туризм каби янги, замонавий йўналишлар пайдо бўлади. Бугун эса ҳаётимизда "ички туризм", "халқаро туризм", "экотуризм" каби тушунчалар кенг қўллана бошлади.



Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, глобал даражада туристлар сони 1950 йили 25 миллион кишини ташкил этган бўлса, 1980 йили 278 миллион; 2000 йили 674 миллион ҳамда 2017 йилга келиб 1 миллиард 300 миллионга етган. Ҳозирда сайёҳларнинг асосий қисми Франция, АҚШ, Испания, Туркия, Япония, Хитой каби давлатларга ташриф буюрмоқда.

Дунёда 200 миллионга яқин киши туризм билан боғлиқ соҳаларда меҳнат қилади. Жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмдан тушаётган даромад 1 триллион АҚШ доллари-дан зиёдроқни ташкил этмоқда. Сайёҳлар оқимининг кўпайиши мамлакатлар иқтисодиётига катта фойда келтиради. Масалан, Япония туризмдан бир йилда 343 миллиард, Туркия эса 88 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад топади.

Юртимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий жойлар кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Шунга кўра, бизда янги туристик йўналишлар очиш имкони жуда катта. Соҳани ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенг қўллаш вақти келди.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси берган маълумотга кўра, 2018 йили Ўзбекистон 5,35 миллион сайёҳни қабул қилган. Бу 2017 йилдагига қараганда икки баробар кўп. 2025 йилга бориб сайёҳлар

сонини 9 миллионга, туризмдан келадиган даромадни эса 2,2 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда 900 га яқин сайёҳлик ташкилоти, 1000 дан зиёд замонавий меҳмонхона, 300 га яқин сайёҳлик компанияси ва 983 та туроператор рўйхатга олинган. Бизда сайёҳликнинг экотуризм, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат, экстремал, археологик, рафтинг, ҳелиски, спорт, фольклор-этнографик, тиббий ва рекреацион туризм, агротуризм, геотуризм каби турлари ҳам мавжуд. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанғи спортига қизиқувчилар-да топилади.

Туризм иқтисодиёт равнақи, жумладан, тадбиркорлик фаолиятининг ўзаро боғлиқ бўлган талай тармоқлари, қолаверса, инфратузилманинг ривожланишига туртки беради. Шунингдек, фуқаролик жамияти маърифий-маънавий асосларини шакллантиришнинг таъсирчан воситаси, янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумини кўпайтириш, аҳоли даромад ва турмуш даражасини ошириш омилidir. 2017-2021 йилларда республикани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризм тармоғини самарали раванқ топтиришга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Аммо туризм бозорини ўрганиш ва мониторинг қилиш юқори савияда ташкил этилмагани; сайёҳларнинг миллий ва диний урф-одат, расм-русум ҳамда амаллари учун шарт-шароит етарли эмаслиги; хизмат кўрсатиш, транспорт, меҳмонхона, овқатланиш, дам олиш, муҳофаза сифатининг ҳали халқаро андозаларга жавоб бермаслиги; реклама ва маркетинг фаолияти ривожланмагани; етук мутахассислар етишмаслиги кабилар соҳанинг жадал тараққиётига тўсиқ бўлмоқда.

Ўзбекистон Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йили аъзо бўлган. 2004 йилдан

Самарқанд шаҳрида бу ташкилотнинг Буюк ипак йўли бўйича минтақавий офиси фаолият юритади. 2014 йил октябрь ойида Ўзбекистонда ташкилот Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтган эди. Ушбу сессияда “Буюк ипак йўли” брендини кенг тармоқда оммалаштириш бўйича битимлар имзоланди.

Туризм ривожланар экан, соҳа ходимларига бўлган талаб ҳам ортиб боради. Юртимизда кадр тайёрлаш, уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш тизими йўлга қўйилди. Сингапур Менежментни ривожлантириш институти Тошкент филиали, Тошкент давлат Иқтисодиёт университети ҳамда Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институтида соҳа бўйича мутахассислар тайёрланяпти. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан 2018 йили Самарқандда ташкил этилган “Ипак йўли” туризм университети халқаро ОТМ сифатида тан олинган.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар йили сайёҳлик бўйича таълим олаётган ёшлар, соҳа мутахассисларининг Европа ва Осиёдаги йирик марказлар, таълим муассасаларида малака ошириб келишига кўмаклашмоқда.

Соҳани ривожлантиришда маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий кўриқхона ҳудудларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштириш катта самара беради.

Ўзбекистоннинг глобал иқтисодиётга чуқур кириб бораётгани; туризмнинг дунё мамлакатлари иқтисодиёти таркибий қисмига, кўпчилик давлатларда асосий молиявий манбага айлангани; юртимизда туризм ривожини учун барча асослар мавжудлиги, унинг давлат бюджетига салмоғини оширишга бўлган эҳтиёж амалдаги қонунга қўшимча

ва ўзгартишлар киритиб боришни ёки янги қонунлар тайёрлашни тақозо этмоқда. Албатта, туризм ривожига Ўзбекистон Президенти томонидан сўнги уч йилда қабул қилинган фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳужжатларда ташқи ва ички туризми ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилган.

2019 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири имзоланди. Унда туристик хизмат ва фаолият кўрсатишга доир ҳуқуқий ва институционал базани шакллантириш, миллий туризм маҳсулотини ички ва жаҳон бозорида тарғиб қилиш, сайёҳлик индустриясини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш кўзда тутилган.

Бу борада тарихий ёдгорликларни қадимий кўринишда сақлаб қолиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд шаҳри 2001 йили ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси кўмитаси рўйхатига киритилган эди. Кўмитанинг бу йил Бокуда бўлиб ўтган 43-сессиясида Самарқанднинг ушбу рўйхатда қолиши масаласи муҳокамага қўйилдики, бу ташвишли ҳолдир. Бу эса тарихий обидалар, архитектура иншоотларининг қадимий қиёфасига соя соладиган кўп қаватли иморатлар, бошқа маиший қурилиш иншоотларининг барпо этилиши, серкатнов кўчаларнинг мавжудлиги каби ҳолатлар ҳамиша халқаро ва маҳаллий экспертлар диққат марказида, кенг жамоатчилик назоратида бўлишини тақозо этади. Баъзи маҳаллий маъмурлар томонидан узоқни кўзламасдан қилинган “бунёдкорлик” ишлари асрлар қаъридан бизгача етиб келган ёдгорликларга путур етказмай қолмайди. Бу борадаги қонунлар, хусусан, Шаҳарсозлик кодекси, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, бундай қонунбузарликлар учун нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликни ҳам жорий этиш зарур.

Туризм тараққиётига жиддий тўсиқ бўлиб келаётган хориж фуқаролари учун виза ва паспорт режими, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби муаммолар барҳам топмоқда. Президент фармони билан 2018 йил 10 февралдан 7 мамлакат (Исроил, Индонезия, Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония) фуқаролари учун 30 кунлик визасиз режим белгиланди. Очиқ эшиклар таомили амалда: фуқаролари Ўзбекистонга визасиз келадиган давлатларнинг умумий сони 60 тага етди.

Номи илк бор Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” (1030) асарида қайд этилган Тошкент ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси” дея шарафланади. У “Ислом маданияти пойтахти” ҳамдир.

Тошкент қадимийлик ҳамда замонавийлик уйғунлашган, шаҳарсозлик аънаналарига мос равишда ривожланаётган масканга айланмоқда. Энди эса пойтахтимизни туризм соҳасидаги алоҳида ўринга кўтариш, давр талабига ҳамоҳанг ташаббусларни амалга ошириш лозим. Дейлик, Тошкентда 30 дан ортиқ музей бор. Уларни тарғиб қилиш учун танишув йўналишларини акс эттирувчи харита, қўлланмалар тайёрлаш, махсус туристик сайтлар яратиш керак. Шунингдек, “Ўзбек театри ва томоша санъати”, “Ўзбек мақоми ва кўшиқчилик санъати”, “Ўзбекистон меъморчилик санъати” музейларини, гастрономик туризмга ихтисослашган “Ўзбек палови”, миллий ўйинлар туризмига ихтисослашган “Ўзбек миллий ўйинлари” каби марказларни ташкил этиш зарур.

Умуман, юртимизнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб қилиш, миллий маҳсулотлар ва брендларни халқаро туризм бозорига олиб чиқиш, реклама ва ахборот сисъатини самарали амалга ошириш, соҳани комплекс ривожлантиришга оид минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш, махсус инфратузилмаларни шакллантириш кабилар галдаги вазифалардир.



Ўзбекистон халқ рассоми Алишер МИРЗО билан суҳбат

– Алишер ака, мен ижодни эътиқод билан эгиз деб биламан. Аммо бугун санъатдан беҳабар кўпчилик “ижодим, ижодим” деб гапиряпти-ю, куппа-кундузи унга хиёнат қилмоқда. Бу борада фақат санъаткорни айблаш тўғрими? Балки жамият унинг қадрига етмаётгандир? Эҳтимол, шунинг учун ҳам аҳли санъат ўзини ўтга ва чўққа ураётгандир?..


– Асл санъатни шахслар яратади. У миллат тақдиридаги ҳеч ким сезмаган оғриқларни ҳис этади. Айни чоқда, ижодга қай бир маънода алоқадор инсон борки, барчаси ўзини санъаткор деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, ижоднинг ўз мезонлари бор.

Яна олди-сотдига асосланган “санъат” ҳам бор, у ҳамма даврларда бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Бу хил “эъжод” косиблари кўлида доим пул айланади. Нопок пул бор жойда эса санъат бир дақиқа ҳам “нафас ололмайд”. Ҳақиқий зиёли бўлмиш санъаткор миллатни уйғотиш қайғусида яшайди, халқини илғор ғоялар ортидан эргаштиришга уринади.

Ҳаёт мураккаб, турфа тасодифу тақдиротларга тўла. Баъзан табиятан муте, илмсиз ва тамагир кимсалар амалга кўтарилади. Ҳазрат Алишер Навоий бежиз “Тама борасида барчага қарадим ва ўзимга қарадим, кўплар бир ён ва мен бир ён бўлдим”, деб ёзмаганлар. Дарҳақиқат, йирик шахслар тўғри ўйлайди, тўғри сўзлайди ва тўғри ишлайди.

Инсон мезон ахтариб, кўп ҳолда улуғ жаҳонгиру саркардаларни танлайди. Мен эса фикр-қараши билан кўнгилни нурлантириб, халққа хизмат қилувчи одамларни хурмат қиламан.

Рассом учун, умрининг қай палласида бўлмасин, кўرғазма бу – имтиҳон, қайта туғилиш, ижоди давомийлигини белгилувчи синов. Катта санъаткор ҳам иккиланиши, ўз ижоди ҳақида жўя-ножўя хаёлларга бориши мумкин. Хунарманд рассом эса шошилиш, пала-партиш “пардоз”дан чиқарган асари билан тирикчиликни кўзлайди. Улкан мақсадлар, идеаллар унинг етти ухлаб тушига кирмайди.



Жамият Рембрандт ван Рейнни аввалига бошига кўтаради, сўнг тап тортмай қашшоқлик, хорлик жаҳаннамга улоқтиради. Шўрлик рассомнинг “айб”и эса даҳолиги эди. Рембрандт силлиқ рангтасвир услубидан воз кечиб, дағал, аммо ўзига хос услуб яратади. Бироқ ўз даври кишилари буни тушунмайди. Санъат тарихи Рембрандт мисолида кўрсатадики, чин ижодкор, қисмат қай хил машаққат ё кўргиликка рўпара қўйишидан қатъи назар, янгилиниш йўлидан ҳеч қачон қайтмайди.


Винсент ван Гогни ҳам омма чиқиштирмайди. Рассомнинг юриш-туриши, ажабтовур турқи, “этюдниқ” деб аталган бедаво қутини елкасига осиб олиб, дала кезиб тинмай сурат чизиб юришлари замондошларига эриш туюлади. Жамият унга танасида пайдо бўлган ярадек муносабатда бўлади. Айниқса, рассомнинг эҳтиросга бой, ёрқин ранглар билан бўяш услуби ёт ҳодиса дея баҳоланади. Новатор ижодкорни жамият қабул қилмайди. Атрофидаги маънан қашшоқ одамлар давраси торайиб келиб, Ван Гогни руҳан бўғади. Жоҳил оломон рассомни ақлдан озганликда айблайди. Ван Гог асарлари ўша даврда ёмон қовуннинг уруғидай кўпайиб кетган оммавий суратларга қарши исён эди. У қисқа вақт ичида тақдир зиммасига юклаган вазифани ҳалол бажариб, бу дунёни тарк этади. Буни қарангки, ордан ярим аср ўтар-ўтмас, ўша жамият рассомни янгидан кашф этиб, муаллиф ва асарларини байроқ қилиб кўтарди...

Хориж ўз йўлига, шу заминда яшаб ўтган Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар кечмишини эсланг.

Яна шундай тоифа сўз ва мўйқалам усталари бўладикки, у бировлар чизиб берган чизикдан бир қарич ҳам четга чиқмайди, янги фикр, оҳорли ғоя кетидан югурмайди. Аслида эса, жамиятга беминнат хизмат қилиб ҳам санъат ва халққа наф келтирса бўлади. Энг тўғри йўл шу.




“Шоҳизинда узра оққушлар”



“Дониёл мақбараси”

Fjod manzaralari




“Афсонавор Бухоро” туркумидан



"Қодирийни ўқиб" туркумидан




"Қодирийни ўқиб" туркумидан



"Қодирийни ўқиб" туркумидан



"Шарқона чехралар"



"Гумбазлар"



"Бибихоним дарвозаси"

– Тасвирий санъат бошқа санъат турлари каби асосан пойтахтда ривож топган. Галерея ва музейларнинг аксари шу ерда. Шундай бўлса-да, Тошкентдаги вазият борасида ҳам мақтанолмаймиз. Музейларга кирсангиз, кўпинча хувиллаб ётганини кўрамиз. Баъзи кўرғазмаларга ўқувчи-талабалар телевидение учун, суратлар қошида “фон бўлиш” учунгина олиб келинади. Музофот аҳлининг рассомлик санъатидан баҳрамандлик даражаси ҳам ҳавас қиларли эмас. Халқ дидини юксалтириш ҳамда уни санъатга ошно этиш учун нималар қилмоқ керак?

– Тошкентда ўнга яқин замонавий кўрғазма зали мавжуд. Уларда йил бўйи турли даражадаги намойишлар ташкил этилади. Кўшни республикаларда эса атиги бир-иккита кўрғазма зали бор, холос.

Хўш, нега бизда томошабиннинг сони кам?

Сабаби, аксар замондошларимиз тасвирий санъатнинг кўп ҳам фарқига бормайди, пучини тўқидан ажратмайди, табиати ва мезонларини англамайди. Шу боис ҳам кўлигул меъморни ёллаб, катта маблағ эвазига сарой қурдирган “янги ўзбек” ҳашаматли уйи деворига расм осиб дардида Тошкент марказидаги “Бродвей” деб аталмиш масканга бориб, арзонгаров суратлар харид қилади.

Мен кўрғазмалар санъатдан йироқ издиҳомни йиғиб, чапакбозлик ва хўжакўрсинчилик билан ўтказилишига қаршиман. Одатда шинаванда ва воизлар кўрғазма сабабчисини камдан-кам салмоқли фикрлар билан сийлайди. Шунинг учун ҳам мен бундай йиғинларга талабаларни чорламайман. Ёшларга баландпарвоз маърузадан кўра, ижодий жараённинг давоми сифатида устоз санъаткор билан яккама-якка мулоқот муҳим.

Ўзини ўзбекнинг пешво зиёлиси санайдиган бир кишиникида меҳмон бўлдим. Катта заллар деворига “Бродвей”дан харид қилинган “шедевр”лар, марказий деворга буюк рус мусаввири Карл Брюллов мўйқаламига мансуб “Помпейнинг сўнгги куни” асари кўчирма нусхаси осилган. Ушбу учинчи нав нусхаларни профессионал рассом фарқламаса, авомнинг тиши ўтмаслиги аниқ.

Биз ҳам Тошкентдаги кўрғазма залларини асарларимиз билан тўлдирамиз, аммо бундан топган яккаю ягона фойдамиз – урилган-сурилган, қасноғи синган асарларимизни устахонага қайтаришдан иборат бўлади.

Бизда телевидение, радио ва матбуотда тасвирий санъат чуқур таҳлил этилиб, баҳс-мунозара қилинмайди. Маълумотлар кўпинча ахборот даражасига тушиб қолган...

– Буёғини сўрасангиз, мусаввирлик каминага ҳам бегона эмас. Болаликдан рассомга шогирд тушганман, Павел Беньков номидаги

рассомлик коллежида таълим олганман. Таҳсил даврида мўътабар даргоҳда нима ўрганган бўлсам, ундан миннатдорман. Аммо шундай ўқитувчиларга ҳам дуч келдимки, улар менинг тасвирий санъатга бўлган меҳримни совитиб юборишига бир баҳя қолган... Олий даргоҳда узоқ йиллар сабоқ берган устоз сифатида айтинг-чи, бугунги тасвирий санъат таълимидан қониқасизми?

– Тасвирий санъат бўйича махсус таълим даргоҳларига авваламбор устоз рассомларни жалб этмоқ керак. Шу ўринда катта ижодкорлар – халқ рассомлари Абдулҳақ Абдуллаев ва Чингиз Аҳмаровни ёдга олгим келди.

Абдулҳақ Абдуллаев – ўзбек тасвирий санъатида кашфиёт қилган, улуғ бобомиз Алишер Навоийдан тортиб кейинги давр зиёлилари Ойбек, Миртемир, Маннон Уйғур, Эркин Воҳидовлар сиймосини яратган. Файласуф устоз эди Абдулҳақ домла. Кўп мутолаа қиларди. Устахонаси деворларида бўш жой қолмаган – суратлар билан бирга қоғозга қораланган ҳикматлар илиб қўйилганди.

Устоз тасвирий санъатга оид махсус маърузалар қилар, шогирдларни асл санъатни енгил-елпи ишлардан фарқлашга ўргатарди. Абдулҳақ аканинг сипо туриш-турмуши таажжуб уйғотар, “рассом дегани соч-соқолини ўстириб, устахонасида биқинганча, зоҳидларча яшайдиган, бунинг устига анави зормондага иштиёқманд кас бўлмасмиди...” дея ҳайрон бўларди кўпчилик.

Мен тан олган устозлардан яна бири навоийшунос олим, профессор Ҳамид Сулаймон эди. Москвада В.И.Суриков номидаги бадиий институтда ўқиб юрган кезларим у киши мен ва дўстим Ҳикматни ўзлари ташкил этган адабиёт музейига чақириб, тўсатдан саволга тутди: “Ўғилларим, ватанга, халққа хизмат қилишга тайёرمىсиз?” “Тайёرمىз”, дедик. “Бўлмаса, менга ўзбек халқининг тарихидан – қадимий дostonларидан тортиб Қодирийгача бўлган адабий жараённи тасвирлаб берасизлар!” деб бизга синчковлик ила боқди у киши. “Агар шу вазифани бажарсангиз, ватан тарихини тараннум эта олсангиз, бошингиздан тилла ёғдираман!” деб сўзини яқунлади домла. Ҳамид ака сўзининг устидан чиқди. У киши аввало қисқа вақт ичида бизга буюк тарихимиздан сабоқ берди, чизган суратларимизга эса катта ҳақ тўлади. Шу тариқа биз моддий аҳволимизни анча тиклаб олдик.

Сираси, истеъдодли мусаввирни тарбиялашда фидойи устозларнинг ўрни муҳим.

– Айримлар тасвирий санъатни анчайин даромад манбаига айлантириб олган. Боя сиз эслаб ўтган Сайлгоҳ кўчасига йўлимиз тушса, ўнлаб халтурачи, савдогар “рассом”лар ва дунё тасвирий санъатидан ўғирланган юзлаб сохта картиналарга дуч келамиз.

Омма эса мазкур “эъжод намуналари” ва “эъжодкор”лар қошида лолу ҳайратда. Ўзи аслида гап оммада ҳам эмас, чунки ҳақиқий санъат ва санъаткор бозордан фарқли ўлароқ оммани ўз ортидан эргаштирмоғи даркор. Булар эса халқ дидини ўлдириш билан машғул. Тасвирий санъатни инқироздан олиб чиқишнинг қандай йўлларини таклиф қиласиз?

– Ўзбек тасвирий санъати азалдан юксак мақом-даражага эга бўлган. Аммо охириги бир неча ўн йил давомида у саёзлик ботқоғига ботгандек. Бунинг анча-мунча сабаблари бор. Таълимга тирикчилик важдан кириб қолган рассом домлалар фаолияти; ҳукуматнинг охириги чорак аср мобайнида ёшларга бўлган муносабати; рассомларни моддий қўллаб-қувватлаш, кўرғазмалар дирекцияси ҳамда Ўзбекистон давлат Санъат музейи фондини картиналар билан тўлдириб боришнинг деярли тўхтатилгани; мўйқалам эгаларининг маҳорати чархланадиган “Сенеж”, “Дзинтари”, “Паланга”, “Гурзуф” каби ижодий уйларнинг барҳам топиши; ижодий сафарларнинг қўллаб-қувватланмаётгани; рассомлар билан янги асарлар бўйича шартномалар тузилмаслиги... Хуллас, сабаблар кўп. Шулар боис ўзбек тасвирий санъатида “косиблик” устун келиб, ҳаваскорлик ишлари сони кўпайиб боряпти. Ёш рассомларнинг аксари кичик шахсий буюртмалар билан овора. Буюртмачининг дидига қараб бажариладиган рангтасвир асарларининг савияси эса ҳаминқадар. Ёшларнинг билим даражаси ҳақида ҳам гап шу. Рассомлар жамоасида катта ижодий муҳит мавжуд эмас.

Бу ҳолатдан чиқиш учун давлат барча санъат турлари, айниқса, катта мусиқа, адабиёт, театр, опера, балет ва тасвирий санъатга жиддий эътибор қаратмоғи керак. Рассомлар уюшмасининг ҳуқуқий ҳамда молиявий имкониятларини ошириш учун уюшмага ишлаб чиқариш бадий корхоналарини қайтариш зарур.

– *Сиз аввалдан адабиёт аҳли билан дўст бўлгансиз. Бунинг самараси ўлароқ “Каллахоналик йигитча”, “Мусаввир”, “Зиёлилар базми” каби романлар ёздингиз. Уларда автобиографик руҳ кучли бўлса ҳам бадий асар сингари завқ билан ўқилади. Боиси: ҳақиқатни бўяб-бежамай рўй-рост ёзгансиз; ўзингизни ҳам, ўзгани ҳам аяқ ўтирмагансиз. Аммо қора сўз, яъни наср санъатнинг “оғир артиллерияси” саналади. Унинг залворли юкини кўтаришга ҳар кимнинг ҳам юраги дов бермайди. Мусаввирни ана шундай фавқулодда жасоратга ундаган куч нима?*

– Сўнгги йилларда заҳматкаш, камтарин зиёли шахси хусусида кўп ўйлайдиган бўлдим. Оллоҳ суйиб яратган одамзодга маҳалламиз домласи Фаражилло қори “Инсон ҳеч ким эмас!” дея кескин баҳо бер-

ган бўлса, ўтган асрда ночорликдан боқий дунёга эрта равона бўлган буюк рассом Амадео Модильяни “Инсон шундай дунёки, барча дунёлардан устун туради!” деб таърифлаган. Инсониятнинг кўрки деганда, мен энг аввал фикр соҳиби, жасоратли ва изланувчан ижодкорни тасаввур этаман. Оҳори тўкилган либосига содиқ камтарин ўқитувчиларга ҳам ҳурматим баланд. Гарчи ижодкор, рассом бўлсам-да, тирикчилик важиждан ўқитувчилар тоифасига ҳам мансублигим рост...

Зиёли шахси ҳақидаги ғояларимни одамларга етказиш учун умр шонида қоғоз қоралашни лозим топдим. Нафақага чиққан сафдошларим орасида босиб ўтган “шонли” йўлини таржимаи ҳол шаклида китоб қилиш расм бўлди... Мен эса дилга яқин ва қадрдон адабиёт йўлини танладим. Сиз санаб ўтган романларимда ўқувчига кўтаринки кайфият улашиб, ёмонликдан сўнг албатта яхшилик келишига ишонтиришга уриндим.

Дангалига кўчсам, тасвирий санъатдаги фаолиятимни теран очиб берадиган санъатшунос топилмади. Ўзим ҳам санъатшунос ҳузурига бош эгиб бормадим.

Турли давраларни кўрдим. Юқори мартабали инсонлардан тортиб оддий халқ вакиллари қатнашган гап-гаштак ва йиғинларда бўлдим. Замонамиз оқилларини кўп кузатдим, хўб тингладим. Вақт ўтиб, хулосалар ўз-ўзидан йиғилиб қолар экан. Сарҳисоб айладим. Менга “пешво зиёлилар”нинг дунёқараши маъқул кўринмади. Уларнинг суҳбати зериқтирди. Катта лавозимларга тайинланишлар, омади юришганларнинг кимга кудаю кимга биродарлиги, моддият билан ўлчанадиган ҳаёт... барча-барчаси менинг ихлосимни қайтарди. Миллат тараққийсига интилиш, ўзликни англаш хусусида жўяли фикрлар эшитмадим.

Мен динийлик ва дунёвийликни яхлит англаш тарафдориман. Аммо ушбу соҳада ҳам яқдиллик йўқ. Бу муаммо юз йил бурун ҳам долзарб бўлгани боис жаҳид маърифатпарварларидан бири, озар шоири ва мутафаккири Мирзо Алиакбар Собир қуюниб ёзган экан:

*Зоҳид югурарки, масжид обод бўлсин,
Ориф югурарки, миллат озод бўлсин.*

Домла-имомнинг аҳволини боя айтдик, аммо бугун, афсуски, миллат қайғуси айрим орифларнинг ҳам тушига кираётгани йўқ. Бугун “зиёли”ни тириклигу тирикчилигидан ўзга муаммолар қизиқтирмайди. Қўшни маҳалла, туман, вилоят, салтанатда нима бўляпти – унга барибир. Унинг бор-йўқ қизиқиши – эл қатори яшаса бас! Ана шулар мени қўлга қалам олмоққа ундади, иним...

Насрулло ЭРГАШ суҳбатлашди.

Даврон еврибса...

Марҳамат сўрайман, ёрдам сўрайман,
Мен ҳам ўшал бани Одам, сўрайман.
Мускинлар сўрайди оч-юпун қолса,
Мен Сендан, Худойим, ҳар дам сўрайман.

* * *

Ўнглагучи ўзинг кўрган тушимни,
Тизгучи бир ипга баҳор, қишимни.
Оллоҳим, не бўлса, ўзингдан сўрай,
Бандага тушгулик қилма ишимни!

* * *

Орзу-ҳавас айлаб уйли бўлдим мен,
Дилга маҳрам қўшиқ, куйли бўлдим мен.
Ўзимни англашга қўрқаман энди,
Худойим, кўп огир уйли бўлдим мен.

* * *

Дилингда борини билишимдан қўрқ,
Пинҳона қон ютиб, кулишимдан қўрқ.
Нокас, ниятингни аён эт дангал,
Оллоҳга ҳавола қилишимдан қўрқ!

Сиқилсанг, тушмасми бир наҳот эсга,
Наҳот ақл сенда шунчалар қисқа.
Фаҳм эт, не сабаб омон чиққайдур
Қаҳри қаҳратондан қурту қумурсқа?

Санаб кўр, биласан, саккизми-етти,
Риёзат чекканлар муродга етди.
Қарагин, кундага бош қўйган банда
Худо деган эди, қутулиб кетди.


Манглайда ёзугинг бир энлик бордир,
Тун ила кунингда бир тенглик бордир.
Дилингда шукронанг зиёда бўлса,
Хар танглик ортида бир кенглик бордир.

Дунёнинг ишига бўламан ҳайрон,
Хар замон ясалар сохта қаҳрамон.
Вале қўғирчоғу қўғирчоқбоздан,
Бир даврон эврилса, қолмагай нишон.

Хайвонда фаҳм йўқ, осон қўрқади,
Терс келса, сичқондан сиртлон қўрқади.
Бандалар Худодан қўрқмайин қўйса,
Шўри шу – инсондан инсон қўрқади.

Ёсуманим висол – онни қизганди,
Гўё полапондан донни қизганди.
Шунчалар бахилмиш, бепичоқ сўйди,
Вале ўлдирмади, жонни қизганди.

Сенсиз кенг дунёда қисинажакман,
Айрилик зарбидан дим синажакман.
Хижрон кечасида музлаб батамом,
Оташ хаёлингда исинажакман.



* * *

Югурик умр бу, бир дам сустлашма,
Илдам бўл, ҳар нега тўхтаб, қасдлашма.
Панадан тош отган – нотагон, ахир,
Янчаман деб уни ҳаргиз настлашма.

* * *

Уйғониб кетаман баъзан тонготар,
Турфа фикрларни бот-бот онг отар.
Биз эрта бормизми ва ёки ийқмиз,
Барибир, шу тахлит яна тонг отар.

* * *

Багоят гўзалсан, беқийёс кўркам,
Бўлсин-да, илоё, бахтинг ҳам бекам.
Хуш қол, деганимда, бу қандайин дард
Синиқ табассуминг ортида, эркам?

* * *

Жуда кўп синовлар ўтди бу бошдан,
Йил ўтар, санасам агар бир бошдан.
Минг йилки ўзгармас сабоқдан айтай:
Қаттиқ нон афзалдир миннатли ошдан.

* * *

Кўкламни ҳис этиб, майса ниш бўлди,
Ёз ўтди, куз ўтди, тагин қиш бўлди.
Ҳаётинг тонгида шомингни ўйла,
Дунёга келдингми, бўлар иш бўлди.

* * *

Хаёлан умримга тўнлар бичарман,
Кўлимда тахир май, ночор ичарман.
Бу азал фалакнинг иши кўп жумбоқ:
Манзилим ноаён, отни қичарман.

* * *

Кўз очиб тириклик тупрогин кўрдим,
Тупроқда ўтганлар урпогин кўрдим.
Беш кунлик маконда шод ўлмадим, ох,
Вале дард-ҳасратнинг кўпрогин кўрдим!

* * *

Ширин ёлгонларнинг шакаридан қурқ,
Хушомадгўйларнинг айтаридан қурқ,
Забунлар ҳолига кулмоқдин сақлан,
Чархи кажрафторнинг қайтаридан қурқ.

* * *

Қурилса мустаҳкам, безавол йўллар,
Ёруғ келажакка албатта йўллар.
Бироқ ярармикан бу улуг ишга
Беҳуда қарсақдан қаварган қўллар?

* * *

Эшитгандан, йўқ-йўқ, кўргандан дейин,
Яхши одам деган ном олмоқ қийин.
Келганда айтилган мақтов – гирт ўтрик,
Чин баҳо берилар кетгандан кейин.

* * *

Шукр қил, нолима – бири камликдан,
Асрасин зар дея кўзи намликдан.
Ўз қадрин англаган ҳар банда учун
Улуғроқ бахт йўқдир хотиржамликдан.

* * *

Гарчи мўминман деб тинмайди лаби,
Лекин шубҳалидир унинг матлаби.
Чунки мансабдорга сизиниб яшар
Бутга сажда қилган муширлар каби.

* * *

Ҳақсевар банданинг топгани алам –
Саломга яраша бўлса алиқ ҳам.
Бир умр тушмади қора рўйхатдан
Қорани оқ дея айтмаган одам.

* * *

Жумлаи жаҳонни яратган Эгам,
Бунчалар Ваҳҳобсан, бунча бокарам.
Савобдан бенасіб қўймайсан ҳатто
Ўзимга согинган яхшиликни ҳам!

Жасур ИСҲОҚОВ

Lev Tolstoyning yozuv stoli

Ҳикоя

Дадам ош пиширишни махсус маросимга айлантириб юборган: ўзи дўппидеккина ҳовлимиздаги ўчоқ ёнида меҳмон билан шахмат ўйнаб, кўк чой ичиб, бизга ул-бул кўрсатмалар бериб ўтиради. Ҳаммага ўзига яраша иш топилади: уйда рўзгор юмушларига қарашиб юрадиган Ксения кўзлари ачишиб-ёшланиб пиёз тўғрайди. Бизникида яшаб ўқийдиган қариндошимиз – бунақалар уйимизда ҳар вақт ҳозир у нозир – гўшт бўлаклайди. Ойим тахтани тақиллатганча сабзи тўғрайди. Мен одатда ўтин ёриб, ўчоққа ўт қалайман. Дадам ҳаммани ишлатиб қўйиб, ўзи охирида ўчоқбошига келади.

Шундай кунларнинг бирида у доғланган ёққа энди гўшт солган эди, кўча эшикда нотаниш кимсанинг сумбати кўринди. Ёғ жағиллаб “қайнаб” кетганидан, дадам чақириб келгувчининг журъатсизгина овозини эшитмай қолди. Нотаниш меҳмон бўйи пастроқ, калласи катта, кўримсиз юзи қорайиб кетганидан лабидаги дағал чандиқ кўзга баралла ташланиб турган бир киши эди. У менга айбдордек қаради, анчадан бери устара тегмаган юзида ҳам шу хил табассум қалқиди.

– Сизни сўраб келишди, дада, – дедим мен ўтинни қасарлатиб синдирарканман.

Дадам тутундан ёшланган кўзларини қисиб қарадию:

– Баротов? – деди капгирни қўйиб, кейин меҳмонга пешвоз юрди. Улар бир-бирига жим тикилиб қолди, сўнг қучоқлаша кетди.

Ксения дадамнинг буйруғи билан учпилтани ёқиб, бир челек сув иситди. Ойим топ-тоза ичкийим олиб чиқди. Дадам соқолини олсин деб Баротовга “Нега” кукуни, кўпиртиргич-чўткага ўхшаган керакли асбоб-лозимларни берди.


– Ювиниб, ўзингга қараб ол, Ваҳоб, – деди у.

– Раҳмат, – деди миннатдор жилмайиб Баротов ёзги душ тарафга ўтаётиб. Қирқ литрли бочкани латта-путта билан яхшилаб ўраб, темир учоёққа ўрнатганмиз – бизнинг ёзги ғуслхонамиз мана шу.

Онам “обориб бер” деб қўлимга кўйлак билан шим тутқазди, мен меҳмоннинг кетидан душга кирдим.

Умримда бунчалар қоқ-ориқ одамни кўрмаганман. Дадам ҳам бориб турган тўла киши эмас, лекин унинг кўйлак-шими меҳмоннинг эғнида илгичга илингандай осилиб қолди.

Ош пишгач, дадам Баротов иккаласига ҳовлининг бир чеккасида алоҳида жой қилишни буюрди. Улар еб-ичиб, суҳбатлашиб, қиттак-қиттак отиб ўтирди. Паст овозда гаплашганларидан бизга ҳеч нима эшитилмади, лекин қандайдир муҳим ва нохуш гаплар бўлаётгани аён эди. Асосан Баротов гапирар, дадамнинг кўзидан ёш қуйилар, бироқ бунга ўзи сезмасди; мен дадамни бу аҳволда ҳеч кўрмаганман. Улар ярим кечагача



Жасур Исҳоқов кинорежиссёр ва драматург сифатида таниқли ижодкор. Аммо унинг кироийигина ёзувчи эканини ҳамма ҳам билмаса керак; рус тилида ижод қилгани учунми, ўзбек китобхони бундан беҳабар. Ҳолбуки, “Звезда Востока” журналида бир неча қиссаси эълон қилинган, ҳикоялари узоқ-яқин мамлакатларда эътироф топган. Айниқса, “Сны о старом Ташкенте” (“Эски Тошкентга доир тушлар”) деган салмоқлигига китобини чинакам адиблик шаҳодатномаси дейиш мумкин.

Ушбу тўппламдаги “Пушкин”, “Роберт Тейлор билан яккама-якка”, “Лев Толстойнинг ёзув столи”, “Каламуш”, “Ҳакимнинг бурни” сингари мағзи тўқ ҳикояларда ўтган умр мазмуни ҳақида фикрлаб толмайдиган олижаноб кўнгилли инсон қиёфаси балқиб туради. Адибнинг ўзи туғилиб ўсган шаҳарга, ҳаёт йўлларида йўлдош бўлган нек ниятли кишиларга меҳри беқиёс, уларни ҳорғин бир соғинч ила қаламга олади.

гаплашиб ўтиришди. Эртаси куни эрталаб дадам "Ваҳоб Баротов энди бизнигида яшайди", деди. Унга ўзининг кабинетига жой қилдирди.

Мен Баротов билан дарров апоқ-чапоқ бўлиб кетдим. Турқи-таровати кўримсиз, адойи тамом алпозда бўлса ҳам, ўзи жуда яхши одам экан. Ҳарҳолда, менга шундай туюлди. Лекин Ксения негадир аввал-бошдан у билан келишмай қолди. У тўнғиллаб "бу дайдини уйга киритиб нима қилардинлар" дер; ойимга ўзининг ҳақлигини исботлаш учун "кошки жой бериш билангина иш битса, еб-ичадиганлар қаторига яна битта текин-томоқ қўшилди," дея жаврарди.

Дадам фалсафа ва марксча-ленинча эстетика фани ўқитувчиси бўлиб, ишга барвақт кетар, ойим ва синглим эса узуккун Баротов билан бир оғиз ҳам гапиришмас эди. Шунданми, Ксения бирданига хонадон эгасига айланди-қолди. Баротов келгунга қадар унинг ўрни оила даврасининг пойгаҳида эди-ю, афтидан, жуссаси ушоққина бечораҳол бу одам пайдо бўлиши билан Ксениянинг мақоми ўз-ўзидан кўтарилиб кетди гўё. Ҳарҳолда, у ўзини шундай тута бошлади.

Менга эса барибир. Ваҳоб амаки келганининг эртаси куни эрталабданок менинг май ойидан бери бузилиб ётган велосипедимни тузатиб берди. Рўзғорда бозор-ўчар ишлари менга юклатилган, Баротов келиши билан бу ишда ҳам тайёр "дастёр" топилақолди. Олой бозори ёнидан ўтиб борарканмиз, у ҳавони узоқ ҳидлар, меваю кўкатларнинг хуш бўйини си-мириб, роса маза қиларди. Бозорчилар билан талашиб-тортишар, хахолаб кулар, қалтис ҳазиллар қилар, аммо ҳеч ким ундан астойдил ранжимасди. Кейинроқ Ваҳоб амаки билан менинг дарсликларимни ҳам қараб-титиб чиқдик. Ҳайрон бўлганим шуки, Баротов жуда кўп шеър ёд биларкан:

*...Ёш пойтахт олдида қадимги шаҳар –
Москва ўз донгин аста йўқотар.
Тахт узра чиққанда янги малика,
Нечукки четланар шоҳона бева.**

Тарих ва жуғрофиядан эса биз мактабда умуман эшитмаган шундай ажойиботларни айтиб бердики! У одамнинг оғзини очириб кўядиган мамлакатлар, турли-турли халқларнинг ғалати урф-одатлари ҳақида ҳикоя қиларди. Менинг Жюль Верн ва Дюма билан танишувимга ҳам Ваҳоб амаки сабаб бўлди. Бизнигига келганининг эртаси куни у икки соат давомида "Граф Монте Кристо" воқеаларини лўнда қилиб айтиб берди.

Одатда биз иккимиз уйдагилардан қочиб ҳовлининг бир чеккасида ёки дадамнинг кабинетига ўтирардик. Негаки, Баротов бизнигиларга

*А.Пушкиннинг "Мис чавандоз" асаридан. Мақсуд Шайхзода таржимаси (изоҳлар таржимонлики).

малол келаётганини сезар, иложи борича кўзга чалинмасликка ҳаракат қилар эди. Ўз ўтмиши ҳақида эса оғиз очмасди. Бошидан нималар кечганини кейинроқ билиб олдим.

...Асли ғиждувонлик бўлган Ваҳоб Баротов ўн ёшида етим қолиб, Бу-хоро яқинидаги Когон шаҳрига бориб қолади. Уни болалар уйига топширадилар, Баротов мактабда ўқий бошлайди. Темирўлчилар посёлкасида асосан бошқа жойлардан келган йўл хизмати ходимлари яшаганидан, Ваҳоб амаки ҳали бола бўлса-да, тили русчага дарров бинойидек келишиб қолади. У пионер сафига қабул қилинади, отряд юришларида қатнашиб, барабан чалади. Бу юриш-туриши кўпларга ёқмайдию Ваҳоб амакига тош отиб, тупуриб, бўлмағур лақаблар билан уни масхара қилишади. Мактабни битириб, Самарқандда муаллимликка ўқишга киради. Ижодни ҳам ўша маҳаллари – талабалигида бошлаган экан. Маяковский вафот этган йили “Совет паспорти ҳақида” шеърини ўзбекчага ўгирган, яна турли тадбирларда баланд овозда икки тилда шеърлар ўқиркан. Шу хил ишлари билан назарга тушган Баротовни бир йилдан кейин Ленинград университети журналистика факультети учинчи курсига кўчиришади. Ўқишни тугатиб, Тошкентдаги газеталарда ишлайди, мақола ва фельетонлар ёзади. Ўзининг таъбири билан айтганда, “эрмакка шеър ижод” қилади. Ваҳоб амаки бир пардали пьеса ҳам ёзади, лекин бу томоша асари театр саҳнасига чиқмайтуриб, ўттиз еттинчи йилнинг августида ўша маълум айблов билан қамоққа тушади. Жазони Сибирда ўтайди, ўрмон кесади. Уруш йилларида жарима батальони сафида жанг қилади, кейин эса яна Воркутадаги лагерларда кўмир конида ишлайди.

Дадам менга бир воқеани айтиб берди. Бу Баротовнинг лагердаги касалхонада (улар лагерда бирга бўлишган) фельдшерликка ўтказилиши ҳақида эди: Ваҳоб амаки Ленинград университети қошидаги қисқа муддатли тиббиёт курсида ҳам ўқиган экан. Бошлиқлар бундан хабар топиб, уни “контора”га чақиради; ҳаммомга туширтириб, янги кийим, халат ва қалпоқ беради. Шунда махлуқданам баттар бир кўриқчи Баротовни кўриб қийқиради: “Қара-я! Бу ҳароми ҳам одамга ўхшарканми? Мен бўлсам уни маймун деб юрибман-а!” Атрофдагилар кўзларидан ёш чиққунча хахолаб кулади...

Унинг бор-йўқ бисоти – дабдаласи чиққан портфель, дастаги аллақачон узилиб кетганидан Баротов уни қўлтиқлаб юрарди. У портфелини қўлтиқлаганча нуқул идорама-идора югурар, ижрокўм, адвокатура, собеслардан бўшамасди. Бир куни уйга тинкаси қуриб, аламзада қиёфада кириб келди. Дадам билан ойим меҳмонда, Ксения дордан ювилган кирларни йиғиштириб олаётган эди.

“Воркута лагерлари – Воркутлаг. Собик СССР НКВДсига қарши ГУЛАГ таркибидаги энг катта ҳибс манзилларидан (1938-1953). Коми Республикасида жойлашган. Воркутлагда 15 йил мобайнида сталинча қатагоннинг юз мингдан ортиқ қурбони жазо ўтаган.

– Бу бюрократия қачон барҳам топади, а? – деб бақирди жаҳл билан Баротов портфелини ковлаштираркан.

– Э, гапирманг! – дея илиб кетди Ксения кирларни тоғорага тахлаб соларкан. – Бу уйинг куйгурларга ўртоқ Сталин етмаяпти!

...Ксения Тошкентга Оренбург тарафлардан келиб қолган. Оч-наҳор, афтодаҳол дайдиб юганда, ойим уни Олой бозоридаги балиқ растасида учратиб қолиб, уйга бошлаб келган. Урушдан олдин Ксениянинг оиласи кулоқ қилинган, кейинроқ отаси билан икки акаси отиб ташланган.

– Тентаксан сен, Ксения! Нодон, қора халқ! – деди ҳовуридан тушиб Баротов.

– Мен? Мен қора халқманми? – деб шанғиллади Ксения икки қўлини белига тираб. Унинг кенг ёноқлари пахтадай оппоқ эди. – Сиз аввал ўзингизга қаранг! Негр! – Ксения шундай дедию дадамнинг уйда йўқлигидан фойдаланиб, чўқиниб қўйди.

Баротов хўрсинди, лекин лом-мим демади. Қорайиб кетган юзини терс ўгириб, портфелидаги қоғозларни титкилайверди.

Ксения ҳаддан ошганини сезиб, кўзини олиб қочди ва кечирим сўраганнамо деди:

– Боринг, қўлингизни ювиб келинг... Дастурхонда макаронкабоб бор... Еволинг...

Ваҳоб амаки бир сўз демай овқатлангани ўтирди. Одатига кўра ликопчани топ-тоза қилиб ялади, нон ушоқларини битта қўймай териб оғзига солди. Шундан кейин кабинетга кириб кетди.

У кечаси билан бирнималар ёзиб чиқар, лекин нуқул ёзганларини йиртиб ахлат челака ташлар эди. Кейин ҳовлига чиқиб, қўлини орқасида чалмаштирганча, тинимсиз у ёқдан-бу ёққа бориб-келаверар, ўзича гўнғиллаб нималардир дер, сўнг яна кабинетга қайтиб кирарди.

– Ёзғувчи! – дея шанғилларди Ксения эрталаб кабинетни йиғиштираётди. – Сиёҳ билан чироқнинг исроф бўлгани қолади!

Бир куни Ваҳоб амаки билан оғир халталарни кўтариб бозордан қайтаётгандик, уйга меҳмон келиши керак эди. Баротов нафас ростлаш учун тўхтадию дафъатан:

– Сен Ясная Полянага борганмисан? – деб сўради.

– Йўқ.

– Лев Толстой туғилган қишлоқ, – дея хўрсиниб қўйди у. – Талаба эканимда экскурсияга борганман. Ўттиз биринчи йили. Москвага-чи, борганмисан?

– Борганман.

– Хамовники* музейига кирдингми?

*Хамовники – Москва шаҳрининг қадимда тўқувчилар яшаган тарихий мавзеларидан бири.

– Йўқ.

– Эҳ, сени қара-ю... – таънами, ҳамдардликми – аллақандай оҳанг билан деди Баротов. – У ердаям Лев Толстой музейи бор. Буюк инсон! Унинг ёзув столини кўрсанг эди!

– Қанақа экан?

– Даҳшат стол! Уйга борайлик, расмини чизиб кўрсатаман.

Ксения бозорликларни жойлаштиргунга довур Баротов сиёҳқаламда Лев Толстойнинг столини чизиб кўрсатди.

– Қара, стол четларида кичик-кичик ғўлачалар бор, балясина дейилади. Чегарачига ўхшаб ғоз туради, билдинг! Буни Толстойнинг ўзи ўйлаб топган. Жудаям қулай: қоғозлар тушиб кетмайди, қораламалар учун ҳам жой етарли, – деди у яна хўрсиниб. – Бирон кун албатта худди шунақа стол оламан. Мен ҳам ёзаман... Ка-атта китоб ёзаман! – Баротов менинг борлигимни унутиб қўйган, осмонгами – бир ёқларга тикилган кўзлари чарақлар эди. – Менинг ғояларим учун айнан шунақа стол керак... Ҳам-маси калламда пишиб турибди! Биронтасини унутганим йўқ! Ух! Қанақа китоб бўлади-я!

Гап-сўзларимизни эшитиб турган Ксения елкаси оша Баротов чизган расмга қаради.

– Оббо, бу кишимга стол етмай турувди, – дея лабини бурди у. – Керак бўлса, Ленин китобларини кунданинг устида ёзган, чайлада! Кинода ўз кўзим билан кўрганман!

– Ленинни тиқиштириш нима керак ҳозир? – деди Баротов илк марта Ксенияга бақириб ва чизган расмини ғижимлаб-ғижимлаб отиб юборди. – Умуман олганда, гапимизга тумшуғингни суқма!

– Албатта-да, мен нодонман-ку, ахир! – дея алам билан ўчини олди Ксения картошкани саватга жойлаётиб. – Сиз билан неча пуллик ишимиз бор? Бир чақалик фойдангиз тегмайди-ку... Текинтомоқ!

Баротов ногаҳон олма турган ликопчани столдан юлқиб олди-да цемент супага отиб урди.

– Томи кетган! – деб чинқирди Ксения. – Ликопчани отиб синдиришга-ча бориб етдингми энди! Ўзингники эмас-да!

Ксения кейинроқ йиғламсираб, дадам билан ойимга арз-дод қилди:

– Кўрмаяпсизларми, мияси айниган-ку бунинг!

Лекин барибир Баротов яна бир йилча бизникида яшади.

Ойим ҳам шоиртабиатроқ, тиш дўхтири бўлса-да, Флобер ва Достоевский романларини, Чехов ҳикояларини ўзбекчага ўгирган, ўзиям ҳикоя ёзар эди.

– Ҳабибахон, ажойиб, – деб мақтаб қўярди Баротов ойимнинг ёзганларини ўқиб. – Лекин, хафа бўлманг-у, мавзулар жўнроқ... аёлларга

хосми-ей, ишқилиб... Ишқ-муҳаббат, хиёнат, рашк... Каттароқ нарсалар ҳақида ўйлаш керак...

Шу заҳотиёқ яна ўзининг ёзилажак романи, қанақанги улуғвор мавзуларга қўл уражаги ҳақида гапириб кетарди. Алалхусус, қалами газеталар, райком ва бошқа-бошқа маҳкамаларга шикоят урдан бўлак дурустроқ бир нимага юрмади. Дастаксиз портфели ҳам даста-даста қоғозлардан "семириб", баттар шалағи чиқиб кетди. Ўзи бўлса бориб-келаверди, бориб-келаверди. Кундузлари – идорама-идора, кечалари уйимиз ёнидаги йўлакчадан... бориб-келаверди...

Йил ўтиб, дадам ва ойим қистаб қўймагач, Баротов бевалик "гаштини сураётган" Томат холам билан турмуш қурди. Аслида бунини турмуш қуриш деб ҳам бўлмасди. Дадам холамини бир амаллаб кўндирди: Баротовнинг Чилонзордаги чоққина квартирасига кўчиб ўтди. Холам олдин мусиқа театрида ишлаган, астмага йўлиққач, ноилож севган касбини ташлаб кетган. Ёши ўтиброқ қолган бўлса-да, холам ҳалиям кўхликкина, Баротовнинг олдида, аяброқ айтсам, ўзининг кўримсизлигини ичдан ҳис этар, шунданми – бўйи янаям чўкиб, юзи янаям қорайиб кетгандай туюлар эди.

Баротов ҳафтада икки марта кадрдон портфели билан бизникига келар, Ксения иложи борица ўзини олиб қочар ва секингина:

– Бу банданг ақлдан озган, ўзинг асра, Худойим! – дея чўқиниб қўярди. Баротов бир куни бизникига қаттиқ ҳаяжонда кириб келди.

– Қара, сенга нима олиб келдим!

Шундай деб, портфелидан роман-рўзнома чиқарди. Муқовада "А.И.Солженицин. Иван Денисовичнинг бир куни" деб ёзилган.

– Ма ол, ўқиб чиқ! Кейин товукмия Ксенияга айтиб берасан! Сталин етмаётганмиш! Фақат бир кечага бериб туроламан, эрталаб қайтариб беришим керак. Даҳшат бу! – деди у бармоқларини қасирлатиб ва ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. – Мен бунданам яхшироқ ёзаман! Ҳа! Зўр қилиб ёзаман! Ҳаммасини ёзаман! Бутун дунё бошимдан нималар кечганидан огоҳ бўлади!

Дафъатан юрагимга қўрқув тушди, у ҳақиқатан ҳам жиннига ўхшарди: кўзёшлари юзини ювар, юзининг қоп-қора териси остидаги ғуддалар нари бориб-бери келар, пуштиранг тортган лабчандиғи ҳатто хуштак чалаётгандек эди.

– Ёзаман дедимми, ёзаман! – деди хирқираб у. – Ёзаман!

Кейин ногаҳон жимиб қолди, ён-атрофга олайиб қаради ва бармоғини майиб-мертик лабига босганча:

– Тсс... – деди шивирлаб. – Номи нима бўлади романимнинг, биласанми? "Изтироб вартасида"... Зўр-а? Ҳозирча сир бу лекин! – Шундай

дея яна у ёқ-бу ёққа бориб-кела бошлади. – Фақат... ҳозирча романнинг хотимаси унча ўшамаяпти...

Бир ойдан кейин холам Баротовни ҳайдаб юборди. У Кошғар маҳалладан бир кампиннинг уйини ижарага олди.

Олтмиш бешинчи йилнинг кеч кузида Баротов шамоллаб, ётиб қолди. Шамоллаш икки томонлама ўпка яллиғланишига ўтиб, танадаги бор-йўқ касалликларни кўзгаб юборибди. Дадам уни ТошМИ касалхонасига ётқизди.

Январнинг қуёшли кунларидан бирида уни кўргани бордик. Дам олиш куни эди. Дадам долонда дўхтир билан гаплашиб қолди. Мен палатага кирдим. Баротов мени кўриб севиниб кетди, кўзи билан каравот ёнидаги курсига ишора қилди.

– Раҳмат келганинг учун... – деди у оҳиста. – Романнинг хотимасини ўйлаб қўйдим... Романда финал қанчалар муҳим, биласанми? Ҳатто охири жумляям... Қаҳрамоним вокзалда ўзи йигирма йилдан бери кўрмаган аёлга дуч келади. “Уларнинг нигоҳлари учрашди”... Шу, тамом... Қалай, зўрми?

– Билмадим, бўлар... – дедим мен иккиланиброқ.

– Фақат стол керак! – деди ҳаяжонланиб Баротов ёнбошлаб оларкан. – Лев Толстойнинг Хамовникидаги столидай... Эсингдами?

Баротовнинг менга айтган охири сўзлари шу бўлди.

На дори-даво, на Ксения касалхонага ташиган товук шўрвалар, на даданинг танишлари бўлмиш тажрибали дўхтирлар... – биронтаси Баротовнинг дардига қор қилмади. Унинг жулдур кийимлари, пойабзали ва эски портфели – бор-йўқ бисотини дўхтирлар дадамга беришди.

Портфелнинг “ўғричўнтаг”идан мен газетага ўралган расм ва хатлар топиб олдим. Сарғайиб кетган, картон чорчўпга елимлаб ёпиштирилган расмларнинг бирида нафис шляпа кийган гўзал аёл Исаакиев собори олдида турарди. Расм орқасида “Эсдалик учун Ленинграддан. 1930 йил 1 май” деган ёзув ўқидим.

Шоҳи боғичли яп-янги коленкор папкада эса бир даста йўл-йўл чиқиқли қоғоз бўлиб, илк саҳифага чиройли хуснихат билан: “В.Д.Баротов. Изтироб вартасида. Роман. Биринчи бўлим” деб ёзилган. Кейингисини очдим... Қолган саҳифалар сидирғасига оппоқ... ҳеч нима ёзилмаган.

Полга откритка тушиб кетди, уни олдим. Оқ-қора расм, стол тасвири – кенг-мўл, пастада муҳташам жавон, икки тарафида катта-катта тортма, четларида устунчаси бор – ўша, кўҳна Хамовникидаги стол.

Рус тилидан
Чўлпон ҒАНИ
таржимаси

Султонмурод ОЛИМ



Sokin daryo, sohir daryo

Туркия сафари таассуротлари

Нима сир-синаот бор, билмадим-у, азалдан инсонлар экватор чизигига яқин мамлакатларга талпинади. Ана шу ўрталикда жойлашган мамлакатларнинг бири – биз, бири – Туркия. Лекин бизни бирлаштириб турган ришталар шугина, холосми? Йўқ-да!

Мустақиллик йиллари дунёни қайтадан танишимиз, аввало, Туркиядан бошланди. Эҳ-ҳе, орада қардошлар юртига кимлар бормади, дейсиз? Бу ёқда кўп-кўп турк сериалларини дубляж қилиб, телеэкранлар орқали намойиш этаётирмиз. Хуллас, бугун бу мамлакатга ҳеч бормаган фуқаромиз ҳам у ҳақда озми-кўпми тасаввурга эга.

Қирққа яқин туркий халқнинг сон жиҳатидан энг кўпи – турк билан ўзбек. Тарихда империя тузиб, Ер юзининг катта қисмини бошқаргани ҳам турк билан ўзбек. Фикҳда сунний

мазҳабга, ақида, яъни калом илмида мотуридия таълимотига, тасаввуфда кўпроқ нақшбандия тариқатига амал қиладигани ҳам-турк билан ўзбек...

Билмадим, яна бир киши умричалик давр ўтганидан кейин эътибори қолади-ми-йўқми, лекин ҳозирча бир ўзбек зиёлиснинг хорижга чиққан-чиқмагани, айнан қайси мамлакатларга бориб келгани аҳамиятли бўлиб турибди. Чунки мустамлака сабаб кўп замонлар дунёдан узилиб яшадиқ. Истиқлолдан бу ёғига халқ сифатида жон таллашиб, шу кечикиш оқибатларини бартираф этиш йўлларини излаётирмиз. Бу йўллар эса мутараққий ўлкалар орқали ўтиши маълум. Демак, биз илғор ўлкалардан ҳали кўп нарса ўрганишимиз керак...

Байроқлар ўлкаси

Туркияде энг кўп учрайдиган иморат – масжид. Энг кўп эшитиладиган сас – азон. Энг кўп ишлатиладиган сўзлар – “Оллоҳ”,

“машааллоҳ”, “иншоаллоҳ”. Энг кўп учрайдиган матоҳ – давлат байроғи. У улуғ қадриятлар рамзи ўлароқ, мамлакатнинг ҳар шахрию қишлоғида, ҳатто баъзи уйлар тепасида ҳам ҳилпираб туради.

Турк олими, профессор Умой Туркеш Гуннойнинг ёзишича, туркий халқлар милоддан аввалги IV минг йилликдан ҳозирга қадар ўтган 6 минг йил мобайнида 16 буюк салтанат, юзларча катта-кичик давлат қурган (*Turkeş Günay U. Türklerin tarihi. 2-baski. Ankara, “Akçağ Yayınları”, 2007. S. 15*).

Қорабоғ университети ҳовлисидаги баланд симёғочдек минора тепасида ҳам Туркия байроғи ҳилпираб турибди. Унинг такуриси атрофида туркий давлатларнинг ва уч айлана ўзаро бирлаштирилган ҳолда акс этган кўк туғ – темурийлар байроғини ҳам кўрдим, у Кўниё шахрида туркий давлатларнинг қадимий байроқлари акс этган лавҳалар орасида ҳам мавжуд. Қаердаки туркий давлатлар байроқлари бўлса, улар орасида Ғазнавийлар, Қорахонийларники ҳам учрайди.

Дарвоқе, Қорабоғ университети ҳовлисида турк дунёси тарихида ўтган атоқли саркардалар бюстлари ўрнатилган. Улар орасида Жалолиддин Манғуберди, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоси ҳам бор. Бу юртда катта-катта биноларга, ҳатто кўпқаватли уйларга ҳам ном қўйиш анъанаси бор экан. Анқарадаги Фозий университетининг Технология факультети Тошкент номидаги бинода жойлашган. Бу – турк биродарларимизнинг пойтахтимизга алоҳида ҳурмати ифодаси. Бундай боғлиқликлар кишига ҳуш кайфият бағишлайди.

Беозорлик

Туркия бежавф, беозор мамлакат бўлиб кўринди. Кўчаларда полиция вакилини учратмайсиз ҳисоб. Мабодо, кўрсангиз ҳам, полиция фуқаронинг ёнини олишни ўйлайди, унга дахл қилиш, зулм ўтказиш ёки озор этказишни эмас.

Биз яшаган беш қаватли уйнинг ертўласидаги деразача рафида касалланган ёввойи каптарни кўрдим. Қўни-қўшнилар унинг олдида бир идишда дон, бир идишда сув қўйи-



шибди. Бир неча кун, афтидан, тузалгунича шу ерда яшади. На бирон бола тегди унга, на бирон ёввойи мушук...

Маҳаллий халқ дунёнинг турли бурчакларидан келган, ҳар хил ирқ ва миллатга мансуб кишиларнинг яшашига кўниқиб қолган. Ҳар ким ўз миллий кийимида юраверади. Яъни бу ерда ажнабий эканингизни яширишга ҳожат йўқ. Фақат бир шarti бор – турк тилини билсангиз бўлди. Сираси, бу мамлакатда бошқа тил “ишламайди”. Турк халқи бутун дунёдан одамлар келиб яшашга ҳақли деб билади. Билганга бу ҳам тараққиёт нишонаси.

Сокинлик

Бугун ўзбек ўқувчисига қардошларимизнинг куй-кўшиқлари ҳақида алоҳида тушунтириш беришга ҳожат йўқ. Айрим хонандаларимиз ҳам айнан турк санъати услубида куйламоқда.

Сезган бўлсангиз, туркча ашулаларда, мусиқада ажиб бир сокинлик бор. Бу сокинлик ичра нозиклик ва майинлик ҳам яширин. Лекин уларда авж йўқ. Созанда созини, кўшиқчи овозини кўп ҳам қийнаб ўтирмайди. Бу куй-кўшиқлар ўзига ишончи баланд, мақсади аниқ, манзилига эринмай, шошилмай, лекин бир маромда дадил қадам ташлаб бораётган йўловчини эслатади. Икки ўртадаги асосий фарқни туркча сознинг майин ноласи билан биздаги рубобнинг баланд жа-

рангига қиёслаш мумкин. Турк оҳанглирида Онадўлу шимолидаги Кавказ ва Кавказорти, шарқидаги Эрон, жанубидаги араб халқлари мусиқасидаги жўшқинлик йўқ даражада. Ҳатто катта қисми асрлардан бери Туркияда яшаб келаётган курдларнинг куй-қўшиқлари ҳам жарангдорроқ, жўшқинроқ, авжлироқ.

Ҳар бир халқнинг мусиқаси унинг ўзига ўхшайди. Сокинлик, босиқлик турк халқининг табиатида бор. Камбағалнинг бирдан бойиб кетиш васвасаси йўқ. Бой ҳам бирдан камбағаллашиб қолмаслигини яхши билади. Худди ҳаёт азалдан бир маромга солингандек. Назаримда, ҳамма қимирлаган қир ошишига ишонади. Бир касбнинг этагини маҳкам тутган одам ҳаётда ўз йўлини топиб кета олади. Эҳтиёжманд оиланинг фарзанди ҳам олий таълим муассасасига ўқишга кирса, уни битиргач, оёққа туриб кетади.

Бошпана

Туркия кейинги бир асрлик тарихда уч марта ўзбекларимизга бошпана берди. Биринчиси – 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин. Ҳокимият болшавойлар қўлига ўтди. Синфий кураш башарият кечмишида мисли кўрилмаган равиш-рафтор олди – камбағаллар бойларни қирди. Фуқаролар уруши авж олди; бойлар, диндорлар, эски ҳокимият вакиллари бесўроқ отиб ташланаверди. Шунда бир гуруҳ ватандошларимиз жонини олиб, четга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ўшаларнинг бир қисми айнан Туркиядан паноҳ топди. Германияга ўқишга юборилган бир гуруҳ туркистонликлар юртга қайтгач, қатағонга учради. Бундан хабар топган айрим талабалар ўқишни тамомлаб, Туркистонга эмас, Туркияга равона бўлдилар. Туркиянинг айрим соҳалар бўйича биринчи фан докторлари айнан Германияда таҳсил олган туркистонлик талабалар орасидан етишиб чиқди.

Иккинчиси – 1979 йили шўро қўшинлари Афғонистонга бостириб кирганидан кейин рўй берди. Ўтган асрнинг 20-30-йилларида юртимиздан Афғонистонга қочиб ўтганлар

шўро ҳукумати уларни бу ерда ҳам тинч қўймаслигини сезиб, бола-чақалари билан Туркияга кўчди ва яшаб қолди.

Учинчи бор Туркия мустақиллик йилларида, асосан, меҳнат миграцияси билан борган ҳамюртларимизга бағрини очди. Бу жараён ҳамон давом этяпти. Энди бу сафга таълим олиш учун борган ёшларимиз ҳам қўшилди. Ҳозир бу мамлакатда қирқ чоғли докторант, ўн беш нафар магистрант ва мингга яқин бакалавр юртдошларимиз таҳсил кўрмоқда. Айрим профессор-ўқитувчиларимиз Туркия университетларида таълим беряпти.

Давлат ва халқ тарихи

Давлатлар тарихини нисбатан ҳаққоний, бирмунча холис ёзиш мумкин. Чунки ким қачон ҳокимият тепасига келгани, қайси ҳудудларни бошқарганини айтса бўлади. Лекин халқ, миллат ўтмишини ҳаққоний ёритиш жуда мушкул. Чунки бу жараён тоғнинг асов дарёсидай доимий жўшқин оқимда бўлади. Халқ, миллат тарихи кўпинча давлат чегараларини ҳам писанд қилмайди. Турк халқи тарихи ҳақида ҳам гап шу.

Турклар ўзларини милодий XI асрда Ўрта Осиёдан келган кўчманчилар, деб ҳисоблайдилар. Аммо олимлар фикрича, археологик изланишлар бундан 3 минг 800 йил бурун ҳам бу ерларда турк тилида сўзлашувчи халқ вакиллари яшаганидан дарак беради. Милоддан аввалги 2200 йилга оид бир ҳужжатда 17 қиролдан бири сифатида “турк қироли Илшу Ноил” номи тилга олинди (*ўша манба, 20-бет*). Бўлса бордир. Аммо бу яккам-дуккам яшаган турклар бўлиши керак. Туркиянинг ҳозирги худуди, чиндан ҳам, 1071 йилдан кейин туркийлашди ва мусулмонлашди.

Қулай бозор

Туркияда ақча – етарли, технология – кучли, товар – оша-тоша. Уларга маблағларини янада манфаатлироқ тарзда сарф-

лаш, янги технологияларни экспорт қилиш ва товарларини сотиш учун янги-янги бозорлар керак. Америка ёки Европа бозорлари улар учун икки жиҳатдан ёпиқроқ. Биринчидан, муносабатлар унчалик қалин эмас. Иккинчидан, у ерлардаги юксак даражага етиш Туркия учун ҳам осон кечмайди. Шу сабаб Марказий Осиё, хусусан, бу минтақанинг ярим аҳолиси истиқомат қиладиган Ўзбекистон – Туркия учун энг қулай бозорлардан бири.

Модомики, халқимизнинг бир қисми ишлаш учун чет элларга кетишга ҳозирча мажбур экан, энг қулайи – Туркия. Хорижга чиқсанг, тил муаммоси ўртага тушади. Ўзбекнинг турк тилини ўрганиши, дейлик, рус тилига нисбатан осонроқ кечади. Маънавий муҳит яқинлигини айтмайсизми?!

Туркия асосан ўтган асрнинг 80-йилларидадан жадал тараққиётга эришди. Президент Ражаб Тоййиб Эрдўғон мамлакатнинг яқин йилларда иқтисодий жиҳатдан дунёнинг кучли ўнталигига киришини эълон қилди. Бироқ кейинги тўрт-беш йил орасида АҚШ ҳамда Европа давлатлари билан муносабатларнинг мураккаблашуви оқибатида Туркияда ҳам иқтисод бир оз орқага кетяпти. Лиранинг қуввати камайиб, инфляция даражаси ортиб борапти...

Икки муҳим фазилат

Туркияликларнинг икки фазилатини алоҳида қайд этишни истардим. Биринчиси – ўз миллий тарихини булардай биладиган халқ кам топилса керак. Иккинчиси, бу эл ёмон сиёсатчи келар экан. Партиялар ўртасидаги кураш аёвсиз, кескин кечади. Умуман, мамлакатда ҳар бир партия муайян ғоя асосида шаклланган ва уларнинг ҳар бири ўз тарафдорларини турли мафкура асосида бирлаштиради.

Президент Эрдўғон ўз чиқишларида энг кўп такрорлайдиган икки шиор бор. Биринчиси – *“Бир халқ, бир давлат, бир Ватан, бир байроқ!”* Содда туюлгани билан, моҳия-

тан ғоят теран. Халқни, давлатни, Ватанни бир байроқ остида бирлаштиришга қаратилган буюк ғоя! Яна бири – *“Бир халқ бўлайлик, бир давлат бўлайлик – Туркия бўлайлик!”* Бу икки шиор бир-бирини тўлдириб, ягона мақсадга хизмат қилади.

Туркия аввал замонлардан яхлит давлат бўлиб келган. Мамлакатда 228 йил Салжуқийлар (1071-1299), 624 йил Усманийлар (1299-1923) ҳукм сурди. 1923 йилдан эса Туркия Республикаси яшаб келаётир. Халқнинг бир давлат байроғи остида бирлашиб яшаши – унинг битмас-туганмас бахти.

Бирлик истаги

Туркия давлати ва халқи бирлик истапти. Чунки уни айрим Ғарб мамлакатлари яккалаб қўйишга уринмоқда. “Бирлик” деганда фақат мамлакат ичкарисидаги яқдилликни тушунилмайди. Туркия ўзига дўст кўпайтириши, хайрихоҳ давлатлар билан ҳамкор бўлиши лозим. Ахир, нодўст бирлашганда, дўст нега бирлашмаслиги керак?!

Ўзбекистон – нуфуси жиҳатидан туркий тилли мамлакатлар орасида Туркиядан кейин иккинчи йирик давлат. Туркия аввало биз билан мустақкам бирликка эришмоқчи. Бу – Марказий Осиёнинг ярми билан ҳамдамлик таъминланди, дегани. Чунки минтақамиз умумий аҳолисининг тенг ярми Ўзбекистонда яшайди.

Дунёнинг бугунги шафқатсиз бозорида бирон бир мамлакат бошқалар билан яқка-ёлғиз ҳолда курашолмайди. Халқ билиб айтган: “Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас”.

Мўътабар васият

1288 йили тахминан 90 ёшларида вафот этган Эртуғрул Ғозий ўз ўғли Усмон Ғозийга шундай бир васият қиладики, у кейинчалик олти аср ҳукм сурган Усманий салтанатининг дастуруламалига айланади. Бу ўғитлар замонавий Туркия раҳбарларининг ҳам қулоқлари остида ҳамон жаранглаб тур-

гандек. Мана, эътибор қилинг: *“Оллоҳ таолонинг амрларига хилоф бир иш қилмагайсан! Билмаганингни олимлардан сўраб, билиб олгайсан!*

Яхшилаб ўрганмагунча бир ишни бошламагайсан!

Сенга итоат этганларни хуш тутгайсан!

Аскарингга инъомни, эҳсонни камайтирмагайсанки, инсон эҳсоннинг қулидир.

Оламни адолат билан беза ва Оллоҳ учун хатти-ҳаракатни тарк этмаслик билан мени шод эт!

Қайдаки бир илм аҳли учраса, унга рағбат, иқбол ва ҳалимлик кўрсат!

Аскарларингга ва бойлигингга гурур келтириб, илм аҳлидан узоқлашма!

Бизнинг ишимиз Оллоҳ йўлидир ва мақсадимиз Оллоҳнинг динини ёймоқдир, гавго кўтармоқ ва жаҳонгирлик даъвоси эмас. Сенга ҳам фақат шу йўл ярашади.

Доимо ҳар кимга яхшилик қилиш ҳаракатида бўл!

Мамлакат ишларини нуқсонсиз бажар!”

Ҳамма нарса инсон учун

Кўниёнинг аксар кўчалари кенг-равон. Режа билан қурилган. Пиёдалар, велосипедчилар учун алоҳида йўлак бор. Уларда кўзи ожизлар учун ҳам шароит яратилган: йўлакнинг бир тарафига махсус резина ёпиштирилган, уларда чизиққа жойлаштирилган бўртма нуқтачалар бор. Кўзи ожизлар ҳасасининг учи билан ана шу ариқчадан чиқмай кетаверади. Бекат ёки бурилиш келганида ана ўша бўртма чизиқ нуқта-нуқтага айланади. Шундан бурилиш ёки бекат экани англашилади.

Миллат-а, миллат!

Жамиятда бирликлар турли-туман. Аммо миллат бўлиб бирлашининг ўрни ва аҳамияти тамом бўлакча. Асли, туйғулар орасида энг нозиги – миллий туйғу. Кўниё эли (вилояти) баладияси (ҳокимияти) ҳар йили

“Ўлка таниш кунлари”ни, яъни миллий маданиятлар кунларини ўтказар экан. Бу йилги тадбирда 60 мамлакат вакиллари ўз давлати ва халқини, жумладан, Кўниёдаги ўзбекистонлик талабалар ҳам катта тайёргарлик билан ўлкамизни таништиришибди. Ана шу тадбирда кутилмаганда Боғруделик қишлоғидан бир эру хотин келиб, Ўзбекистон томонида туриб қатнашибди.

– Гарчи Туркияда яшаб, турклашиб кетган бўлсак ҳам, биз асли ўзбекларданмиз, – дебди улар. – Бу тадбирга ўзбек бўлиб қатнашиш учун келдик. Аждодларимиз икки юз йилча бурун Ўзбекистондан келиб қолган. Аждодлар авлодларнинг қулоғига “Биз – ўзбекмиз”, деб қуйиб кетган. Биз ҳам болаларимизга “Биз – ўзбекмиз”, деймиз...

Биртиллилик муҳити

Туркияда биртиллилик муҳити ҳукмрон. Бир нарса ёки тушунча ҳаётга кириб келсаю унга ном қўйиш зарурати туғилса, мутахассислар томонидан таклиф ўртага ташланади – бўлди, уни ҳамма шундайича қабул қилади.

Масалан, “чегирма” дегани “индирим” деб олинган; ҳамма тушунади. Лекин бизда “Фалон дўқонда фалон нарса чегирма билан сотиляпти”, денг-чи, неча фоиз одам тушунар экан? Албатта, “чегирма” ўрнида “скидка”ни ишлатишингиз керак. “Бекат” десангиз, транспорт ҳайдовчиси ҳам сизга ўзга сайёраликка қарагандай қарайди. Чунки унингча “остановка” дейишингиз керак...

Ноёб ашё

Истанбулдаги Тўпқопи мажмуаси Усманийлар давлатининг саройи бўлган. Ҳозир – музейлар мажмуаси. Ундаги ноёб ашёлар орасида кишининг диққатини кўпроқ жалб этадигани – ванналар. Ваннаки, камида икки минг йилча бурун яратилган; бир бутун мраммар тошдан ўйиб ясалган; ҳозир ҳам ҳавас билан ишлатса бўлади. Ҳозиргидек замонавий техникалар бўлмаган замонлар

да оддий жиҳозни санъат асари қадар бу даражада мукаммал яратиш машаққатию устанинг маҳоратини айтинг! Туркиянинг бугунги иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ана ўша қадим маданият яратган халқнинг анъанавий қувватини ҳис қилиш мумкин. Лекин...

Кўниёда кўп қаватли уйда, Аланя ва Истанбул шаҳарларида меҳмонхонада яшадик. Биронтасида ванна йўқ, душ бор, холос. Чунки сув қиммат. Иситиш қувватлари ундан ҳам қаҳат. Аксар кўп қаватли уйлар устида қуёш батареялари ўрнатилган, ёнида сув иситиб берадиган бочкалар қўйилган. Аммо бу қурғур кундузи яхшироқ иситар экан-у, кечаси унча эмас. Аҳоли ҳатто душдан ҳам бемалол фойдаланавермас, иссиқ сувни тежаб ишлатар экан.

Ватан

Хорижга сафарнинг нимаси афзал? Қуёш битта бўлса, Ой битта бўлса. Ҳамма ерда ҳам кеча ва кундуз алмашиб турса. Одам – умуман олганда ҳамма жойда ҳам одам. Моҳияти ўзгармайди ёки кам ўзгаради.

Хорижда ҳамма нарса бор-у, Ватан йўқ. Сиз айнан она юртдан йироқдасиз, ундан четга чиққансиз. Ўзга мамлакатни ҳам, унинг халқини ҳам фақат ва фақат Ватанингизу халқингизга қиёсан кузатасиз. Шу ният билан нигоҳ ташлаб, Туркиянинг ҳар қадамида Ўзбекистонни кўрдим, десам, ишонаверинг.

Азиз Несин орзуси

Туркияда олий таълим профессор ва ўқитувчиларининг даромад манбаи – маош ва бошқа қонуний даромадлар. Ҳеч бир муаллим талаба ёки унинг ота-онаси қўлига қараб қолган эмас. Улар олий таълим муассасасига ўқишга кириш ёки унда ўқиш учун пора бериш деган тасаввурдан мутлақо йироқ.

Бу ҳол ҳаётнинг бошқа кўп-кўп соҳаларида ҳам ҳукмрон, назаримда. Шунинг учун каминага Туркияда XX аср ўрталари-

да Азиз Несин ҳажв қилиб, қаттиқ қоралаб кўрсатган қолоқ тузумдан асар ҳам қолмагандек туюлди.

Ибн Синонинг юрти қаер?

Шарқшунос-манбашунос Фахриддин Иброҳимов маълумотига кўра, Ўзбекистонда Абу Али ибн Синонинг бизгача етиб келган 50 асари (60 кўлёмаси) сақланади. Туркияда эса уларнинг сони – 1100 та!

Туркиянинг Бухороси


Юртимизда Хожа Баҳроуддин Нақшбанд энг улуғ авлиё саналгани сингари, Туркияда Мавлоно Жалолиддин Румий шу мақомдадир. Бутун дунёдан сайёҳлар Нақшбанд ҳазратлари қабрини тавоф айлаш учун келгани каби, улар Туркияга ҳам айнан Мавлоно мақбараси зиёрати учун ташриф буюради. Бухоро Марказий Осиёдаги ислом марказларидан бири бўлгани каби, Кўниё ҳам Онадўлуда ислом марказларидан бири бўлган. Ҳозир ҳам Кўниё, диндорлик даражасига кўра, Туркиянинг бошқа вилоятларидан кескин ажралиб туради.

Ана шу кўп-кўп асосларга кўра, “Кўниё – Туркиянинг Бухороси, Бухоро – Ўзбекистоннинг Кўниёси”, деган хулосага келдим. Дарвоқе, Бухоро ва Кўниё – ўзаро биродарлашган шаҳарлар ҳисобланади.

Ўхшашлигимиз

Қаердаки мадҳиямиз янграса, қай гўшада байроғимиз ҳилпираганини кўрсам, қачонки ўзбекона куй-оҳанглар таралса, ҳавода самолёт Ўзбекистон ҳудудига кириб келса... кўзимда беихтиёр ёш айланади. Дарҳол яширишга ҳаракат қиламан. Бировлар устимдан кулмасин, дейман.

Туркияда каминага ўхшаганлар кўп экан. Футбол бўйича Туркия терма жамоаси фаранглар дарвозасига тўп киритганини телевизор орқали томоша қилиб турган туркиликларнинг кўпи йиғлаб юборганига гувоҳ бўлдим...



TESKARI AKSIOMA

Олишув

Кўксимга пичоқ санчдилар мулойимлик билан. Суғуриб олмадим.
Ранжиб қолишин истамадим душманларимнинг.

Бу кўнгилчанлигимдан болаларим таъзирини еди.

Яхши одам дегани аслида ваҳший экан. Қотили экан у ўзининг,
яқинларининг, авлодларининг.

Хаётимни бошидан бошлагим келар гоҳида. Аммо янги кунимни
ҳам бошқаришга етмайди тоқат.

Мен исён қиламан термилиб кўкка.

Ўзимга ўзим ҳукм ўқийман.

Энди чиқиб келар бошқа қиёфам.

Душманларимнинг пичоқ санчиш тугул сўзламоққа мажоли қол-
мас. Эзгилаб чиқаман уларнинг барин. Энг ёмон одамга айланган
чоғда – ҳис қила бошлайман ўзимнинг нақадар яхшилигимни...

Меҳроб

Ҳар кимнинг сиғинадиган жойи бўлсин экан. Ҳеч кимсага суян-
масанг, ишонмасанг – сенинг фожианг. Жилла қурса, онангга тўқиб

сололмасанг дилда борингни. Санамларга гап отишдан не наф?


Отаннинг метин кифтига бошингни қўёлмасанг. Қоялардек юксакка кўтармасанг отанг пойини. Яшаб юрмоқликдан нима маъно?

Акангни яқин йўлатмасанг. Ҳасратингдан чанг чиқмаса унинг қошида. Жигарликнинг маъноси қайда?

Опа-сингилларингга бир йўловчидек вақт тополмасанг. Жиянчалар танимаса яқиндан сени. Оқибатдан лоф урмоқ уят!

Қўлинг кўкка чўзиб нолалар қилсанг. Аҳд қилсанг сиғиниб саждада. Унутсанг барини бошингни кўтарган маҳал. Бир кунда беш маҳал ётиб-турмоқликда не маъни?

Ўзингни фаришта санама. Бурканиб яшама ёлғонларингга. Ниқоб тутма. Борингча руҳингни меҳробга отгин!



Сиртмоқланган тафаккур

Мен ўз дилимда туғилиб келаётган саноқсиз ҳис-туйғулар, исёнлар, истак ва орзуларни ўлдириб турдим. Дийдам қотиб бораверди.

Алалоқибат, дунёнинг энг бахтиёр одами бўлганим ҳолда куну тун ғуссага ботиб яшай бошладим. Оғриқлар зўридан юрагининг туб-тубида инграётган мусаффолик яшаб қолишга ҳали имкон борлигини уқтираётгандек бўлади. Мен эса туйғуларнинг пайини қирқишда давом этаман.

Ўлимдан, айрилишдан ҳадиксираб яшайман. Бироқ аллақачон нола чекишга арзийдиган ҳеч вақо қолмаганини хаёлимга келтирмайман. Маҳкам ёпишган, ҳаётимни бағишлаётган “занжир”ларимни узиб ташлашни ўйлаб ҳам кўрмайман.

Чегара ва қолиплар – тасаввуримдаги кенг дунё. Сиртмоқланган тафаккурим ён-атрофни эркин кузатишга-да бўйлатмайди. Қўлу оёқларимгача танғиб ташланган ҳолда завқланмай, ҳаяжонланмай, ҳайратланмай яшайвераман. Уларнинг узилиши жонимнинг чиқиб кетиши билан баробардек.

Энди ҳам қотил эмассан, деб кўринг-чи!

Неча йилларки, бечора жонимга жабр қилиб яшайман.

Ўлим бу – яшаб ҳам яшолмаслигинг, дейди шоир. Сўнги бора қотиллик қилишга мажбурман.

Бу кеча ўз Менимни ўлдириб, унинг мурдаси устида қаҳқаҳа отаман.

Эртага сизнинг қаршингизга лабда табассум билан янгидан туғилган Ўзим пешвоз чиқади. Сўз бераманки, бошқа қотилликка қўл урмайман.

Таги кўриниб қолган кўза

Икки қулоч ер, икки газ сурп кифоя қилгулик танимиз учун икки дунёмизни бой берамиз.

Ўта жиддийлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Зотан, дунёнинг яратилиши қалтис ҳазилга ўхшайди.

Ҳар тонг пешвоз чиқаман, уйкусираб, кўзларимни уқалаб сенинг қаршингга. Худди бир нарсадан қуруқ қолаётган каби ютоқиб.

Узоқ кезинаман топа олмасдан. Қўлимни силтайман охир. Сўнг чайқаб, артаман этакларингга.

Ҳар кун, такрор-такрор қидираман сени, Ўзлимим.

Мен ўзимни ташлаб юбордим. Осилиб турган тўрларимдан воз кечиб.

Учиб бораяпман... Қаерга қўнишни билмайман.

Тескари аксиомага ўхшайди. Севаман, деб қанча ҳайқирсам, шунчалар севмайман. Сен эса севинасан.

Мен эса қўрқаман. Энг сўнгги илинждан айрилмоқликдан.

Ҳеч бўлмаса, ўзимни алдамай яшаёлсайдим. Сенга ёлгон сўзламадим сира. Сирларимдан дўмпайиб қолмасди қабрим.

Парчаланиб ётган ўзлимим синиқларида аксим жилваланади. Аммо яхлит Мен эмас. Аллакимлардан йиғилган ямоқ.

Жойимда депсиниб, қадам товушларимни куйга ўхшатаман.
Завқланиб, мароқ билан давом этаман. Оламни наво билан гўзаллик-
ка буркамоқчи бўламан.

Ўзлим сочилар теварагимга.

Мен қачон ўзингга қўшиламан, Ўзлим.

Оёқ-қўлларингиз билан чирмашиб вақтни тўхтатиб қўя оласизми?
Сўнги дақиқаларингизни ўтказаетган бўлишингиз мумкинли-
гини ўйланг. Буюк қудрат уйғонади. Ўзингизни беҳисоб сармоя
эгасидек тутманг. Кўзанинг таги кўриниб қолганидан кейинги та-
валлолар беҳуда!

Улар шу даражага келгандиларки, танбаллик билан таваккулни
қориштириб юборгандилар.

Инсонлар уйқудалар, ўлгач кўзлари очилади.

Ҳаётнинг шундай лаҳзалари борки, унга бутун умрингни бахш
этсанг арзийди.

Инсонга баъзида билишини билмаслиги, баъзида билмаслигини
билмаслиги панд бераркан.

Дунё шу қадар омонатки, гоҳида нима учун ёзиб ўтирганимга ту-
шунолмай қоламан.

Вақт ичкарасига ҳам чексиз, деб ёзади адибларимиздан бири.
Назаримда, олам ҳам ўзининг ичида чексиз дунёларга бўлинган.
Биргина воқеанинг ичида минглаб ҳодисалар яширин. Одамнинг
қиймати ана шу оламларни кашф қила олиш даражаси билан ўлчан-
са не ажаб.

TAZARRU FASLI

*Adabiyotshunos olim
Abdulla ULUG'OV mutolaa qiladi*

АЖДОДЛАР "ИНТЕРНЕТ"И

Минг бир кеча: араб эртаклари. 8 жилдлик. Тошкент, "O'zbekiston", 2015.

Бизнинг давримизни телевидение, уяли телефон, компьютер ва интернет-сиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларсиз ҳаёт зерикарли ва ғоятда ғариб бўлиб қолар эди. Замондошимиз эрталаб кўзини очиши билан уяли телефон экранига кўз ташлайди, нонуштадан аввал интернетга бирров бош суқади. Ана шундай паллада "Шулар бўлмаган замонларда ота-боболар ахборот эҳтиёжини қандай қондирган экан?" деган савол хаёлдан ўтади.

"Минг бир кеча" китобини ўқисангиз, аждодлар ҳам худди биз каби ахборотга ташна бўлган, шоху гадо диққинафасликдан азият чеккан, темир занги каби ич-ичдан адо қиладиган зерикиш касали ўша замонлар ҳам одамзодга осойиш бермаган экан-да, деб юборасиз. Энг муҳими, эшитиб-кўрганларингиз бебаҳо неъмат, туганмас бойлик экани, улардан сабоқ олиш зарурлиги ҳақида ўйлаб қоласиз. "Минг бир кеча"да табиатнинг сирли жумбоги бўлган инсоннинг ҳаёти силлиқ кечмаслиги, тақдир хоҳлаган



кимсани кутилмаган синовларга солиши; одамнинг кимлигию имон-эътиқоди, ирода даражасию маънавияти ўшанда маълум бўлиши бир-биридан қизиқарли қиссалар воситасида очиб берилади. Унда ҳаёт ҳодисалари орзу-тахайюл олами билан ажиб тарзда уйғунлашиб кетади. Шаҳризоданинг эртаклари аждодлар ўта зукко, айни чоқда худди биз каби керак-нокерак хабарларга ўч бўлгани, салтанат сирлари ўша замонларда ҳам барчанинг диққат марказида бўлганидан дарак беради. Қизиқ, мансаб-мартаба, бойлик, шон-шухрат аждодларни ҳам биздан кам қизиқтирмаган экан. Устига-устак, шу кунлардаги порахўру тамагир амалдорлар “Минг бир кеча”даги юлғич, шухратпараст мансабдорларга икки томчи сувдек ўхшашидан ҳайрон қоласиз. Ҳасад, бахиллик бобида ҳам эртақ қаҳрамонларидан кўп фарқ қилмаслигимиз кишини ич-ичдан уялтиради...

Араб эртаклари деб аталса-да, турли халқларнинг турмуш тажрибаси муҷассамлашган, узоқ асрлар давомида бутун инсониятники бўлиб келган бу бадиият дурдоналари “Ўтганларнинг бошидан кечирган кунлари, ҳаёти, ҳар қандай ҳодиса, воқеалари келажак авлод учун улуг тажриба ва буюк ибрат бўлди” деб бошланади. Уларда барча замон кишилари учун сабоқ бўла оладиган салмоқли ва қизиқарли воқеалар нақл этилади. Ҳикоятлар марказида кўпроқ ҳукмдорлар ҳаёти, феъл-атвори, қизиқиш-интилишлари туради. “Минг бир кеча”да султону маликаю шаҳзодалар, сарой аъёнларининг бошидан кечирганлари орқали бу дунёда ҳеч ким ўзи истагандек ўйнаб-қулиб, яйраб-яшнаб яшаёлмаслигига ишора этилади. Ҳукмдору аъёнларнинг турфа аҳволотидан ривоят сўйлаб, турмуш ташвишларидан толиққан, тақдир зарбаларидан эзилган кишиларга таскин-тасалли берилади гўё. “Минг бир кеча” айни шу хусусияти – фитнес-фасод, хиёнатдан жабр чеккан, кулфату машаққатлардан қақшаб адоий тамом бўлганларни қизиқарли саргузаштлар билан чалғитиб, уларнинг ғуссага ботган руҳи, сўнган умидига қувват бағишлагани боис авлоддан авлодга, элдан элга ўтиб келмоқда.

Эртакларни ўқирканмиз, сўз балоларни даф этиши, унинг фавқултабиий таъсири, ҳатто беҳос айтилган ёки кўнгилдан кечган гап одамнинг тақдирини белгилаб беришига амин бўламиз. Ўз ўрнида айтилган гапдан, топиб айтилган калимадан ҳукмдорларгина эмас, қаҳри қаттиқ қароқчилар, одамзод душмани – девлар ҳам мутаассир бўлишига ишонамиз.

Энди “Минг бир кеча”нинг айрим ҳикматларига қулоқ тутайлик:

“Нолойиқ сўз эшитмаслик учун сўралмаган нарса ҳақида гапирмаслик керак.

Сенга беш васиятим бор. Биринчиси шуки, бемаъни кишиларга яқинлашма. Шунда уларнинг ёмонликларидан сақланажаксан. Иккинчиси, бировларга хусумат қилма. Учунчиси, ўз айбингни бил, бировлар айбини сўзлашдан сақлан. Тўртинчиси, ичкилик ичма, у кишини ақлдан оздиради, масхаралайди, ҳар қандай фитнесга сабабчи бўлади. Бешинчиси шуки, пулни тежа, эҳтиёт қил. Ўйламасдан ўринсиз сарф қилишдан сақлан, бўлмаса, энг тубан кишиларга муҳтож бўласан.

Шоҳ қандай бўлса, замон ҳам худди шундайдир. Пайғамбар алайҳиссалом “Агар икки тоифа одам – олимлар билан амирлар тўғри бўлса, одамлар ҳам тўғри; агар улар бузуқ бўлса, одамлар ҳам бузуқ бўлади” деганлар.

Агар одамлар инсоф билан иш қилса, албатта, ўртадан талашини, душманлик кўтарилар эди. Лекин улар зўрлик билан иш кўради, нафсга берилади. Бу ҳаракатларидан талашини, тортишини бунёдга келади.

Тўқлик дилни қотиради, хушёрликни йўқотади, уйқуга элтади, кишининг ҳаракатини бўшаштиради.

Кишининг мизожи ва табиати бузилганда, унинг қулоғига насиҳат қирмайди.

Ҳар мамлакат кишисининг ўзига хос табиати бўлади. Чунки ҳар қайси мамлакатнинг об-ҳавоси ўзгачадир.

Эшитилган нарса кўз билан кўргандек эмас.

Кеча билан кундузнинг алмашиши бирор нарсани ўзгартирмай қолмас.

Таомнинг лаззати халқумдан нарига ўтмайди. Дунё лаззатларига эса ҳеч ким тўйган эмас".

Хулласи калом, "Ҳар бир тирик жоннинг ўз кўргилиги бўлади" қабилидаги бир қарашда оддий, лекин ғоят ҳаётий ҳикматлар турли тўсиқларга дуч келиб, ташвиш ичида қолган кишини тушкунликдан сақлайди. "Минг бир кеча" турмушнинг турли жиҳатларини қамраб олгани, севги-муҳаббат можаролари ҳамма воқеалар ичидан "қизил ип" бўлиб ўтгани боис аждодларимиз китоб жавонидаги жавоҳирлардан бири бўлиб келган. Ота-боболаримизнинг ўзига хос ахборот манзили, телевидениеси, интернетни бўлган ушбу муҳташам асар узунқулоқ гапларга хумори бўлиб қолган замондошларимизга ҳам эскирмайдиган янгиликларни тақдим этади. "Компьютер технологиялари замони" деб аталмиш бугунги кун кишилари учун ҳам сабоқ бўла олади.


ЭЙНШТЕЙН ЖУМБОҒИ

Борис Кузнецов. Эйнштейн. Жизнь. Смерть. Бессмертие. 5-е издание, переработанное и дополненное. Москва, "Наука", 1980.

Альберт Эйнштейн – "XX аср одами", ундан кейинги ўрин эса Маҳатма Гандига берилган. Табиийки, бундай донгдор инсонларнинг таржимаи ҳоли, ҳаёт йўли барчани бирдай қизиқтиради. Мазкур китоб ўқувчини тафаккур даҳоларидан бирининг олим сифатидаги машаққатли

изланишлари, одам сифатидаги фазилат ва ожизликлари билан таништиради. Нисбийлик назарияси каби оламшумул мураккаб кашфиёт ҳаммага тушунарли бўлавермагани каби, унинг замонида санъат ва адабиёт тургани ҳам кўпчиликка маълум эмас. Ҳа, Альберт Эйнштейн мусиқа санъатининг ашаддий мухлиси, муҳиби бўлган, скрипкада Моцарт куйларини мароқланиб чалган. Достоевский, Стендаль сингари улуғ адиблар асарларини иштиёқ билан мутолаа қилган. Физик олимнинг "Достоевский асарлари менга ҳар қандай мутафаккирнинг мулоҳазаларидан кўра кўпроқ озуқа беради" деган эътирофи илм-фандаги ихтиролар ҳам одамларнинг маънавий олами, ички дунёси, руҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканига исбот бўлади. Ишхонаси деворини шифтгача китоб жавонлари эгаллагани, деразасидан катта боғ кўриниб тургани, кириш эшигининг чап тарафидаги деворга Гандининг портрети осилгани, ётоқхонаси деворидан эса Иозеф Шарл чизган чиройли манзаралар ва Фарадей билан Максвелл портретлари ўрин олгани ҳам Эйнштейннинг чинакам маърифат кишиси бўлганидан далолат беради.

Олимнинг таржимаи ҳолига оид кичик тафсилотлар ҳам ўрнакли. Масалан, камтарона яшаган Эйнштейнлар оиласида ҳар жума куни мусофир тала-



баларни кечки овқатга таклиф қилиш анъанага айланган. Ана шундай талабалардан бири – Польшадан келган Макс Талмей ўспирин Альбертга китоблар тавсия қилиб, унинг илмга қизиқишини оширади. Мактабдаги таълимдан қаноатланмаган болакай Альберт польшалик Макс маслаҳати билан китоблар дунёсига йўл олади. Ўқитувчилари ота-она истаги билан етти йил уриниб ҳам мусиқага қизиқтиролмаган бўлғуси даҳо Моцарт сонаталари билан танишганидан кейингина мусиқа оламига маҳлиё бўлиб, скрипка чалиш сирларини ошиғич ўзлаштиради.

Тақдир Альберт Эйнштейндек буюк инсонни ҳам турли синовларга дучор қилган. У ҳам шаҳардан шаҳарга кўчиб, мусофирчилик машаққатини тортиб яшаган. Атрофдагиларнинг ҳасад-игвоси, ҳукумат маъмурларининг тазйику таъқиблари уни ҳам минг кўйга солган. Бу китоб буюк шахслар ҳам ишсиз қолиб қийналиши, ҳатто Эйнштейндек илму фан учун яратилган инсон ҳам тирикчилик йўлида хусусий пансионда репетиторлик қилишга мажбур бўлгани, оилавий ҳаёти ҳам ҳавас қиладиган тарзда кечмагани, сираси, умр ҳеч ким учун узлуксиз байрам эмаслигидан сўйлайди...

Мутолаа жараёнида “бўйининг баландлиги бир юз етмиш олти сантиметр, кенг елкаси сал олдинга эгилган, калласи катта, юзи бугдойранг, бурни бургут тушмуғи сингари нафис эгилган, қийиқ кўзлари мулойим боқадиган, овози худди виолончель садоси сингари ёқимли” олимнинг жонли қиёфасини тиниқ кўриб турасиз. Борис Кузнецовнинг ёзишича, олим шошмасдан, салмоқлаб, бир хил оҳангда гапирар, кўпинча узоқ жим қолиб, атрофида кимлар тургани, нималар кечаётганини унутиб, ўзи шуғулланаётган илмий муаммолар хусусида мушоҳада юритар экан. Ана шундай вазмин одамнинг бу хил табиатини, афсуски, унинг севиб уйланган хотини унча хуш кўрмас, ҳар кимдан рашк қилавериб, эрининг асабини эговлар эди...

Эйнштейн кўпгина буюклар каби оилага ҳурмат билан қараган. Асли, оилага муносабат кишининг инсон сифатидаги характер-хусусиятини ойна мисоли акс эттиради. Шу ўринда Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”сидаги бир ҳикоят эсга тушади. Нақл қилинишича, бир дарвеш шайх Абул Ҳасан Ҳарақонийнинг шуҳратини эшитиб, олис бир шаҳардан уни зиёрат қилмоқ учун келибди. Шайхнинг уйини топиб, эшигини ҳурмат-ихлос ила қоқибди. Шайхнинг хотини чиқиб, дарвешдан муродини сўрабди. Дарвеш мақсад-муддаосини айтибди. Шунда хотин қаҳ-қаҳ отиб кулганча: “Ҳой дарвеш! Узун соқолингга боқ. Бошқа қиладиган ишинг йўқми? Бир аҳмоқни кўриш учун шунча узоқ йўл босиб келишинг шартмиди? Бу аҳмоқ қария сенинг шунча заҳмат чекишинга арзимайди-ку!” деб эрини ёмонлай кетибди. Дарвеш шайх тўғрисида нораво гапларни тинглаб, хомуш бўлганча: “Шундай бир улуғ зот бундай бадфеъл, тили заҳар, оғзи шалоқ аёлни уйида хотин қилиб ушлаб турган бўлса...” деб ўйланиб қолибди ва изига қайтибди. Иттифоқо, ўрмон яқинида дарвешнинг қаршисидан узун эркак илонни қамчи қилиб ушлаганча, ўтин ортилган баҳайбат арслон устида келаётган чол чиқибди. У шайх Абул Ҳасан Ҳарақоний экан. Шайх ерга қараганча хомуш келаётган дарвешнинг кўнглидан ўтаётган ўй-хаёлларини илғабди-да, унга қараб: “Мен сен кўрган ўша бадфеъл хотиннинг инжиқликларига сабр қилиб, рўзгор, оила юкини кўтараётганим учун мана бу баҳайбат, ваҳший арслон ҳеч эътирозсиз мен ортган юкни ва ўзимни кўтариб келяпти”, дебди.

“Атом илмининг пири” дея улуғланган Эйнштейннинг муҳаббат тақдири ҳам силлиқ кечмаган. У 22 ёшида муҳожир серб қизи Милева Маричга кўнғил кўяди. Альбертнинг ота-онаси дастлаб бунга қарши бўлган. Аммо отаси ўлими олдидан розилик беради ва ёшлар 1903 йил 6 январда никоҳдан ўтишади. 1919 йилгача бирга яшаб, икки ўғил кўришади. Мусиқага укуви билан отасига жуда ўхшаган, хотирасининг бениҳоя кучлилиги, пианино чалиш маҳорати билан Эйнштейнни ҳам қойил қолдирган иккинчи ўғил Эдуард ногоҳ хасталаниб, улуғ олимни кўп изтиробга солади. Расман ажрашган бўлса-да, Эйнштейн Нобель мукофоти учун тақдим этилган маблағни икки ўғлининг онаси Милевага юборади. Эйнштейннинг бу каби олижаноблиги, мардлиги бисёр бўлгани боис у нафақат буюк олим, балки улуғ инсон дея тан олинган.

Биринчи никоҳи бузилгач, амакиси Рудольфнинг қизи Эльзага уйланади. Икки қизи билан эридан ажрашган Эльза ва Альберт болалигидан қадрдон бўлишган. Ўғли Эдуарднинг руҳий касаллик туфайли аянчли аҳволга тушгани Альбертни бирданига қаритганидек, тўнғич қизи Ильзанинг вафоти ҳам Эльзани дабдурустан хаста қилиб кўяди. Эльза 1936 йилда вафот этади. Йўқотишлар, дўсту қадрдонларининг бевақт ўлими олимни кўп қайғуга солади, ҳаёт маъноси ҳақида чуқур ўйга толдиради. Дунёда юз бераётган шафқатсизлик, қирғинбарот урушлардан изтиробга тушган Эйнштейн ўша кезлар “Мен мусиқа садолари остида милтиқ кўтарганча майдонда шахдам қадам ташлашдан завқланадиган кимсалардан беҳад нафратланаман. Бундай одамларга бош миянинг кераги йўқ. Уларга умуртқадаги мия ҳам кифоя. “Маданият”нинг бундай кўринишига дарҳол барҳам бериш зарур. Буйруқ остида бажариладиган қаҳрамонлик – аҳмоқлик, тентаклик; миллатчилик эса жуда хунук, жирканч ва ярамас иллатдир. Мен бундан ҳазар қиламан. Уруш – энг қабиҳ, энг разил воқелик. Бундай жирканч юмушда иштирок этгандан кўра, ўзимни бўлаклаб ташлаганим авло”, деб ёзган.

Китобни ўқиркансиз, мураккаб илмий муаммолар билан шуғулланишдан мароқланадиган, турмушнинг туганмас ташвишлари, атрофдагиларнинг майда-чуйда машмашаларига адабиёт, санъатни қалқон қилиб олган Эйнштейн шахси инсониятга мангу ўрناق бўлиб кўринади.

Хотиранавислардан бири “Кун узоғи бирга бўлиб, ундан физика, математикага тегишли бўлмаган бор-йўғи биргина – “Шу деразадан теварак-атроф жуда чиroyли кўринар экан” деган гапни эшитдим” дейдики, бундан ҳам олим ўз ишига беҳад берилгани ва айнан мана шу фазилати уни оламшумул шуҳратга буркагани аёнлашади.

Галстук боғлашу камар тақишни хуш кўрмаган, ғижим уст-бошда мажлису машваратларга бораверадиган, шу боис атрофдагиларга жуда тўпори кўринадиган олимдан “Нисбийлик назариясини бор-йўғи ўн икки киши тушунадими?” деб сўрашади. У кулиб, ҳеч қачон бундай демагани, ҳар бир физик, жумладан, унинг Берлиндаги талабалари ҳам нисбийлик назарияси мазмун-моҳиятини осонгина тушунтириб бериши мумкинлигини айтади.

Нобель мукофоти билан икки бор тақдирланган ва ҳозиргача бу борада ягона Мария Склодовская-Кюри вафот этганида, “Кимёгар олиманинг маънавий-ахлоқий қиёфаси илм-фанга радийнинг кашф этилишидан кўра кўпроқ таъсир кўрсатди” дегани Эйнштейн ҳам барча даҳолар каби илм-фан, техни-

ка муаммоларидан кўра инсоният маънавий ҳаёти тўғрисида кўпроқ бош қотиргани, унинг оламшумул кашфиётлари аввало шу омил билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

ҲАМ ХИТОБ, ҲАМ ИТОБ


Абу Ҳомид Ғ а з з о л и й. Ихёу улумиддин: Дунёни англаш китоби. Тошкент, “Шарқ”, 2015; Тавба китоби. Тошкент, Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.

Ўқувчи ушбу китобнинг икки-уч саҳифасини ўқибок, Абу Ҳомид Ғаззолий “инсониятнинг ориф ва донишманд пешво”ларидан бири бўлганини тан олади. Мутолаа асносида шу чоққача ғафлатда қолиб келгани, ҳаёт ҳақида, ўзининг кимлиги тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрмаганини англаб, хижолат чекади. Олий ўқув юртини кўша-кўша дипломи соҳибига айланган, бир неча тилда бемалол мулоқот қилса-да, шу пайтгача ўқиб-ўрганганлари денгиздан бир томчи экани; ҳаёт ҳақида, ўзининг ҳоли-аҳволи тўғрисида унчалик кўп нарса билмаслиги; билими жуда саёз эканини сезиб қолади. Ўтган умри давомида дуч келган муаммолари, уни толиқтирган ташвиш, тўсиқлар аслида дунёнинг нималиги, ўзининг кимлигини билмаслиги туфайли вужудга келганини ҳис қилиб, изтиробга тушади. Чунки Абу Ҳомид Ғаззолий: “... душман бўлишига қарамай, дунё нега яратилгани ва ундан ҳикмат ва мақсадни, қай нарса ғурур ва ёмонликка олиб боришини ҳам билиш керак. Шундай экан, ким дунё нималигини билмаса, унинг ёмонлигидан сақланолмайди”, дейди. Аллома бу каби мулоҳазаларини Қуръони карим оятлари, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари, саҳобалар, тобеинлар, авлиёлар, донишмандларнинг фикри орқали асослайди. Шу боис унинг дунёни маломат қилиши, кишиларнинг феъл-атвори, истак-хоҳишлари, ўзаро муносабатлари хусусидаги мулоҳазалари юракка бориб етади.

“Бир киши Али карамуллоҳу ваҳҳаҳуға “Эй амирал мўминин, бизга дунёни тавсифлаб беринг” деди. Али розияллоҳи анҳу: “Соғлар касал бўладиган ва суянган киши афсусланадиган, муҳтож киши хафа бўладиган ва бой-бадавлат киши синаладиган дунё нималигини айтиб ўтирмайман. Ҳалолига ҳисоб бор, ҳаромига азоб бор, шубҳалисига итоб – таъна бор” деб жавоб қайтарди.

Бу барчамиз умргузаронлик қилаётган дунёга берилган энг мукаммал таърифлардан биридир. Улуғ имомнинг ёзганлари айрим дин уламоларининг ваъзу маърузаларидан фарқли ҳолда, яланғоч даъват, ҳиссиз панд-насиҳат эмаслиги, чуқур мантиққа асосланиши, илоҳий илҳом самараси экани боис кўнгилни фавқулодда ёритиб юборади. Гоҳида эса башоратомуз ҳақиқати билан ларзага солади.

“Ҳасан дейди: “Расулulloҳ бир куни саҳобалар ҳузуринида “... огоҳ бўлингки, сизлардан кейин бир қавм келиб, улар мол-дунёга фақат қатл ва зўравонлик, бойликка фақат фахр ва бахиллик, муҳаббатга фақат ҳою ҳавасларга эргашиш орқали эришади. Огоҳ бўлингки, сизлардан ким ўша замонга етиб борса, бойликка қодир бўлатуриб, фақирликка сабр қилсин; муҳаббатга лойиқ бўлса ҳам хорликка сабр қилсин. Бунда фақат Оллоҳ розилигини хоҳласа, Оллоҳ унга эллик нафар сиддиқнинг ажр савобини ато этади”, дедилар”.



Буюк мутафаккир асарлари азалдан Шарқ ва Ғарбда эътибор қозонган, айна чоқда ҳали-ҳануз турли мунозараю муҳокамалар манбаи бўлиб келаётир.

“Тавба китоби”да одам ниятига эришиш учун атайлаб ва ўзи англамаган ҳолда кўп хато қилиб қўйиши; кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳамиша мураккаб кечиши, одам кўпинча ўз истак-хоҳишлари ва кўпчилик манфаати тўқнаш келадиган чорраҳада довдираб қолиши ва натижада янглишиши, гуноҳга ботишига эътибор қаратилади. Бир неча ўринда одамзод бирор гуноҳ қилиб қўйса, бунинг ажабланадиган жойи йўқлиги таъкидланади ва “гуноҳларнинг зарарини билиш, англаб етиш илмдир” деб уқтирилади. Бундан одамнинг ўз хатти-ҳаракатлари хусусида ўйлаб кўриши, амалларини таҳлил қилиб, хулоса чиқариши жўн нарса эмас, балки илм экани; кишилар аслида ана шу илми туфайли дунё нималигини билиши, ўзининг кимлигини англаши аёнлашади. Аниқки, ҳаётнинг мураккаблиги, ўзининг ожизлигини оз-моз бўлса-да хис қилиб, тушунган киши, йўл қўйган хатолари, қилган гуноҳларини пайқайди. Бу ўша одамнинг ақли бутунлиги, илмли эканини англатади. Лекин камчилик ва нуқсонларни очикча эътироф этишга кўпчиликнинг ғурури йўл қўймайди. Шу боис аксар одамлар гуноҳига осонликча иқрор бўлмайди. Айримлар “гуноҳимни тан олсам, бошқалар олдида беобрў бўлиб қоламан” деб кўрқади. Бу эса имон заифлиги, кибр белгисидир.

Ҳаётнинг жумбоқлиги шундаки, йиллар ўтгани сайин одамнинг гуноҳлари кўпайиб, тавба-тазарруси ҳам ортиб боради. Ўспиринлардан кўра катталарнинг жиноятга кўпроқ қўл уриши бунга аниқ далил. Қизиғи шундаки, улар гуноҳга ботгани сари янада чуқурга тушиб кетаверади. Халқнинг ризқига чангал уриб, давлат маблағини ўмарган, порахўрлик, тамагирлик қилган амалдорларни ким ақлсиз, аҳмоқ деб айта олади? Кўпнинг нафратига дучор бўлиб, қарғишга қолган мансабдорлар қилмишига пушаймон бўлиб, ич-ичдан тавба-тазарру қилмаслиги мумкинми?

Одам хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин – барча хатти-ҳаракатини ақлига таяниб амалга оширади. Жумладан, ақли тўлишиб боргани сари кишиларнинг тавба-тазарруси ҳам кучайиб боради. Чунки одам дунёнинг нималигини, ҳаётнинг моҳиятини, ўзининг кимлигини англагани сари ақли қувватланади. Ғаззолий бу ҳодисани “Ақлнинг дастлабки аломатлари етти ёшдан сўнг кўринади. Балогат ёшида ақлнинг асоси тугал бўлади. Қирқ ёшларга борганида ақл тўлишиб, комиллик даражасига етади”, деб изоҳлайди.

Эътибор қилинса, аксар кексалар майин, муллойим. Бу хокисор қарияларнинг ўт-олов ёшлигидан хабардор кишилар бир пайтлар улар ҳам унча-мунчани писанд қилмас, димоғдор бўлганини айтади. Бу ҳалимлик, аввало, вақтнинг вужуддан куч-қувватни аста-секин сўриб олиши, ғайрат-шижоатнинг сўниб бориши билан боғлиқ. Иккинчидан, ҳаётнинг кутилмаган зарбалари одамга ожиз мавжудот эканини уқтириб боради. Учунчидан, кўриб-кечирганлари, орттирган тажрибаси ақлни чархлайди. Бу каби яна кўп омиллар жамланиб, кишини тавба-тазарру қилиш, босиқ, кечиримли ва хокисор бўлишга олиб келади. Ғаззолий ёзадики, “Инсон нуқсонга қараб эмас, балки унинг миқдорига кўра фарқланади. Инсон нуқсонсиз бўлмайди. Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам айтган эканлар: “Ҳатто менинг қалбимга ҳам шаҳват соя солади, бир кеча-кундузда Оллоҳга етмиш марта истиғфор айтаман”.



ҚАЛБ – КУРАШ МАЙДОНИ

Фёдор Достоевский. Маъсума. Сайланма. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

Фёдор Достоевскийнинг роман, қисса, ҳикоялари каби салмоқдор асарлар борлиги учун ҳам адабиёт “инсоншунослик илми” деб аталади. Шарқу Ғарбнинг энг машҳур адиблари Достоевскийни устоз санаши-да бежиз эмас. “Ака-ука Карамазовлар”, “Жинойат ва жазо”, “Телба” романлари таниқли олимлар, сиёсатчилар, тиббиёт ходимлари, юристлар, ўз соҳасининг билимдони бўлган кўпгина мутахассисларнинг сеvimли асаридир. Буюк адиб инсон руҳиятининг энг теран қатламларига кириб боради; ҳаёт мураккаблиги, кишилараро муносабатлар зиддияти, қалбда кечадиган драматик туғёнларни бениҳоя ростгўйлик билан чизиб беради. У “инсон қалби – ҳаётнинг кураш майдони” эканини айтиб, у билан ҳазиллашмаслик, одамга – кимлигидан қатъи назар – беписанд қарамасликка чақиради. Унингча, уст-боши кир-чир пиёниста ҳам худди вазир, муаллим, руҳоний сингари инсон. Ҳар бир одам меҳр ва эътиборга муҳтож, табиатан иззатталаб мавжудот эканини Фёдор Достоевскийчалик ёрқин очиб берган адиблар кам. Муаллифга кўра, ўзини ўзгалардан паст тутмаслик, ён бериш ва бўйсунитишни истамаслик, хурликка интилиш, ўз устунлигини билдириб қўйишга уриниш – ҳар қандай одам табиатининг ажралмас бўлагидир.

Қизиги, Достоевский қаҳрамонларидан бирортасини ёмон кўриб қолмайсиз. “Жинойат ва жазо”даги қотил Раскольниковдан ҳам, “Қиморбоз”даги такаббур генерал ва унинг атрофидаги димоғдор киборлардан ҳам ўқувчи нафратланмайди. Аксинча, уларга аллақандай меҳр ва ачиниш билан қарайди. Достоевский барчага таниш кечинма, ҳиссиётларни шундай тасвирлайдики, ўзинг ҳам худди шундай ҳолатларга тушганинг, ўшанда қалбингдан айнан шу хил ўй-кечинмалар ўтганига иқрор бўлмай илож йўқ. “Қиморбоз”, “Ойдин тунлар” “Маъсума”, “Ака-ука Карамазовлар” муаллифи ўқувчиларига нафақат бошқаларни, балки ўзини ҳам танитади. У улуг санъаткор ўлароқ ижтимоий турмушдаги барча норасолик, зиддиятлар манбаи одам табиатига ўрнашган ёвузлик эканидан изтиробга тушади. “Табиатан мустабид инсон бошқаларни қийноққа солишни яхши кўради”, дея фарёд чекади адиб.

Инсоннинг сурат ва сийрати ўртасидаги робитани кўрсатишда Фёдор Достоевскийга тенглашмоқ душвор. Улуг адибнинг инсон руҳиятига чуқур кириб борилган асарлари, безовта ва бесаранжом қаҳрамонлари, уларнинг зиддиятли ўй-кечинмалари ўқувчини ҳаёт ҳақида астойдил ўйлашга, виждон амри ила яшашга ундайди.





Yakto qutblar

Шарқда тарихан ислом, ҳиндуизм, буддавийлик конфуцийлик, зардуштийлик, монийлик кенг ёйилган. Уларда “инсон ва олам мақоми тенг ҳамда улар бирбутундир” деган қараш устувор. Инсон, жамият, табиат ва коинот яхлитлигига наинки эҳтиром ила қараш, балки уни илоҳийлаштириш ҳам Шарққа хос бўлиб, машриқзаминдан ибтидо олган бундай нуқтаи назар жаҳон фалсафий тафаккурига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилди. Аини ёндашув Гибралтардан то Ҳавайи ороллариғача бўлган бепоён худуд халқлари орасида ёйилди (*Избери жизнь. Диалог Арнольда Тойнби и Дайсаку Икеды. Москва, 2008. Стр. 360-363*).

Борлиқни идрок этишнинг ғарбона тамойилини сира камситмаган ҳолда, шуни тан олмоқ жоизки, XXI асрга келиб чуқур руҳий-маънавий парокандаликка юз тутган башариятга Шарқ тафаккурида шаклланган қарашлар кўпроқ асқатмоқда. Унсурлар, жузлар ўз салоҳиятини фақат яхлитлик доирасида ва унга тобе ҳолда намоён этиши Машриқ фалсафасида бот-бот зикр этилган. Яъни Ғарб социомаданий оламида унсурлар, Шарқ халқлари дунёқарашида яхлитлик етакчи мавқега эга. Уни-сида “инсон бу – инсон, олам бу – олам” дея қатъий ажратилса, бунисида, дейлик, ҳиндуизм таълимотида “инсон бу – олам, олам бу – инсон” деган қараш устувор. Ёхуд конфуцийликда “инсоннинг оламга, оламнинг эса инсонга йўғрилиши” ғояси машҳур. Булар Шарқ одами онгида борлиқнинг барча жабҳаси вобаста эканини аңлатади.

Сир эмас, Ер юзидаги барча жамият ва инсонлар ижтимоий ҳодиса сифатида кўплаб параметрларга кўра (ирқий, миллий, этник, иқтисодий, сиёсий, ҳиссий, интеллектуал, урф-одат, анъаналар) бир-биридан фарқланади. Моҳиятан қисмати муштарак одамзоднинг турли-туманлиги ижтимоийликнинг кўламдор шакли бўлган тарихий-маданий маконларда яққол кўзга ташланади. Уларга нисбат қилиниб илмий адабиётда “цивилизация”, “цивилизация макони” каби тушунчалар қабул қилинган. Демакки, ҳар бир цивилизациянинг моҳияти, қиёфасини, одатда, умумийликдан кўра устувор даражада ўзига хос айримликлар – миф,

рамз, муштарак тарихий хотира ва диний тасаввур сингари архетиплар белгилайди. Шарқ олами ва кўплаб ўзаро яқин цивилизациялардан таркиб топган гиперцивилизация деб атаса бўлади. Шарқнинг ўзига хослиги унинг социум ва маданиятга йўғрилгани, умумлаштирилган анъана, қадрият ва меъёрлар билан қоришиб кетганида намоён бўлади (*Касавина Н. Экзистенциальный опыт как феномен культуры // Вопросы философии, 2014, № 10. Стр. 47-48*).

Шарқ кишиси онгида воқеликни сон-саноксиз заррачаларга ажратиб, хаос шаклида идрок этишдан кўра, космос гармонияси устунлик қилади. Шарқликлар учун идрок соф рационализмга қараганда беқиёс кучга эга. Унга кўра, борлиқ фақат сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этувчи нарса ва ҳодисалардан иборат бўлмай, балки тафаккурда зоҳир худудсизликни ҳам қамраб олади. Демак, Шарқ кишининг хатти-ҳаракати, удумлари, сиёсий ва гуманитар жараёнлардаги фаолиятига ҳам ушбу жиҳатнинг таъсири бор.

Шарқликнинг тафаккур қамрови ва услуги асло бошқаларга зид бўлмай, балки ўзгача социомаданий ноёбликни ифодалайди. Минг йиллар мобайнида унинг асосини олий хилқат саналмиш инсоннинг ички олами, борлиқнинг туб замиридан кўпроқ маънавий-ахлоқий ибтидо излаш, ўзини, ўзлигини ҳаётга муттасил мослаштириш, табиий маромга путур етказмасликка ҳаракат қилиш ва ниҳоят, хаосдан космосни афзал билиш қабили баргиллаб келган. Зотан, бугун ҳам жаҳон ҳамжамиятида айнан шу жиҳатга эҳтиёж кучаймоқда.

Қанча жамият (социум) бўлса, ўзаро фарқлар ҳам шунча деган фикр Шарққа ҳам тегишли. Қолаверса, унинг алоҳида маданий макон эканини ҳисобга олсак, кўп нарса ойдинлашади. Уларни жипслаштириб турган табиий-географик омиллар, ички ва ташқи муҳит, ҳаёт ва фаолият дастурлари, архетиплари, рамзлари Иоҳанн Фихте таъбири билан айтганда, “давр ва реалликни умумлаштириш услублари” ҳам Шарқда бир хил эмас. Аммо Шарқ тамаддунининг барча унсурларига бирдек хос ўқ томирлар мавжудлиги фанда аллақачон исбот-

ланган. Жумладан, уларнинг барчасига оламдаги нарса-ҳодисаларни илоҳийлаштириш; олам унсурларини бир-биридан кескин ажратмай уларни яхлит идрок этиш, руҳий толерантлик, индивидни Мутлоқ Ҳақиқат билан уйғунликда тасаввур қилишни акс этирувчи “ҳаётнинг сирли ғилдираги” (К.Г.Юнг) хосдир. Дунёни яхлит образли тасаввур этиш, уни асраб-авайлашга даъват ҳам Шарққа оид (*Ян Вильям Сиверц ван Рейзема. Философия планетаризма. Москва, 2005. Стр. 47*).

Шарқда яхлитлик тушунчаси диний таълимотлар билан уйғунлашган. Аммо диний, дунёвий ҳамда илмий қарашлар бир-бирини тўлдиришини англамаганлар орасида Машриқда илмий дунёқараш ўта заиф, деган янглиш қараш ҳам шаклланган.

Шарқ диалектикаси барча унсурларнинг ўзаро яхлитлигини сақлаб турувчи умумий энергия, яъни бутун дунё тортилиши мавжуд, деган қарашга бориб тақалади. Бу қараш минг йиллар мобайнида улкан цивилизацияни жипслаштирибгина қолмасдан, ҳатто “ношарқий” халқлар дунёқарашини соғломлаштиришга ҳам хизмат қилган (*Люций Анней Сенека. Нравственные письма к Люцилию. Предисловие. Москва, 2012. Стр. 18*).

Башариятни ҳайратга солган ғоя Мисрда – “Мутлоқлик”, Хитойда – “Буюк муддао”, Ҳиндис-

тонда – “Дхарма”, Марказий Осиёда – “Улуғ бахт” каби пурмаъно тушунчаларда ўз аксини топиб, даврлар ўтгач, умумсайёравий интеллектуал ҳаракатга айланди.

Бугунги кунда Хитой, Ҳиндистон, Япония сингари давлатлар амалиётида яққол кўзга ташланаётган олам яхлитлиги ғояси макон ва замонга қараб турли шакл ва мазмун касб қилганини янада аниқлаштириш учун кўҳна ҳинд фалсафасига мурожаат қилиш жоиз. Ушбу интеллектуал интилиш милoddан аввалги I аср ўрталарига келиб чуқур илдиз отган “Чарвака ва Лакаята” фалсафий оқимага мансуб “Оламдаги барча воқеа-ҳодисалар ўз ички табиатининг қудрати орқали содир бўлади” (*Энциклопедия афоризмов. Античность, древняя Индия, древний Китай, Библия. Минск. Стр. 695*) деган фундаментал хулосада жамулжам бўлганки, унинг таъсири XXI аср постклассик фалсафасида ҳам яққол акс этади.

Таъкидлаш ўринлики, Шарқ тафаккури бошқа цивилизациялар мерос ва тажрибасини инкор этмай, аксинча асрлар мобайнида Ғарб халқлари маданияти билан мулоқот ўрнатишга ҳаракат қилган.

Жамшид ЖЎРАЕВ,
сийсий фанлар бўйича
фалсафа доктори

O'nglar kim? So'llar-chi?

XXI асрда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайгандан кучайди. Қонли урушлар, ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжага олишлар ўрнига мафкуравий воситалар ва маънавий қурооллар тобора кўпроқ ишга солинмоқда. Худуд ва халқларни қарам қилиш учун энди кўриш ва сезиш қийин бўлган усул ва воситалар, хусусан, маънавий бузғунчилик усулларидан фойдаланилмоқда.

Тўғри, XXI аср – маънавият ва маърифат асри. Усиз тараққиётни тасаввур этиб бўлмайтиди. Маънавиятнинг мазмун ва моҳиятини асосан ҳалоллик, инсонпарварлик, адолат, садоқат, халқпарварлик тушунчалари ташкил этади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилди, бироқ бугун халқимиз, жумладан, ёшларни турли таҳдидлардан асраш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Бугун маънавий таҳдид тушунчасини нафақат маънавиятга қарши қаратилган ғоявий ва ахборий хуружлар мажмуаси сифатида талқин этиш, балки уни давлат тузуми, шахс эркинлиги, сиёсий жараёнларда амалга оширилаётган ислохотларга зид эканини тушуниб этиш, унга қарши иммунитет шакллантириш зарур.

Маънавий таҳдидларнинг асосий турларига оммавий маданият, бузғунчи ғоялар, ахборот урушини киритамиз. Замонавий бузғунчи ғоялар сифатида миллатчилик, неофашизм, диний экстремизм, эгоцентризм кабиларни қайд этиш жоиз. Миллатчилик, шубҳасиз, салбий тушунча. У бир миллатни бошқасидан устун қўйиш, бошқа миллатга нисбатан ҳурматсизлик каби ҳаракатларда кўринади. Собиқ Иттифоқнинг барча эл-элатларни ягона совет халқига айлантириш сиёсати айнан ўзига хос кўринишдаги миллатчилик эди.

Миллатчилик бугунги кунда дунё фуқароси, дунё давлати, неофашизм ғояларининг тарғиботи орқали амалга оширилмоқда. Шу боисдан Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилган бўлиб, икки фуқароликка йўл қўйилмайди. Ўзбекистон – бир кутбли эмас, кўп кутбли дунё тарафдори. Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири ҳисобланади. Бугун дунёда олти мингдан зиёд миллат ва элат яшайди. Уларни миллатчилик эмас, аксинча, миллатлараро тотувлик бирлаштиради.

Айни чоқда, неофашизм, неонацизм сингари таҳдидлар мавжудки, улар дунё ҳамжамиятини

тубанликка тортмоқда. Жумладан, неофашизм миллатчиликнинг юқори шакли сифатида айрим минтақа ва ҳудудларда учраб турибди. “Фашизм доктринасининг ядросини ташкил этувчи социал мифология ва маданий-фалсафий концепция асосида қурилган этномаданий жараёнлар, мафкуравий доктриналар ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган” (*Актуальные проблемы современного социогуманитарного знания / Кирвель Ч.С. и др. Гродно, ГРГУ, 2015. Стр. 297*).

Неофашизм атама сифатида Иккинчи жаҳон урушидан сўнг вужудга келиб, ўнг радикал ташкилот ва ҳаракат мафкураси ҳисобланади. У ўтган асрнинг 20-40-йилларида фаолият юритган фашистик ташкилот мафкурасининг ғоявий-сиёсий меросхўридир. Масалан, Италияда илк неофашистик ўнг радикал “Итальян социал ҳаракати” (итальянчаси – “Movimento sociale italiano”) партияси 1946 йили ташкил топган. Партиянинг мақсади фашистик тартиботни қайта тиклашдан иборат. У аввалги тарафдорларини ҳам ўз сафига олган.

Неофашистлар ўз фаолиятида террор усулини қурол қилиши, сиёсий экстремизмга мойиллиги билан ажралиб туради. Улар сиёсий кураш шароитида ўзини миллий маданият ва дин ҳимоячилари, деб эълон қилиб, шу йўл билан ирқчилик ва ксенофобияни тарғиб қилади. Шуни таъкидлаш керакки, фашизм каби неофашизм ва неонацизм ҳам ўтиш давридаги муайян бир давлатда машҳур бўлади. Чунки халқ мавжуд тартибот билан келишмайди ва унинг алмашинувини талаб қилади, шу билан бирга, вазиятни тўлақонли идрок қилиш борасида заиф бўлиб қолади.

Кўпчилик неофашистик ташкилотлар ўнг национализм, шовинизм, ирқчилик, ҳукуматнинг ўта ўнг позициясини танқид қилиш, сиёсий курашнинг зўравонлик ва террористик методларидан фойдаланишга интилади. Чунончи, бундай хусусиятларни “Австрия озодлик партияси” (олмончаси – “Freiheitliche Partei Österreichs”) мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бу партиянинг мафкураси олмон национализи, национал-консерватизм, национал-либерализм, евроскептицизм ҳисобланади. Бу мафкуралар айни партия олиб бораётган фаолиятда яққол кўринади. Жумладан, партияга Йорг Хайдер раҳбарлик қилган даврда (1986-2005 йиллар) аксилмиграция сиёсати ва исломophobia биринчи ўринга кўтарилган. Партиянинг сайловолди дастурларида “Иммигрант – жиноятчи” деган ғоя шiori сифатида белгиланган. Й.Хайдер ислом дини ҳақида “Ислонинг иктимойи тузилиши – бизнинг Фарб қадриятлари зид. Инсон ҳуқуқлари, аёллар тенглиги ва демократия мусулмон диний доктриналарига тўғри келмайди”, деган фикрни билдиради (*Австрийская партия свободы. <https://ru.wikipedia.org>*).

Неофашизм инсонпарварлик душмани ҳисобланиб, ўз фаолияти давомида кўпинча фашистик рамзлар ва тартиб-таомиллардан фойдаланади. Неофашистлар асосан кичик бизнес вакиллари, ўрта мансабдор шахслар ва айрим ёшларни ўз электорати деб ҳисоблайди. Уларнинг фаолиятида юзага келаётган қарама-қаршилик, қийинчилик ва зиддиятлардан усталик билан фойдаланади. Масалан, Германия Республика партияси фикрича, мигрантларнинг фаровонлиги олмон халқи учун қимматга тушаётир.

Неофашизм мафкурасига хос хусусиятлар фашистик партиялар ва ҳаракатларнинг дастур ва низомларида ўз аксини топаётир. Улар давлат ҳокимиятига келгач, фашистик диктатурани йўлга қўймоқчи. Сиёсатшунос Владимир Штоль ўз тадқиқотларида фашистик давлатнинг тоталитаризм, корпоративизм, миллатчилик, традиционализм, реваншизм, антилиберализм, элитаризм, этатизм ва бошқа хусусиятлари мавжудлиги ҳақида тўхталиб ўтади (*Штоль В. Идеологические корни и практика фашизма / Научно-аналитический журнал “Обозреватель” (Observer). 2010. №9. Стр. 44-65*).

Демак, мазкур мулоҳазаларга таяниб, фашизм – бир қанча ёт ғояларни ўзида жамлаган бузғунчи мафкура, деган хулосага келамиз.

Шуни таъкидлаш зарурки, охириги йилларда неофашистик партия ва ҳаракатларнинг мавқеи кўтарилиб бормоқда. Айниқса, бу сиёсий ҳодиса Европа мамлакатларида яққол кўзга ташланади. Хусусан, “Энг яхши Венгрия” националистик партияси 2010 йили Венгрия парламенти сайловиде электоратнинг 17 фоиз, 2014 йили эса 20,6 фоиз овозини тўплашга эришган. “Швед демократлари” национал демократик партияси мамлакат парламенти сайловларида қаторасига икки мартаба учинчи ўринни эгаллаган. Яъни 2014 йили Риксдагга бўлган сайловда 49 депутатлик (12,9 фоиз), 2018 йилдаги сайловда эса 62 депутатлик (17,5 фоиз) ўрнини банд этди.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бунга асосий сабаб – Европа мамлакатларига Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларидан кириб келаётган мигрантларнинг сони кўпаяётгани. Бундай шароитда аҳоли ўртасида миллатчилик руҳидаги партиялар машҳурликка эришмоқда.

Ушбу таҳдидлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузишга қаратилган тажовузкорликнинг мафкуравий шаклда намоён бўлишидан бошқа нарса эмас. Уларга қарши кураш жараёнида шахснинг сиёсий маданиятлилиқ даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Сироҷжон БЕРДИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори

Qalam qilichdan qudratli

Сўнги ўн йилда терроризм офати жаҳон иқтисодийётига 583 триллион АҚШ доллари миқдоридан зарар етказди. Кейинги ўн беш йилда террорчилик ҳаракатлари натижасида 91 минг бегуноҳ инсон ҳалок бўлди. Бугун дунёда бу хунрезликдан холи бирорта мамлакат йўқ ҳисоб. 2019 йил 15 март куни Ер юзидаги энг тинч ва фаровон мамлакатлардан бири бўлмиш Янги Зеландиянинг Крайтсчерч шаҳридаги икки масжидда бир неча дақиқа ичида 50 нафар бегуноҳ кишининг намоийшкорона отиб ташланиши ва бу ваҳшийликнинг интернет орқали сурбетларча тўғридан-тўғри кўрсатилгани муаммонинг қанчалар чуқурлашиб кетганидан дарак беради. Энг ёмони, одамлар хунрезликларга ўрганиб қолди. Ҳар сафар бутун дунё ОАВ бир-икки кун айюҳаннос солади, ҳафта ё ўн кун ўтиб эса мудҳиш жиноят ҳам эсдан чиқади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнь куни "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида, жумладан, мана бу аччиқ ҳақиқатларни айтган эди: "Ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси, айниқса, фаол бўлишлари лозим.

Афсуски, биз бу масалаларда ухлаб ўтирибмиз. Гапнинг очиги шу: ухлаб ўтирибмиз. Душман эса ўз ишини қиляпти. Баъзи ўринларда ҳатто мақсадига ҳам эришяпти".

Келажакка, тараққиётга жиддий хавф солаётган диний экстремизм, фундаментализм, фанатизм, миссионерлик ва прозелитизм сингари тобора кучайиб бораётган таҳдидларга муносиб жавоб қайтариш, уларнинг пайини қирқиб, жамият қатламларига одамзод онги ва қалбини ишончли ҳимоя қилишнинг энг муҳим омил бўлмиш диний маърифатни кенг ёйиш – зиёлиларимиз олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Улуғ маърифатпарвар, прагматик сиёсатчи Исмоилбек Гаспринский "Маданияти исломия" рисоласида (1892) бундай ёзган эди: "Бешиқдан мазоргача илм талабиди бўлинглар", "Илм Чинда бўлса ҳам бориб эгалланг", "Эрга ҳам, хотинга ҳам илм фарздир", "Қалам иши қилич ишидан афзал", "Дунёда тadbир ва саноат билан яшанг", "Ибодатдан сўнги қисматингизни қидиринг", "Танбаллик, илмсизлик макруҳдир" ва бошқа бу каби ислом

амрларига қатъий риояда келган мусулмонлар илм-маърифатга, саноат ва тижоратга жон-жаҳдлари билан ёпишиб, шундай бир маданиятга эришган эдиларки, Юнон ва Оврупо маданияти ҳар томонлама зулматга чўккан замонларда ислом мамлакатлари маданият нурлари билан ёришиб, Оврупо маданиятининг онаси мақомига кўтарилди" (И.Гаспринский. *Ҳаёт ва мамот масаласи. Тошкент, "Маънавият", 2006. 70-бет).*

Афсуски, бошқа динларда бўлгани сингари, ислом динига эътиқод қилувчилар орасида ҳам эътиқодни ўз манфаати, дунёвий мақсад ва мўлжалларидан келиб чиқиб бирёқлама талқин этган, айни қилмиши билан ёлғиз ўзи ва яқинларининггина эмас, жуда кўплаб кишиларнинг йўлдан озишига сабабчи кимсалар бўлган ва ҳамон бор. Уларнинг кирдикорлари тўғрисида бир замонлар дунё аҳлига фақат имон илмидангина эмас, балки аниқ ва табиий фанлардан ҳам устозлик қилган мусулмон Шарқи бир неча асрлар чўзилган жаҳолат, ўз ёнига ўзи қоврилиш, дунё тамаддунидан орта қолишдек аламли паллаларни бошдан кечирди. Бу қоқоқликни бартараф этиш, хусусан, мамлакатимиздаги маърифий юксалишни бардавом этмоқ учун, бизнингча, кўп иш қилиш лозим. Аввало, барча босқичдаги таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлар – адабиёт, тарих, миллий ғоя, оила психологияси, нафосатшунослик (эстетика) ва ахлоқшунослик (этика) сингари дарсларни реал ҳаёт, дунёдаги ҳодисалар билан чамбарчас боғлаб ўтиш зарур. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчилари малака ошириш курсларидаги машғулотлар сифати ҳамда уларнинг битирув имтиҳонига бўлган талабни кескин кучайтириш, ижтимоий-гуманитар факультетларга қабул қилишда фақат тест эмас, балки ижодий имтиҳон шакллари билан ҳам фойдаланиш лозим.

Шарқ таълим тизимида, айниқса, ўғил болалар тарбиясида қадимдан эркак ўқитувчининг ўрни, мавқеи, таъсири беқиёс бўлган. Афсуски, кейинги йилларда уларнинг сони кескин камайиб кетди. Барча оғирлик аёл муаллималар зиммасида қолмоқда. Вазиятни ўзгартириш учун педагогика ОТМларини битирган йигитларнинг ўз соҳаси бўйича ишлашига эришмоқ, бунинг қонуний чораларини белгиламоқ лозим. Филология, фалсафа, тарих сингари факультетларнинг "қизлар факультети"гина бўлиб қолишига чек қўйиш, ўғил болаларни мазкур соҳалар бўйича ўқишга қизиқтириш йўллари излаш зарур. Таълим муассасаларидаги синф ва курс мураббийлигини иложи борича

эркак педагоглар қўлига топшириш ва улардан тарбия самарадорлигини қатъий талаб қилиш мақсада мувофиқ.

Ички ишлар вазирлиги ходими – маҳалла побони, вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори вазифаларига одамлар, жумладан, ёшлар билан тил топиша оладиган, табиатида кўрслик, манманлик, беписандлик сингари кишини ўзидан бездирадиган нуқсонлари бўлмаган, ҳалол ва фидойи ходимларни танлаб қўйиш ҳам ниҳоятда муҳим. Бунинг учун Ички ишлар вазирлиги академияси ёхуд Тошкент давлат Юридик университетига махсус факультет жорий этиш, унга бўладиган қабул имтиҳонларини тажрибали психолог ва педагог мутахассислар иштирокида ўтказиш зарур.

Ўқувчи-талабалар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларга кўпроқ икки тоифа оила фарзандлари томонидан йўл қўйилаётгани кузатилмоқда. Биринчиси – юқори лавозимларда ишлайдиган ёки ўта бой-бадавлат ҳаёт кечирадиган, иккинчиси – нисбатан камбағал, моддий қийналган оила фарзандлари. Бундай оилалар эътиборини фарзанди тақдирига, тарбиясига қаратиш учун мактаб, ли-

цей ва коллежлардаги “муаммоли болалар” отоналарининг мажбурий иштирокини таъминлаб, ҳуқуқ идоралари масъул ходимларининг биргаликдаги учрашув-суҳбатларини камида ҳар чоракда бир мартадан ўтказиш зарур. Бундай юзма-юз суҳбатларда ота-оналар ўзининг ким экани, қандай лавозимда хизмат қилиши, ишининг кўп ёки озлигидан қатъи назар, гап фарзанд тарбияси, фуқаронинг конституциявий бурчи, мамлакат ва миллат хавфсизлиги устида бораётгани тўғрисида жиддий огоҳлантирилиши, уларнинг фарзанди доимий назоратда экани уқтирилиши лозим. “Муаммоли болалар” рўйхатини тўғри ва тўлиқ тузиш таълим муассасаси раҳбари зиммасига юкланиши, бу рўйхат учун у “қўли узун” ота-оналар таъқибига учрамаслиги, уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳимоя қилиши шарт. Суҳбатлар ўртасидаги муҳлатда бола хулқ-атворида юз берган ўзгаришлар муҳокама қилиниши, шунга кўра тегишли чоралар кўрилиши даркор.

Дилнавоз ТОЖИБОЕВА,

*Тошкент давлат Юридик университети
катта ўқитувчиси*

Zamon – o‘qiganniki

Ўзбекистон – том маънода ёшлар мамлаката. Республикада 18 ёшгача бўлганлар аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар салкам 64 фоизини ташкил этади. Ёшлар миллий қадриятларни келгуси авлодларга етказувчи, ворисийлик анъанасини давом эттирувчи қатлам сифатида халқнинг бой моддий-маънавий меросини, қадриятларини асраб-авайлашда муҳим ўринга эга.

Сўнги йилларда жиноят содир этиб адашиб қолган ёшларни тўғри йўлга қайтариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. 2017 йилнинг ўзида давлат раҳбари ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғини кафиллиги асосида 152 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида 18 нафар, Хотин-қизлар кўмитаси кафиллиги асосида 3 нафар – жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик фикри эътиборга олинган. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Бундай багрикенглик натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидаёқ қамоқдан, 11 нафар шахс эса жавобгарликдан озод қилинган, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланган (“Халқ сўзи”, 2017 йил 6 декабрь).

Афсуски, баъзи худудларда жиноий кўрсаткичлар сони ошган. Ёшларда ҳуқуқий билим етишмаслиги, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қайси органга мурожаат қилишни билмаслиги

ҳам ачинарли ҳолдир. 2017-2018 йиллар мобайнида Тошкент шаҳрида ўтказилган ижтимоий сўров натижасига кўра, “Ўз ҳақ-ҳуқуқингиз бузилган тақдирда қайси органга кўпроқ мурожаат қиласиз?” деган саволга 25-35 % фуқаро “бунга вақтим йўқ” ва “бунга унчалик аҳамият қаратмайман” деган жавобни берган. Сўровномалардаги “суд органларига”, “прокуратура органларига”, “ички ишлар органларига” деган жавоблар 32 % респондентлар томонидан очик қолдирилган. Ваҳоланки, ҳуқуқий-демократик жамяят қуриш шароитида ёшларнинг ҳуқуқий маданияти муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда суд ишларини сайёр тартибда кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу ёшлар томонидан жиноятнинг ижтимоий хавфи ва оқибатини тўлиқ англашга ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, 2017 йил мобайнида республикаимизда тергов органлари томонидан 238 ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермагани аниқланган. 302 ҳолатда жавобгарликка тортиш мuddати ўтгани, 370 ҳолатда айбдорлар қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани инobatга олинди. 549 ҳолатда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотгани, 1636 ҳолатда қўзғатилган ишда жиноят таркиби йўқлиги исботланган. Ана шундай усулда олиб борилган суд ишлари натижасида 3,5 мингдан ортиқ жиноят иши тугатилган. Биргина 2017 йилнинг ўтган даврида судлар томонидан сайёр тартибда 373 256

иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 169 289 таси ёки 45 фоизи очиқ суд муҳокамаларида кўрилган (*ўша манба*).

Тўғри, таълим муассасаси ёки жамоат ташкилотининг ҳамма жабҳаларни қамраб олиши, ёшларга оид барча муаммоларни ҳал қилиши имконсиз. Шунга кўра, маҳалла ижтимоий фаолиятини ошириш учун жамоатчилик асосида фаолият юритаётган комиссиялар тегишли идора ва ташкилотларга бириктирилди. Жумаладан, 2018 йилдан бошлаб маҳалла фуқаролари йигинлари ҳузурдаги яраштириш комиссиясига Хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, мусулмонлар идораси яқиндан кўмак берадиган бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўқиш ёки ишга жойлаша олмай, муаммолар гирдобидида қолган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бизнингча, бунинг бош сабаби ёшларда маълумотлилик даражасининг пастлигидир. Жумладан, Давлат статистика кўмитасининг 2017 йилгача бўлган маълумотларига кўра, республикамизда 25 ва ундан катта ёшли аҳолининг ҳар 1000 нафаридан 163 нафари, яъни мамлакатимиз аҳолисининг бор-йўғи 12 фоизи олий маълумотга эга экан. Инвестициялар давлат кўмитасининг маълумотларига кўра эса, Ўзбекистонда 18,5 миллион ўрта ва олий маълумотли кадр бор. Бу кўрсаткичлар бизда олий таълимнинг қамрови тор эканидан далолат беради (*Олий маълумотлилар сони қачон ошади? // "Маърифат" газетаси, 2018 йил 30 май*). Агар ушбу рақамни Марказий Осиё республикалари билан солиштирсак, кўрсаткич анчагина паст эканига гувоҳ бўламиз. Масалан, Қозғистондаги 120 дан зиёд ОТМларида 496 мингдан зиёд талаба ўқийди. 7 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Қирғизистонда 56 та ОТМ 230 мингдан ортиқ талабани қамраб олган. Ўзбекистонда эса 80 дан зиёд ОТМ ҳамда

хорижий университетларнинг ўнга яқин филиали фаолият юритади. 2017 йилгача бўлган даврда улардаги талабалар сони 260 905 тани ташкил этган. Ушбу рақамлар ёшларни ўқишга кўпроқ жалб этиш зарурати борлигини кўрсатади.

Шу боис мамлакатимизда сўнги йилларда олий таълим тизимини янада ислоҳ қилишга оид талай фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, мамлакатимизда умумий квотанинг 30 фоизини ташкил қилган сиртқи ва кечки таълим йўналишларининг очилиши, бакалавариат ва магистратуранинг айрим йўналишларида тегишли равишда 3 йиллик ва 1 йиллик таълимнинг жорий этилиши жиддий ислоҳот бўлди.

Яна бир жиддий ўзгариш шуки, 9-синфни битирганлар ўзига керакли соҳа бўйича коллежда ихтиёрий равишда ўқиш имкониятига эга бўлди. Ҳа, ёппасига мажбуран ўрта махсус таълимга жалб этиш тартиби ўзини оқламади. Барчани олий таълимга қамраб олиш имконсиз эканидан келиб чиқилса, бу ҳам маорифдаги муҳим воқеадир. Ўқувчи ота-онадан узоқда эмас, балки унинг бағрида ўқиб, касб-хунар эгаллаши мумкин бўлди. Бу эса маҳалланинг оила билан ишлаш имкониятини кенгайтирди. Умуман, 11 йиллик ўрта мактабга қайтиш ҳамда олий таълим қамровининг кенгайиши ёшларнинг бўш юришлари олдини олади.

Бизнингча, ёшларга оид муаммоларни ҳал қилиш учун янги механизмлар яратиш, тегишли органларга асосли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш, бу борадаги вазиятни ўрганиш мақсадида мунтазам ижтимоий сўровлар ўтказиб бориш зарур.

Шерзод ҲАЗРАТҚУЛОВ,

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
етакчи мутахассиси*

Beruniyning Ibn Sinoga o'n savoli

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ва Абу Али ибн Сино (980-1037) яккаш Шарқда эмас, жаҳонда ҳам буюк мутафаккир ҳамда беназир кашфиётчилар дея тан олинган. Хусусан, Беруний 200 дан ортиқ рисола ёзгани маълум бўлса ҳам, бизгача улардан фақат 27 таси етиб келган. Шунинг ўзиёқ дунёда у қизиқмаган фан кам қолганини кўрсатади.

"Космосдаги жисмлар оғирликка эга бўлмай, қушлар каби учиб юради", деб ёзади Беруний. Бу қонунни, яъни вакуумни буюк аллома қуйидагича шарҳлайди: "Ер айланаётганда экватордаги тезлик

қутбдаги тезликдан катта бўлади, шу сабаб жисмининг экватордаги оғирлиги қутбдагига нисбатан камроқ бўлади". Бу фикри билан у ҳаракатланаётган жисмининг марказдан қочувчи кучга қандай таъсир қилиши назариясига асос солади.

Беруний ва Ибн Синонинг фалсафа, астрономия, физикага доир қизиқарли савол-жавобларида табиий жисмларнинг ўзаро алоқадорлигига оид изчил қарашлар акс этган. Ибн Сино таъбирича, жисмларнинг бир-бирига таъсири ва бу таъсирнинг табиати уларнинг ички имкониятига боғлиқ.

Бу ерда имконият тушунчаси Исаак Ньютон қонунларида учрайдиган “куч” тушунчасига мос келиб, у фаол ва нофаол шаклларда ифодаланиши қайд этилади. Жисм (модда) бир-бирига асосан икки хил таъсир кўрсатади. Жисмлар ўртасида боғланиш бўлса, ишқаланиш ҳодисаси келиб чиқади. Масалан, муз ҳар қандай жисмга тегиши билан, унинг ҳароратини бутунлай ўзгартириб юборади. Ҳодисалар алоқадорлиги жисмлар ўртасидаги бевосита боғланиш билан чегараланмайди. Чунки билвосита алоқадорлик ҳам бор. Бунда нарса-буюмлар бир-бирига таъсир кўрсатиб, бир-бирида ўз акси, яъни тасвирини қолдиради. Қуёш ва Ойдан тарқаладиган нур ва қувват таъсирида Ерда содир бўладиган жами ҳодисалар бунга мисол бўлади. Кишилар ҳайвонот ва ўсимлик олами ҳаёти, жонсиз табиат ҳодисалари ҳаракатига таъсир этади. Ибн Сино “Ойнинг яққол кўзга ташланадиган таъсири шундан иборатки, у меваларни етиштиради, ўз сатҳининг катталаниши туфайли мева мағзи ҳажмини кенгайтиради ва денгиз сувининг кўтарилишига олиб келади”, деб уқтиради.

Берунийнинг Арасту қаламига мансуб “Осмон ҳақида” китобига доир унта саволи ва унга Ибн Синонинг жавобларида қайд этилишича, буюк юнон олими, фалак ташқарисда бўшлиқнинг йўқлиги аниқ бўлса ва биз уни олов каби латиф гавҳар деб таҳмин қилсак ҳам, фалакни гўё чегараланган тўда бир нарса, деб қарайди.

Ибн Сино ўз жавобларида мантиқли далиллар келтиради: “Фалакнинг энгил ҳам, огир ҳам эмаслигида ўз сўзларингда исбот қилиб, мен учун етарли машаққат чекисан: ўз сўзларингда фалакнинг на юқорисига ва на қуйисига томон ҳаракат қилиши учун ўрин йўқлигини иқрор қилибсан. Бунга фалак бўлақларининг бир-бирлари билан алмашганини далил қилибсан. Мен ҳам, фалакнинг пастга томон ҳаракат қилиши мумкин эмас, пастда фалакнинг кўчиби бориши учун табиий бир ўрин йўқ, дейман. Чунки фалак пастга томон ҳаракат қилади, оламдаги ҳамма унсурлар ўз табиий ўрнидан кўчиб юради. Бундай кўчиб юриш табиат оламида ҳам мумкин дейиш – янглиш фикр...” (Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари. Тошкент. “Фан”, 1973. 6-бет).

Беруний Ибн Синодан яна “Нима учун Арасту ўз китобининг икки жойида илгари ўтган одамларнинг, фалак бор, деган фикрини фалакнинг доимо тургун эканига кучли ҳужжат ва далил қилди?” деб сўрайди. Ибн Сино бундай жавоб йўллайди: “Билмак керакки, Арасту “Оламнинг боши (ибтидоси) йўқ” деганининг маъноси, оламнинг яратувчиси йўқ, дегани эмас, балки оламнинг яратувчиси ишлашдан бўш эмас, дегани. Бу мақом олам бошига оид масалалар баъни эмас”.

Ибн Сино моддий нарса-буюмлар асоси – ўзгармас субстрати тўғрисидаги Левкипп-Демокрит

концепциясини қабул қилмайди. Бу концепцияда барча нарсаларнинг субстрати атомлар ва бўшлиқдан ташкил топиши илгари сурилади. Ибн Сино эса моддий олам асоси сифатида сув, тупроқ, ҳаво ва оловни тан олади, уларнинг ўзаро биридан иккинчисига айланишини уқтиради.

Ибн Сино фикрича, ташқи олам ҳодисалари ҳаракатида бўшлиқнинг мавжуд бўлишига ҳеч қандай муҳтожлик сезилмайди. Бўшлиқ жисмларнинг фаза ва вақтда ҳаракат қилиш воситаси вазифасини бажармайди. Ташқи оламда жисмлардан бошқа ҳеч қандай нарса бўлиши мумкин эмас. Жисм материя (моддият) ва шакл бирлигидан ташкил топади. У учта ўлчамга – узунлик, баландлик ва энга эга. Жисм – бирбутун ҳамда яхлит бўлиб, турли қисмлардан иборат эмас.

Ибн Сино атомистлар таълимотига қарши чиқиб, “Материя бўлинмас атомлардан ташкил топади ва уларнинг йиғиндиси жисмни келтириб чиқаради”, деган ғояни хато деб эълол қилади.

Дунё олимлари эътирофича, ҳинд халқининг тарихини ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам Берунийчалик ҳеч ким ёзиб беролгани йўқ. Масалан, можор тадқиқотчиси Марк Аурел Стейн “Беруний XI асрнинг Леонардо да Винчидир”, деб ёзади. Бундай баҳоларда мантиқий хатолик бўлиб, аслида аввал яшаган одамни кейин яшаган одамга эмас, балки аксинча ўхшатиш зарур. Шу туфайли Леонардо да Винчи ўз даврининг Берунийси, дейилса, тўғри бўлади.

Демокрит ва унинг тарафдорлари, атом – охириги бўлакча, ундан кейин бўлинадиган қисм йўқ, ҳамма модда атомнинг бирикишидан пайдо бўлган, дейди. Арасту эса, атом бўлинади, бўлинаверади, бўлинишнинг чегараси йўқ, деб ҳисоблайди. Ўша даврдаги бошқа олимлар ҳам ушбу фикрни ёқлайди. Бу масалада Беруний Ибн Синога 18 та савол юборади. Икки олим Хоразмда ижод қилган даврда бўлиб ўтган бу ёзишмалар уларнинг табиат фалсафаси ва физика билан жиддий шуғулланганини исботлайди.

Беруний, жумладан, бундай савол йўллайди: “Дўстим Абу Али, баъзи файласуфлар, атом бўлинмайди, деб айтади. Бундай дейиш – нодонлик. Иккинчи гуруҳ файласуфлар, атомнинг бўлиниши – чексиз, деб ҳисоблайди. Бу эса, ўтакетган нодонлик! Агар атом бўлиниши чексиз бўлса, материя йўқ бўлиб кетиши керак, ваҳоланки, материя абадийдир. Бу масалада сенинг фикринг қандай?”

Ибн Сино “Устоз Арастунинг, Розийнинг “бўлинади” деган фикрини чексиз деб тушунмагин, бўлинади, лекин бўлинишнинг чегараси бор”, деб жавоб қайтаради.

Беруний эса бу жавобдан қониқмайди, эътироз билдириб, яна мактуб юборади: “Эй Ибн Сино, сен жавобингда устозларнинг фикрини қайтарибсан. Аммо ўзинг фикр билдирмабсан. Менга сенинг

фикринг қизиқ. Фараз қилайлик, атом иккига бўлинса, шу бўлинган бўлақлар орасида катта бўшлик мавжуд. Бўлинган бўлақлар шу бўшлиқда тўхтовсиз ҳаракатда, улар орасида таъсир кучи бор. Лекин шу бўлинган бўлақчанинг ўлчами оралиқдаги бўшлиқдан неча марта кичкина ёки катта – буни бир тасаввур қилиб кўрдингми? Тафаккур қилиб кўринки, шу бўлинган бўлақча бўшлиқдан неча марта кичкина?”

Бу – фаннинг барча замонлари учун хос ва долзарб бўлган савол. Унга ҳозирги замон фани ҳам аниқ жавоб бера олганича йўқ.

Беруний келтирган, ўша вақтда унча маълум бўлмаган шимолий ўлкалар, Болтиқ денгизи ва Оқ денгиз ҳақидаги маълумотлар, Сибирнинг “бизда ёз бўлганда у ерда киш бўладиган” жойлари ҳақидаги хабарлар, айниқса, қизиқарли. Аллома Хитой ва Тибетга туташ ўлкаларни ҳам ўзидан олдингиларга нисбатан анча тўла ва аниқ тасвирлаган. Птолемейга қарама-қарши ўлароқ Атлантика ва Ҳинд океанларининг жануб томони бир-бирига туташганини исботлаб берган. У бир вақтлар Осиё ва Африка қитъалари орасидан бўғоз ўтган, Ер шарининг жануб томони қуруқлик бўлган, деб тахмин қилади. У қолдирган ноёб маълумотлар Шарқда жуғрофия илми равнақиға кўшилган муҳим ҳисса ҳисобланади.

Демак, ғарбий яримшарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб номланган қитъанинг мавжудлигини Беруний европалик олимлардан 450 йил аввал ёзган. Бу 1492 йили Колумб

тарафидан тасодифан Америка қитъаси кашф қилинганда ўз тасдиғини топади.

Берунийнинг билиш назарияси хусусида ҳам ўзига хос фикрлари мавжуд. Унингча, сезги аъзолари орқали олинган билимлар билишнинг асоси ҳисобланади. У бунда тажрибанинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Олим биринчилардан бўлиб, Арастунинг фан соҳасидаги хизматиға юксак баҳо бериш билан бирга, унинг “табиий жой”, “дунёнинг ягоналиғи”, “огирлик ва энгиллик” каби тушунчаларини танқид қилади. Ёки юнон алломасининг “огир” ва “енгил” тушунчасидан фарқли равишда, Беруний Ибн Синога ёзган “Эътирозлар”ида ҳамма нарса Ер маркази томон тортилиши ҳақидаги фикрни олға суради. Бу тортилиш кучи ҳақида айтилган дастлабки фикр эди.

Беруний астрономик кузатишларига асосланиб, экваторга Қуёш эклиптикаси оғшининг катталиғи (23°34') ва эклиптика оғиши узунлигининг асрий ўзгаришларини белгилаш, Қуёш апогеяси (авжи) узоклигини аниқлашда қадимги ва ўзига замондош бўлган астрономларга қараганда анча аниқ натижаларға эришган. Шунингдек, у 1029 та юлдузнинг координаталари ва юлдуз катталиклари қайд этилган жадвал тузган.

Америкалик машхур фан тарихчиси Жорж Сартон XI асрни “Беруний асри” деб атагани бежиз эмас.

Турсунбой СУЛТОНОВ,

ТДИУ доценти

Роҳатой ҲАЛИММЕТОВА,

ТДПУ катта ўқитувчиси

Zulqarnayn payg'ambar bo'lganmi?

Заминимизда етишиб чиққан забардаст олим Абул Баракот ан-Насафийнинг тафсирига оид бир асари бугунги кунга қадар Мисрнинг Ал-Азхар университетиде дарслик сифатида ўқитилади. Олим яшаган даврда мўғуллар Мовароуннаҳрни Чигатой улуси таркибида бошқараётган ва илм-фан, маданият, иқтисод таназзулга учраган, кўзга кўринган зиёлилар, илм пешволари ва дин аҳли қатл этилиб, омон қолганлари бошқа юртларға кўчиб кетган эди.

Абул Баракот ан-Насафийнинг тўлиқ исми – Ҳофизуддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий бўлиб, таваллуди “Ал-Мавсуат ал-арабийат ал-муяссара” (“Арабий энгил қомус”) асарида 629/1232-милодий йил деб берилган (*Муҳаммад Шафқ Фурбол. II ж. 1833-бет.*). Турли манбаларда ёзилишича, олим “улуғ имом, пешқа-

дам аллома, Ер аҳлининг устози, суннат ва фарзнинг жонлантирувчиси, Қуръон маъноларини кашф қилувчи, таъвилнинг нозик жиҳатларини билувчи, Илоҳий калом таржимони, фикҳ ва усул ал-фикҳнинг билимдони, ақлий ва нақлий масалаларнинг таянчи, дин ва миллат ҳимоячиси, етук мужтаҳид, муҳаққиқ олимларнинг машхури”дир (қ.: *Абул Баракот ан-Насафий. Мадорик ат-танзил ва ҳақоиқ ат-таъвил. ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 2583/1. 1-бет; Абул Баракот ан-Насафий. Ал-Кафи шарҳ ал-Вафи. ЎзФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 3110/1.*)

Олим Насафда туғилган, Бухорода таълим олган, ёшлик даври диний-илмий муҳитда ўтган, илм талабида қўллаб мамлакатларға борган ва катта обрў-эътибор топган. Илмға берилиб, сиёсий жарёнлардан узокда бўлган ва илмий доираларда

донг таратган. Тахминан 1280 йилларда Кирмондаги мадрасада, сўнг Бағдодда дарс берган. Араб ва форс тилларини мукамал билган. Ибн Камол Бошо эса "У билан ижтиҳод даври тугаган, ундан кейин мазҳабда ижтиҳод қиладиган мужтаҳид қолмаган", дейди.

Насафий 710 йил рабиъ ал-аввал ойининг жума куни (мил. 1310 йил август) Бағдодда вафот этган. Исфаҳон яқинидаги Изаж шаҳрида дафн қилинган.

Мўғуллар даврида тафсир, ақида, фикҳ, усул ал-фикҳ соҳаларини қайта жонлантиришга эҳтиёж туғилганди. Насафий 13 илмий асар ёзди: улардан 5 таси фикҳ, 4 таси калом илми, 3 таси усул ал-фикҳ ва 1 таси тафсирга оид; китобларининг 6 таси чоп этилган.

"Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил" ("Қуръон моҳияти ва таъвил ҳақиқатлари") олимнинг энг машҳур асари бўлиб, у Каломуллоҳга битилган мўътабар тафсирлардан биридир. Китобда оятлар тилга (сарф, наҳв, лугат, араб адабиёти, шеърят, мақоллар, балоғат, фасоҳат, қисман форс ва иброний тиллар); диний ва дунёвий илмларга асосан ёритилган. Тафсирда айрим баҳсталаб масалалар хусусида ҳам сўз боради. Жумладан, Искандар Зулқарнайн ҳақида. "Каҳф" сурасининг 83-98-оятларида Зулқарнайн ҳақида зикр қилинган бўлиб, Абул Баракот мазкур оятлар тафсирида Ҳазрати Алининг у пайгамбар ҳам, фааришта ҳам бўлмай, балки солиҳ инсон бўлганига оид фикрини келтиради. Искандарнинг пайгамбар ёки эмаслиги ҳақида сўралганда, Муҳаммад (с.а.в.) "билмайман" деб жавоб берган эканлар ("Мадорик ат-танзил ва ҳақоик ат-таъвил". III ж. 22-23-бетлар).

Искандар ҳақида 24 тилда 80 дан ортиқ ривоят бўлиб, аксариятини милoddан аввалги 200 йилда Псевдо-Каллисфен тўплаган. Қуръонда Искандарнинг шахсиятига доир маълумотлар берилмай, қилган хайрли ишларидан хабар берилади, холос. Бундан Александр Македонский билан Искандарнинг бошқа-бошқа кишилар экани маълум бўлади. Чунки Искандар ёлғиз Илоҳга сиғинган, Македонский Юнонистонда эса кўпхудолик ҳукмрон бўлган. Буни ан-Насафий тафсирида берилган маълумотларда ҳам кўриш мумкин.

Қуръони каримда қиссалар, тарихий воқеалар тафсилотларсиз ихчам баён этилгани ҳолда, тафсирларда гоҳида тафсилот учун исроилиётларга (*яхудий ва насронийларнинг тарихий воқеалар билан боғлиқ ривоятлари*) мурожаат қилинади. Чунки бу қиссалар исломдан олдинги илоҳий манбаларда ҳам бўлган. Насафий исроилиёт ривоятларига катта аҳамият қаратмайди, балки уларнинг заифлигини "*рувия*" ("ривоят қилинади"), *қийла* ("айтилади") каби мажхул нисбатли феъллар ёрдамида ифодалайди.

Насафий баъзи ўринларда исроилиётни қаттиқ қоралайди ҳам. Масалан, Сод сурасининг 21-22-оятлари тафсирида Довуд пайгамбар ўз лашкарбоши Уриёни унинг хотинига эга бўлиш мақсадида Балқо урушига қайта-қайта юбориши ва лашкарбошининг у ерда вафот этиши тўғрисидаги ҳикояга қуйидагича муносабат билдиради: "Бундай тухмат Оллоҳнинг пайгамбари у ёқда турсин, оддий солиҳ одамга ҳам муносиб эмас. Бу ҳақда ҳазрати Али шундай дейди: "Агар ким сизларга Довуд ҳақида тўқилган бўҳтон қиссани айтса, уни бир юз олтмиш дарра урдираман. Пайгамбарларга тухмат қилган кишининг жазоси шундай бўлади".

Баъзи бир тафсирларда исроилиётга жуда чуқур киришиб кетилган. Жумладан, юртимизда тафсир фанидан ўқитиб келинаётган Жалолуддин ал-Маҳаллий (ваф. 864/1459 й.) ва Жалолуддин ас-Суютийларнинг "Тафсир ал-Жалолайн"и жумлаларининг қисқа, лўнда ва соддалиги билан кўпчилик диққатини тортган. Бироқ улар ақидавий жиҳатдан жиддий камчиликлардан холи эмас. Жумладан, аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодига биноан, пайгамбарлар *исмат*да пок, яъни катта гуноҳ қилишдан холи ҳисобланадилар. Юсуф сурасининг 24-оятда шундай дейилади: "(Зулайҳо) унга мойил бўлган ва у (Юсуфнинг дили) унга мойил бўлганди". Бу оятни "Тафсир ал-Жалолайн"дагидек, "Юсуф жимоъни қасд қилди" деб тафсир қилиш хато. Чунки исломга кўра, пайгамбарлар бундай гуноҳга бориш тугул уни ҳатто ният қилиши ҳам мумкин эмас.

Насафий Юсуфнинг мойиллигини амалсиз, табиий мойиллик деб шарҳлаб, Абу Мансур ал-Мотуридиннинг "Банданинг бундай амалга ошириши хохламай бўлган ниятига жазо берилмайди. Агар Юсуфнинг нияти Зулайҳонинг нияти каби бўлганида, Оллоҳ таоло Юсуфни Қуръонда ҳеч ҳам мақтамаган бўлар эди" деган фикрини келтиради.

Шайх Абдулазиз Мансур бу оят таржимасида эҳтиёткорлик юзасидан "Юсуфда бўлган мойиллик дилда ҳосил бўладиган, лекин уни ижро этиш нияти бўлмаган табиий мойиллик; Зулайҳодаги мойиллик эса уни амалга ошириш нияти билан эди" дея шарҳ беради (*Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. 238-бет*). И.Крачковский эса "И думала она о нём, и думал он о ней" (*Крачковский. Коран. Стр.186*) деб ўгиради. Бу таржима пайгамбарларнинг гуноҳсизлиги қондасига зид эмас.

Бақара сурасининг 35-оятда "Бу дарахтга яқинлашмангиз" дейилади. Унинг қандай дарахт эканига оид турли ривоятлар мавжуд. Жумладан, "Тафсир ал-Жалолайн"да ҳам унинг бугдой, узум ёки бошқа бир дарахт бўлиши мумкинлиги айtilган. Ваҳоланки, Қуръон ва ҳадисда бу ҳақда аниқ

маълумот берилмаган. Шу сабаб мўмин одам унинг бир дарахт эканига ишониб қўяқолиши ва аниқликдан тийилиши таъкидланади.

Дарҳақиқат, юқоридаги каби тарих ва ривоялар халқ орасида кенг тарқалган, мутахассислар баҳсига сабаб бўлган; улар борасида Абул Баракот ан-Насафийдек олимларнинг мантиқий ва асосли шарҳлари ғоят зарур.

Zamonu makonni tanlamas ofat

Атоқли шарқшунос Евгений Бертельс “Ўткан кунлар” муаллифини олтинчи романчилик мактаби асосчиси дея эътироф этар экан, шубҳасиз, санъат қонуниятларига суянган. Инсон ва жамият ҳаёти диалектикасига муносабат ўша қонуниятларнинг жон томиридир. “Ўткан кунлар”да қаламга олинган, қиргинбарот, фитнес, таназзул, ҳасад каби турфа балою офатлардан тўлиб-тошган мозий, унинг ҳар лаҳзада янгиланиб-турланиб, такорлангувчи мудҳиш воқелиги асарни жаҳоний роман даражасига кўтарган. Жанр мақомини ёлгон дабдаба, сохта шуқуҳ, қўрқоқларча беркитилган ёлгон эмас, мозий ҳақиқати, шахсий ва ижтимоий бахт уйғунлиги, умуминсоний муаммоларнинг идрок этилиши ҳамда бадиий талқини белгилайди. “Ўткан кунлар”нинг санъат асари сифатидаги асл ўрни жаҳоний мусибатлар манзарасида ёрқинроқ кўринади. Унинг миқёсини ошиқ-маъшукнинг бир-бирига неча бор мактуб ёзгани, турли миллий атрибутлар, яна ҳар хил оилавий машамалар тафсилоти билан ўлчаш тўғри эмас. Асарнинг кучи миллий фожиа, ижтимоий фалокатларнинг бевосита ё билвосита, батафсил ёки мухтасар очиб берилганида. Фикри мизча, булар ичида энг асосийси, геноциддир. Бу ўринда ҳар қандай уруш-жанжал, босқин, талон-торож эмас, балки муайян қатламнинг миллий, ирқий, диний, ижтимоий мансубияти учунгина ҳўрланиши, таъқиб этилиши, шафқатсизларча оммавий қириб ташланиши билан боғлиқ ирқчиликларча жаҳолат назарда тутиляпти. Гап 1853 йилда Қўқон хонлигида йигирма мингга яқин қипчоқнинг қиргин қилингани, шу машъум воқеанинг “Ўткан кунлар”даги бадиий талқини хусусида кетмоқда.

Отабек баҳор оқшомларидан бирида шаҳарга кириб келаркан, туйқус бовсиз жасадаларга дуч келади. Дарвозабонларнинг биридан не ҳодиса рўй берганини билиб олади: “...бу кун эрталабдан бери кўринган қипчоқни сўйиб юрдилар-ку. Гуноҳлари суриштирилмади... Ўзлари ҳам қипчоқни қидирабериб ҳамма ёқни тозаям ғалвир қилиб

Умунан, аллома ўз асарларида нафақат ўша давр, балки бугуннинг ҳам долзарб мавзуларидан баҳс этади. Уларга асрлар оша кўплаб шарҳу изоҳлар ёзилган. Демак, насафлик бобокалонизмининг битиклари айрим мунозарали масалаларга аниқлик киритишда ҳам асқатади.

Давронбек МАҚСУДОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

юбордилар-да... Қўқонга кеткан бекларданми, хонданми, ишқилиб, шунақа буйруқ кепти-да...”

Абдулҳамид Чўлпон ҳам ўша йилларда: “Қиличларнинг тилларида қизил қон / Булоқларнинг суви янглиғ тошдими? / Яланг бола, яланг гўдак – маъсум жон / Найзаларнинг бошларидан ошдими?” каби мисраларни битган эди. Унда арман дашноқларининг Фарғона водийсидаги мудҳиш қилмишлари фош этилган. Сафдош-қисматдош икки адиб асрлар бўйи инсониятни таназзул чоҳига итарган фожиадан огоҳ этгандек. Негаки, инсоният бу хил қиргинбаротларнинг қанчасини бошдан кечирди! Кўп асрлик сунний ва шиа мижозлари; Америкада маҳаллий ҳиндуларнинг оқ танлилар томонидан, шунингдек, I жаҳон уруши даврида бир ярим миллиондан ортиқ арман, Понтия юнонлари, оссурияликларнинг аёвсиз қириб ташланиши; Россия, Украина, Қозоғистонда большевиклар атайин уюштирган очарчилик, халқлар сургунни, ГУЛАГ; хитлерчилар томонидан миллионларча яҳудийлар, славянлар, лўлилар ва бошқа миллатларнинг маҳв этилиши; 1975-1978 йилларда “қийиқўз Ҳитлер” – Пол Пот бошчилигидаги “қизил кхмерлар”нинг ўз халқи – уч миллионга яқин камбोजликнинг бошига етгани; Тоғли Қорабоғ, Ўш, Ўзган фожиалари, Хожали қирғини; 90-йилларда собиқ Югославия ва Руандада юз берган биродарқушликлар; Мьянмада мусулмонларга қилинаётган зулм; яқинда Янги Зеландия масжидида рўй берган оммавий қиргин...

“Ўткан кунлар”га қайтсак. Хўш, қиргинни уюштирган ёвузлар томонидан “халойиқи ғассоблар”, “сабаччалар”, “ғалаи сақлар” дея таҳқирланган қипчоқларнинг ўн бешдан етмиш ёшгача бўлган жамики эркакларини сўйишдан мурод нима эди?

Башарият кечмиши этник мижозлардан тортиб қонли инқилобларгача – барча-барчаси аслида қудратли кучларнинг манфаат-маслақлари тўқнашуви, одамзодга нафрат руҳидаги ғоялар билан сўғорилган сиёсий ўйинларнинг ҳосиласи эканини тасдиқлайди. Ўзларига ёндош, қардош, ватандош

бўлмиш қипчоқларга тиш қайраган Муҳаммад Ниёз қушбеги, Қосим мингбоши, Муҳаммад Ражаб кўрбоши, Каримкул понсад, Қамбар шарбатдор каби бузғунчиларнинг бадниятию бундан келиб чиққан оқибат ҳам шундай. Афсуски, бу даҳшатли қирғин жуда тор шахсий манфаатлардан келиб чиққан. Юсуфбек ҳожининг айтишича: "...*битмаси минебоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормуҳаммад ўрнига минмакчи, учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи. Хон эрса Мусулмонқулга бўлган адоватини қипчоқни қириб аламдан чиқмоқчи*".

Табиийки, ҳар қандай ёвузлик ниқобланади, "зарурий чора" дея номланиб, муайян сабаблар воситасида "оқланади". Ўз вақтида ҳитлерчилар мудҳиш қилмишларига "яхудийлар фитниси", "олмон халқига ҳаётий кенглик яратиш" сингари "асос"лар келтирган. Ражаббекларникида тўпланган биродаркушларга ҳам баҳона тайёр: "*Саҳродан келган ҳар бир қипчоқ бизнинг елкамизга минмакчи. Бизнинг товоғимизга тумшугини тикмоқчи... қипчоқ бу кунгача озгина оғайнининг қонини тўқдими?.. Қўқоннинг ўзидан икки йилнинг ичида етмиш саккиз бек ўлдирилибдир. Ҳали бу ҳисобка фуқародан ўлдирилган бечоралар қирмайди*". Аслида эса, ҳукмронликдай дарди бедавога йўлиққан кимсалар, эгаллаган мансабига нолийқ тўралар минглаб бегуноҳ одам қони тўкилишига, алалоқибат, юрт фаторат топишига сабабчи бўладилар.

Миллатнинг чинакам фожиаси – мамлакат, эл-юрт тақдири шу бадбин манфаатпарастларнинг кайфиятию иродасига боғлиқ бўлиб қолгани-

дадир. Уларга қаршилиқ қилолмаган, қирғиннинг олдини олишга ожиз Юсуфбек ҳожини эса хавотир чулғайди: "*Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг теғимизга суя қуядирган бўлсак, яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндиригини кийдирган бўлармиз*". Сирасини айтганда, улуғ Қодирий қипчоқ қирғинини кўрсатиш орқали кўп ўтмай Туркистон халқлари бошига тушган янада улкан мусибат – бир ярим асрлик мустамлакачиликнинг асл илдизини очиб берди. Шу тариқа қипчоқ қирғини тафсилоти юракни ларзага солувчи мудҳиш хотимада – ёвузлик тантанасида тўхтади.

Умуман, "Ўткан кунлар"да қаламга олинган миллий-этник адоват, ўзга тоифаларга тоқатсизлик (ксенофобия), маҳаллийчилик, шу омиллар боис бот-бот бош кўтарадиган оммавий қирғин ва зўравонлик каби фожиалар макону замон танламайди. Абдулла Қодирий туркий халқлар адабиётида геноцид мавзусини кўтарган, унинг сабабларини тегран англаган биринчи адиб сифатида ҳозирги ва келгуси авлодларни бундай балодан сақланишга; худоёрхонлар, ниёзқушбегиларга кўр-кўрона эргашмай, онгли иш туттишга; турли миллату эвмларга, дину мазҳабларга мансуб кишиларни ўзаро тотувликка, бағрикенгликка чорлайди. Шу маънода "Ўткан кунлар" улуғ огоҳномадир.

Рустам ИБРОҲИМОВ,
муस्ताқил тадқиқотчи

Sahna yuragi

Актёр саҳнада ҳаётни ва унинг марказида турган инсонни жонлантиради. У биргина истеъдод ёки маҳорат билан эмас, балки кучли билим, сабр-тоқат, дид-фаросат, гўзаллик ва нафосат туйғуси уйғунлигида мўъжизакор санъат яратади. Актёр ҳис-туйғуга бой, доно, эътиборли ва кузатувчан, халқчил ва замонавий бўлиши керак.

Санъат ҳаётий ҳақиқат ва саҳнавий ёлгоннинг ҳосиласи; тарихийлик ва замонавийлик, рост ва ёлгон, оқ ва қоранинг бир вақтда намойиш этилишиндан пайдо бўладиган мўъжиза; қалбни юпатувчи, кулдирувчи, гоҳида йиғлатувчи ёхуд ёлғизликка чорловчи меҳрибон дўст кабидир. Санъаткордан саҳнага энг яхши инсоний туйғу-фикрлар билан қадам кўйиш талаб этилади.

Тафаккури кенг актёрсиз яхши спектакль яратиш бўлмайди. Драматург, режиссёр, рассом, композитор сингари театр санъати вакиллари ўз имкониятларини актёр тафаккури орқалигина намойиш эта олади. Шу сабаб театрдагиларнинг барчаси

актёрнинг тафаккурини юксалтириш, актёр эса уларнинг санъатини томошабинга етказишга интилади. Шундай ҳаққоний (объектив) ва узвий (диалектик) бирдамлик натижасида саҳнада соғлом ижодий муҳит юзага келади.

Ниқоблар комедияси бўладими, халқ театри бўладими, майдончадаги томошалар бўладими – барча-барчаси актёрлик тафаккури ва унинг тадрижи билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Драматург олға сурган ғоя ва фикрларни актёр саҳнага олиб чиқади, у чизиб берган қиёфаларни саҳнага кўчиради (*Муҳаммедов М. Режиссура асослари. Тошкент, 2008. 29-30-бетлар*).

Театр – тирик санъат. Унинг юраги ҳам, мияси ҳам – актёр. Ёзувчининг асари ёзиб бўлингандан сўнг, рассомнинг асари чизилгандан сўнг жамоатчиликка етказилади, шу билан муаллифнинг вазифаси тугайди. Актёр эса ички сезгилари, қалб дунёси, бутун вужуди, хатти-ҳаракати орқали томошабин кўз олдида ҳар гал янгидан тимсол яратади.

Санъат қонунларига кўра ижодкор (ҳайкалтарош, рессом, бастакор ва бошқалар) яратган асл асарларнинг умри у ўтиб кетганидан кейин ҳам давом этаверади. Актёр ижоди эса унинг ҳаётлигида, яъни спектакль ижро этилаётганда яшайди. Жонсиз ва жонли ижронинг тафовути – ана шунда. У фақат томошабиннинг хотирасида муҳрлини қолади.

Бошқа санъат турларида санъаткорлар ўз ижод маҳсулини жонсиз нарсалардан яратади. Актёр ижоди эса ҳамиша жонли жараён бўлгани сабаб ўзгарувчандир. Қолаверса, ижодий жараён ижрочининг руҳий ҳолати, табиати, атрофни ўраб турган муҳитга боғлиқ. Актёр ташқи турткилардан таъсирланади, ўзгаради; ролини ҳар гал ижро этганида олдингисини такрорламайди. Жонли театрнинг гўзаллиги ҳам, фазилати ҳам, бошқа санъат турларидан фарқи ҳам шу.

Актёр томошабинлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиш орқали уларни сахна оламига олиб кириб, фикрлашга, ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Шу сабаб ҳам актёр халққа яқин бўлади.

Сахна тимсолини дастлаб драматург яратади. Драматик асарнинг санъат намунаси сифатидаги даражаси, таъсир кучи энг аввал ёзувчи истеъдоди ва даҳосига боғлиқ. Тимсол ҳамда актёр тафаккури уйғун келсагина чинакам сахна асари юзга чиқади.

Сахнага чиқиб, роль ўйнаган ҳар қандай одам актёр бўлавермайди. Актёр ўз роли устида муттавил ишлаш-изланиш орқали мақсадга эришади. Унга қандай роль бўлишининг аҳамияти йўқ, ҳамма

гап – ижрода. Чунончи, актёр образ моҳиятига тўла кира олсагина, томошабинни ишонтириши мумкин.

Актёр қаршисида ҳамиша “мен томошабин олдига қай мақсадда чиқаман, уни нимага ундашим ҳамда ишонтирмоғим керак?” деган савол турмоғи лозим. Сахна санъатининг нечоғли машаққатли эканини устоз режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг ўз шогирдларига айтган мана бу сўзларидан ҳам билиб олса бўлади: “Санъат оламида яшаш – машаққатли... Актёрнинг катта маблағи бўлмайди. У камбағал яшайди. Моддий қийинчиликларга бардош бериб, қийинчиликларга чидай олсангиз, марҳамат!”

Ҳар бир актёр азалий муаммоларни ҳал этиш илинжида сахнага чиқади. Режиссёр эса актёр ижодини тўғри йўлга солади ва унинг ривожини учун шароит ҳамда муҳит яратади. Машҳур актёр Армен Жигарханян бу ҳақда “Мен хамирман, режиссёр мендан манти қилса манти, бўғирсоқ қилса бўғирсоқман” деб ёзган эди.

Гарчи режиссёр театр учун масъул биринчи ходим бўлса-да, сахнанинг ҳақиқий эгаси барибир актёрдир. Шу сабаб актёр ўзи ижро этаётган тимсолда яшамоғи лозим. Шундагина у сахнани воқеа юз бераётган жойга айлантиради. Атоқли режиссёр Константин Станиславский айтганидек, сахнанинг шоҳи – истеъдодли актёрдир.

Жаҳонгир МАМАТҚОСИМОВ,

Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти доценти

Shaharsozlik: g'arbona va sharqona yondashuv

Шаҳарлар қиёфасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, экологик ҳамда маданий жараёнлар; шунингдек, жамиятдаги устувор мафқуранинг мақсад-муддаоси акс этади.

Яқин ўтмишда ҳам шўро кишиси турмуш тарзининг юксалганини намойиш қилишда социалистик шаҳарлар энг муҳим воситалардан бири бўлди. Партия етакчилари шаҳар ҳаёти ёки қишлоқларга олиб кирилган шаҳар муҳити тараққиёт белгиси эканини бот-бот таъкидладилар. Капиталистик шаҳар қишлоқни эзувчи омил сифатида (*Ленин В. Полн. собр. соч. Т.24. Стр.220*) баҳоланиб, социалистик жамиятда биринчиси кейингисининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожига улкан ҳисса қўшаётгани; социалистик шаҳарсозлик инқилобгача бўлган қулбалар тизимини тугатиб, улар ўрнида қувноқ ишчи кварталларини пайдо қилгани алоҳида қайд этилди (*Сталин И. Вопросы лени-*

низма. 11-изд. Стр.457). Мазкур мавзу ўша давр тадқиқотчилари томонидан ўрганилганда, албатта ишчилар турмуш тарзида рўй берган ижобий ўзгаришларга урғу берилди. Бу ўзгаришлар гўё социалистик иқтисодда эришилган улкан ютуқ бўлиб, аграр давлат индустриал мақомга кўтарилган, “социалистик шаҳар” деб аталган янги саноат марказлари шаклланиб, жамият аъзоларининг аксари завод ишчиларидан иборат бирлашма сифатида намоен бўла бошлаган эди.

Урбанизм Ғарбда хусусий ер эгаллиги, хусусий уй-жой бозори таъсирида шаклланган бўлса, шўро давлатида шаҳарлар қатъий режалаштирилди, уй-жойлар эса давлат мулки бўлди (*Гиддэнс Э. Социология. Тошкент, “Шарқ”, 2002. 660-бет*). Турар жойларнинг ташқи қиёфаси кўрimsиз бўлиб, марказда ҳамда саноат корхоналарига йўналган йўл бўйида жойлаштирилди. Бу усул олмон меъ-

мори Эрнст Мэйнинг лойиҳасига мувофиқ бўлса-да, мафкура таъсиридан холи эмас эди. Чунки Эрнст Мэй ўз лойиҳаларида тураржойлар ва саноат корхоналари орасини ажратиб туриши лозим бўлган яшил минтақа бўлиши кераклиги, социалистик шаҳарларда эса бу нарса кўзга ташланмаслигини таъкидлаган. Чиндан, саноат худудларининг аҳоли манзилгоҳларига туташиб кетиши шўрча шаҳарсозликка хос бўлиб, бунда ишчиларнинг корхонага қатнови ҳам инобатга олинган бўлса керак.

XX асрнинг 30-40-йилларида Ўзбекистонда ҳам муайян табиий қазилма базасида Чирчиқ, Ангрэн, Олмалик, Бекобод каби шаҳарлар вужудга келди. Советча тажрибага кўра, уларнинг дастлабки қурувчилари "кўнглили" комсомоллар бўлди. Масалан, Москва, Ленинград, Днепровскдан келган мутахассислар томонидан барпо этилган Чирчиқ "бутун совет халқи томонидан қурилди" дея таърифланди (*Якубов Ф., Салимов Т. Чирчиқ. Ташкент, 1970. Стр.12*). Шаҳар ишчилари орасида 1936 йилда 36 миллат вакили қайд этилган бўлса, уруш арафасида уларнинг сони 40 дан зиёд, 80-йилларга келиб эса 72 тани ташкил этган. Бу – мафкура учун хизмат қиладиган сунъий муҳит эди.

Бу тур шаҳарлардаги барча қурилиш ишлари етакчи саноат корхонаси қошидаги трестлар ёки ширкатлар томонидан амалга оширилар, турар жойларга албатта шу ташкилотга қарашли корхона ишчилари жойлаштирилар эди. Шу тариқа Чирчиқ – кимёгар ва энергетиклар, Олмалик – рангли маъданчи, Ангрэн – кончи, Бекобод – металлургиялар ватанига айланган борди.

Фарб шаҳарларидаги аҳоли миграцияси кўчиб боровчиларнинг турли этник ёки ижтимоий тоифага мансуб экани билан характерланади. Ёш социалистик шаҳарларда эса кимнинг қаерга кўчиши ва қандай машғулот билан шугулланиши ҳукумат режаси асосида кечган. Масалан, 1955 йилда Тошкент вилоятининг саноат шаҳарларига иттифоқдош республикалардан 435 оила ёки 1019 нафар кишини кўчириш режалаштирилган бўлиб, 1957-1960 йиллар оралигида Олмалик шаҳрининг ўзига 1074 нафар рангли маъдан соҳаси ишчилари кўчириб келинди (*ЎзРМДА, Р-1619-фонд, 11-рўйхат, 1791-иш, 279-варақ*). Шунингдек, рангли металлургия саноати бўйича Олтинтопан қўрғошин-рух комбинати – 940, Олмалик мис-молибден комбинати – 150 нафар ходим зарурлиги қайд этилиб, бу масала маҳаллий ёшлардан кадр тайёрлаш орқали ҳал этила бошлади. Жумладан, Тошкент Политехника институти томонидан 1958-1962 йилларда жами 474 нафар муҳандис (ўзбеклар: 136 йигит ва 4 қиз) тайёрланган бўлса, 1984 йилга келиб шу институт Олмалик филиалининг ўзи 1081 мутахассис тайёрлади (*История новых городов Узбекистана. Ташкентская область. Ташкент, "Фан", 1976. Стр.161*).

Бу жараёнлар саноат шаҳарлари аҳолиси орасида ўзига хос руҳ пайдо қилди; маънавий ҳаёт ҳам маълум саноат тармоғига ихтисослашиб борди. Шаҳарларда ҳукумат томонидан маънавий-маърифий масканлар ташкил этилди. Жумладан, Чирчиқда электрокимё комбинатига қарашли 850 ўринли маданият саройи; Ангрэнда "Горняк", "Шахтёр", "Энергетик" каби клублар фаолият кўрсатган (*Гулямов А. Ангрэн. Ташкент, 1971. Стр. 13-17*). Кутубхоналар, болалар лагерлари ва овқатланиш шохобчалари гигант саноат корхонасининг қайсидир бўғинида; ўша корхона гўёки шаҳар танасига қон ҳайдаб турган юрак каби эди. Демак, аҳолининг кундалик турмуши айнан завод-фабрика ёки унга тегишли бўғинга боғланар эди. Бу эса одамларда жамоавий ўзликини англаш ҳиссини тарбиялаб борди.

Саноат шаҳарлари полиэтник хусусият касб этиб, турли маданият вакиллари учун умумий масканга айланган. Бекобод, Янгийўл, Чирчиқда маҳаллий аҳолига нисбатан европалик бўлган этник гуруҳлар (асосан руслар) кўпчиликни ташкил этган.

Хуллас, совет шаҳарсозлиги сиёсий (марказнинг устунлигини таъминловчи), иқтисодий (давлат капиталини тўпловчи), ижтимоий (социалистик жамиятни барпо этувчи) ва маданий (социалистик миллатни шакллантирувчи) вазифаларни бажарди. Шаҳар шароитидаги тўқис турмуш тарзи, давлат ғазнасига келтирилган фойдалар ҳақида кўп ва ҳўб гапирилди. Лекин саноат корхоналарининг атроф-муҳитга, одамлар саломатлигига кўрсатаётган салбий таъсири деярли эсланмади.

Қолаверса, шўро шаҳаршунослари бутун дунёда устувор бўлган тамойил – шаҳар муҳитининг аъаналарга чек қўювчи макон сифатидаги ролига алоҳида аҳамият қаратдилар. Фарбда шаҳар феномени ижтимоий муаммолар доирасида ҳам таҳлил қилинган бўлса, социалистик шаҳарларда бундай муаммолар "қузатилмади". Масалан, бозор иқтисодиёти жамиятларида аҳолининг шаҳарга оқиши натижасида мувозанатнинг издан чиқиши ва ишсизлик кучайган даврда ҳам совет шаҳарларида аҳолининг жойлашуви маълум меъёрлар асосида кечди. Одамларни доимий рўйхатдан ўтказиш орқали аҳоли тақсимланишидаги номуаносибликлар "олди олинди".

Шунингдек, ишчиларнинг қишлоқ хўжалигидаги фаоллиги оталиқ тизими воситасида кучайтирилди. Бу билан гўёки шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тўсиқлар бартараф этилди, амалда эса ишчи-деҳқон ҳамкорлиги таъминланди. Таъбир жоиз бўлса, саноат шаҳарлари СССР байроғидаги "болға" вазифасини бажарди.

Сайфиддин АНОРҚУЛОВ,

*Ўзбекистон Миллий университетининг
таянч докторанти*



SUMMARY

Interview with writer Jura Fozil. pp. 4-13.

The emergence of market economy relations in Uzbekistan has had a profound impact on both the literature and the press. So, how much has the national literature and the press adapted to market rules? How has market economy affected the intellectuals, which are the main driver of the spiritual development of society? Writer Jura Fozil shares his thoughts on such actual issues. Emphasizing the need to modernize the community, he concludes, “Changing a person is like changing the universe”.

Abdurahim Erkaev. Need for updates. pp. 14-19.

The national idea should reflect the strategic interests of the people and the nation. When the goals of the national idea are not clearly defined, it can either become an aggressive idea of nationalism and chauvinism, or become utopian. Uzbekistan adopted the national idea in 2000 as well. However, a rapidly evolving period requires the development of this concept. The article analyzes what to consider when updating and improving the national idea.

Rahman Kuchkar. Uzbekistan: Balancing Secularism and Religion. pp. 20-27.


The balance between secularism and religiosity is a serious criterion for the future of any society. The loss of this balance has been and continues to draw the world's countries into a state of ignorance and turmoil. What should we pay attention to in order to find the golden mean between secularism and religion in Uzbekistan? The article discusses this issue.

Zabihulla Soyipov. Does history need verification? pp. 28-33.

Studying the history of the motherland, discussing the "white spots" of the past, that is, controversial and disputable issues, is important in enhancing national self-consciousness and people's memory. The "white spots" in the history of Uzbekistan are not yet the final scientific evaluation of such topics as jadidizm, "basmachilik" ("Basmachi movement"), "Hujum" ("Attack") campaign, Turkestan Legion, cotton monopoly, dispossessing the kulaks, GKChP (State Committee on the State of Emergency in former USSR). The article explores various approaches to the Turkestan Legion in particular. The author proposes the formation of a culture of sources, criticism, and compromise in the creation of the most recent history of Uzbekistan.

МУКОФОТЛАР

МУБОРАК!



2019 йил журнал саҳифаларида эълон қилинган сара асарлари учун фаол муаллифлардан –

шоир ва файласуф **Абдулла ШЕР** (“Шояд тафаккур қилсак” суҳбати, 1-сон);



шоира **Нодира ОФОҚ** (“Дунё одами” (1-сон), “Қояда ўсган гул” (2-сон), “Мен Сизиф тошига эгаман бошим” (3-сон) мақолалари);

публицист **Олим ТОШБОЕВ** (“Мозийга тикилиб муғанний йиғлар...” мақоласи, 3-сон)



таҳрир ҳайъатининг қарорига асосан “Тафаккур” совриндорлари деб топилсин ва эсдалик совғалари билан тақдирлансин.

Бош муҳаррир


Эркин АЪЗАМ

Таф. 13529с.

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 4/2019



ISSN 2010-6491



9 772010 649005